

63-3 (243)

В. 20

Герман Вамбери

**БУХОРО ЁХУД
МОВАРОУННАХР
ТАРИХИ**



ИСТИҚБОЛ ЙУЛ КЎРСАТКИЧЛАРИДАН БИРИ

«Ўтмиши кўмилган миллатнинг истиқболи ҳам зулмат пардаси остидадир».

Ҳа, мижор олим Херман Вамберининг ўтмиши кўмилган миллат ҳақидаги гапларини айниқса бугун — фуқаро ва уламоларимизнинг деярлиси яқин ва узоқ тарихимиз хусусида ута юзаки тасаввурга эга бир даврда эслаш жуда ўринлидир. Мозийдан беҳабарлик кечаги ҳам бугунги авлодни бир мунча синдириб, маънавий қашшоқ ва кучсиз, юртига, миллатига, истиқболига бефарқ қилиб қўйганди. Хайриятки, элимиз бу кунга келиб у мудроқ, муте, қўрқув-параст руҳий муҳитдан қочмоққа, қутулмоққа тутинди. Шунинг учун ҳам бугунда ёшу кекса бирдай сиёсатга, иқтисодга, маданиятга ҳавасманд бўлиб қолди, миллий урф-одатлар, бойликлар ҳақида қизишиб ўйлай бошлади. Баъзилар эса, келажакка — зулматли бир парда қоплаган тун каби ҳозирда мажҳул бир бўшлиққа каловланиб тикилганча каромат қилмоққа уринади. Афсуски, истиқболни аниқ, тиниқ билимга эришмасдан туриб тасаввур этиш мумкин эмас. Дейликки, бугунги жумҳуриятимизда яшаётган авлоднинг ота-боболари олтининг йиллик тарихга, маданиятга эга; аجدодларимиз ўтмишда кўп даврларда ҳукмронлик ҳам қилганлар, ҳукм остида ҳам бўлганлар; шунга қараб миллий ривожланиш ва таназул пайтлари ҳам руй берган. Биз кечмишда ер бойликларимиз, чегараларимиз, элимизнинг нуфузи, қўшни мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий алоқалари, машҳур кишилари, айниқса, миллатни жаҳон миқёсида шуҳратлантирадиган буюк шахслари ҳақида асосли бир қарорга келмасдан туриб, барибир, келажакда ҳаётимиз қандай бўлишини тасаввур қила олмаймиз.

Менимча, келажакка фақат ўтмиш йул кўрсатади, у йул бугуннинг кўксидан ўтади. Бугунги кун мустаҳкам, қудратли бўлса, ўтмиш ва келажакнинг оғир кўпригини кутара олади. Халқимизнинг бутун борлиқ умри ўтадиган ана шу кўприкнинг бунёдга келиши учун, унга томон бориш учун йулкўрсаткичлар керак, тарих ҳақида билик зарур. Асл ота юртлари эски Туркистон бўлган мижорлар (венгерлар-хунгарлар — хун эрлар — Т. Қ.) олим Херман Вамбери, унинг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи» китоби ҳам ана шундай йулкўрсаткичлардан биридир.

Бу китобнинг русчага Аркадий Павловский таржима қилган нусхаси Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги кутубхонада сақланаётган «Туркистон тўплами»нинг 70—71 жилдларидан ўрин олган. Биз журналда эълон қилинган парчаларни тайёрлашда шу китобдан ҳам фойдаландик, асосан эса, 20-йилларда Бухоро Халқ Маориф Назоратининг нашриёти ташаббусига кўра ўша русча таржимадан Фотиҳ Қаримий ва Бурҳон Шараф туркчага ўғирган икки жилдлик (Москва, 1924 йил, эски имломизда) суяндик.

Маълумки, Херман Вамберининг туркий халқлар ҳаёти ва исломга онд илмий, адабий, сиёсий-тарихий ва тилга мансуб йигирмадан ортиқ асарлари

бор. Қисқаси, биз бу ўрнида Вамберининг «инглиз жосуси» экани ҳақида сўзлашни ортиқча биламиз ва Фотиҳ Қаримийнинг шу сўзларини таъкидлаш билан кифояланамиз: бу олим «сиёсий фикри жиҳатидан жуда очиқ турк муҳлис», инглиз тарафдори, Русия муҳолифи эди, шунга кўра подшоҳлик Русияси қошида ғайримақбул кишилар жумласидан саналар эди». Аммо олимга нисбатан шундай қарашлар мавжудлигидан қатъи назар, унинг «История Бохара или Трансоксания» асарини 1873 йилда Авлиё Пинтер шаҳрида таржима этилиб тарқатилгани ва бизгача етиб келгани шоёни зикрдир. Таржимон А. Павловскийнинг «Сўзбосхи»сидаги фикрлари ҳам ҳақиқатга туғридир: муаллиф Вамберининг айтишича, бу асар оврушалик маълумотли омма учун Трансоксания — Мовароуннаҳр мамлакати ҳақидаги биринчи тарих булиб қолди. Чунки Вамбери бу китобни ёзишда асл манбалардан, турк, муғул, араб, фарс тилидаги тарих китобларини бу улкага қилган саёҳати давомида кўрган ва ўзи тўплаган қўлёзмалардан фойдаланган. Таржимон бу улка темурийлар салтанати таназулигача Мовароуннаҳр дейилган ва сўнгра, ўн олтинчи юз йилликдан Бухоро хонлиги дея шўҳрат топганини айтиб, шундай дейди: «Эта страна, знаменитая уже в древности и достигшая полного величия при Тамерлане, избравшем Самарканд столицею своей колоссальной империи, до сих пор оставалось для истории почти совершенно новым, нетронутым полем».

Бу китобнинг фойдаси, фазилатлари хусусида кўп гапириш мумкин. Аммо унда маълум жузъий нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Зотан, бу табиий ҳолдир, чунки муаллиф неча минг йиллик тарихни китоблардан ўрганиб, ўзи бошқа миллатга ва бошқа миллий мушоҳада тарзига эга бўлган ҳолда, ҳукмрон бир муҳит вакили ўлароқ бу асарни баҳолиқудрат битган. Асарини нашрга тайёрловчи Сирожиiddин Аҳмад ҳам, уни таҳрир қилиш ва туркча, русча нусхаларга солиштириш жараёнида мен ҳам, шу жиҳатларга имкониимиз етганча эътибор бердик. Уқувчининг миллий туйғуларига, иззат-нафсига тегадиган баъзи ибораларни, жумлаларни атайлаб тушириб қолдирдик, баъзиларини мантқиққа, илмий асосга суяниб ўзгарттирдик.

Масалан, туркча нусхадаги «Арабларнинг ҳужуми ҳам қабули ислом» боби шундай бошланади: «Улуғ ислом юртининг амодлари ғарбий Осиёда иш-шо қилунгондан сўнгуқ араб қаҳрамонларининг ғолиб фирқалари Искандарни кабир йўли илан Мовароуннаҳрга келуб кирдилар».

Русча таржимада эса бундай: «Едва только были воздвигнуты столпы исполнского здания ислама в западной Азии, как победоносные отряды арабских искателей приключений вторгнулись в Трансоксанию по следам великого Македониянина». Кўриб турибсизки, туркча нусхада бундан кейин кўп ўринларда учрайдиган «қаҳрамон араб», умуман, арабларни улуғлаш русча нусхада йўқ; мен Вамбери китобининг асл нусхасини ўқий олганим учун айни пайтда фақат бир фараз билан чекланаман: Вамбери китобини ёзишда араб муаллифларининг, асосан мусулмон шарқи муаллифларининг асарларидан фойдаланган ва улардаги арабларни мадҳ этиш унга кўчган. Шу боисданми, русча ва туркча нусхаларда ҳам Мовароуннаҳрга — Туронга бостириб кирган араблар «қаҳрамонлар» деб, бу юртнинг эгалари, юрт ҳимоячилари эса «душман» деб талқин қилинади. Қутайба «энг илк аввал Байканд шаҳрина қарши юрди. Ул сахро ҳаволисина етказ, онда душман аскарини тасодиф этди. Душман аскарни сон жиҳатинча Қутайба аскариндан бик кўб зиёда эди». Русчадан ҳам бу мантқиқий хато такрорини кўрамиз: «...дойдя до окраин стени, нашел там

неприятельские силы». Шунга кўра, биз «душман» сўзи ўрнига баъзи ўринларда туронликлар, турклар ибораларини қўлладик.

Баъзиларда шундай саволлар ҳам туғилар, балки: нега энди бу асар аса нусхадаи ёки русчадан эмас, айнан туркчадан фойдаланиб тайёрланди; нега энди буни биз таржима дейишимиз керак ва ҳоказо. Биринчидан, қайси нусхадаи фойдаланиш ҳар бир ижодкорнинг ёки ижодий маҳкаманинг хос ҳуқуқидир, иккинчидан, русча нусхада жуда кўп исмлар, атамалар нотўғри берилганки, бу шубҳасиз, таржимонни чалғитар эди (масалан, «Темур тузукоти» сўзини «Тюцокат — и — Темур» деб. Чингиз ясоқларини «язуу Дженгиза» деб ёки машҳур форсча иборани «Амеден у кенденд у зухтенд у куштенд у бурдденду рефтенд» деб берилган; ҳолбуки, «омадан ва кундан ва...»). Энди бу асарни тайёрлашда туркчадан таржима қилинганига келсак, биз юқоридики келтирилган парчалардан кўришиб турибдики, Ф. Қаримий ва Б. Шараф нусхадаи айнан олинса, бугунги ўқувчи учун усмонлича, татарча сўзлар, форсий ва арабий иборалар ниҳоятда қийинчилик туғдирар эди. (Шу ўринда битта мисол келтирмақчиман: «...аввалги Мовароннуҳр шул қадар душмиш ва шул қалар қизғонч бир ҳолда қолмишдирки, инсон эски жүгрофионнинг шек муболағаяи ўлдуқларини ёхуд ялан сўйладикларина ишонмоқчи буладир. Ҳукумат муқаррий, уламо маркази ҳам бир хийли тижарат ва саноат ўрни ўлан Бухоро ҳозирида кўб ўлса 30 минг нуфузли ва Осийнинг энг шис ва сиҳат учун энг зарарли бир балдасидир». 1 жилд 31-32-бетлар). Шунини ҳисобга олиб, биз асарни туркчадан айнан «таржима» қилиб, ўзбек тилига мослаштириб, матидаи эркин фойдаланган ҳолда китобда эълон этдик.

Вамберининг асарида шундай гаплар борки, менимча, улар аслида босқинчилик сийёсати манфаати учун айтилгандек туюлади. Масалан, Турон халқларини, қавмлари ва уруғларини бир-бирига қарши қўйиш учун у бир ўринда, муғуллар Самарқандга бостириб кирганида, босқинчиларга ерли турк ва қангли қавмларининг қўшилиб кетганини айтса, арабларнинг Бухорога босқини даврида, ушанда аҳолиси асосан турклар ва тожиклар булгани учун (бир оз ҳушёр тортиб, оврупалик мустамлакачилар бу юртга кўз тиккан замонларда ҳам аҳоли таркиби шундай эканини ва уларни бир-бирига қарши қўйиш ердиларни кучсизлантиришга олиб келишини, бу эса босқинчиларнинг айни муддаоси эканини ўйланг) шундай ёзади: (русчада) «Гусейн тот час двинулся Бохору, которой жители по большей части таджики, во все времена известные за трусов, вышли против него, хорошо вооруженные...» Туркчасида: «Ау сайи шулуқ соат Бухороға ҳаракат этди. Онинг аҳолиси аксарият тожиклар булиб, жабинилик ила машҳурдирлар. Алар қуролланиб, Ҳусайн аскарини қарши чиқдлар...» Биз бу гапларни икки карра гижгижловчи маънога эғалиги учун ҳам китобда бермадик. Биринчидан, ҳеч бир қавмни, миллатни қўрқоқлиги билан машҳурдир деб бўлмайди. Иккинчидан, бу ердаги бу қавм Бухоро аҳолисининг аксариятини, буниси озчилигини ташкил этарди, деган сўз ҳам аниқлик киригишга муҳтож. Зотан, Вамберининг ўзи ҳам, барча форспараст гуруҳлар кўп таъкидлаган гапни такрорлаб, Мовароуннаҳрнинг маданий қисми «эрон унсурлари» дейди ва жумладан, савдо ва ҳокимият ишлари маркази булган Бухоро шаҳрига тожикларнинг кўпроқ йиғилиши ўша муҳитда табиий ҳол эканлигини ва бу ўринда Бухоро мамлакатига кирувчи бошқа вилоятлару қишлоқларда, саҳро яйловларида асосан кўп сонли турк қавмлари яшаганини эсдан чиқарган. Бу ҳолатда ҳам шу икки қўшни, бир-бирига халқ ва миллат

сифатида тақдирдош, қисматдош бўлган тожиклар ва турк қавмлари ўртасига нифоқ солишининг кўринмас илларини сезиш мумкин. Шунинг учун ҳам бундай гап-сузлар Вамберининг биз китобда берган тарихий ҳикояларидан олиб ташланди.

Бу каби қусурларидан қатъи назар, Вамберининг асари қимматли тарихий маълумотларга тула. Айниқса, унинг берган изоҳлари ҳам илмий асосли, ҳам тарихан мароқлидир. Биз китобда фақат матннинг узини бердик, изоҳлар кўплиги ва мураккаблиги, бошқа тарихий манбалар билан солиштиришни тақо-во этгани туфайли, уларни тушириб қолдирдик. Шу боисдан Шайбонийхон шахси ва умуман, ўзбекларнинг миллий хусусиятларини очиқловчи бир изоҳни тўлалигича келтирмоқчиман. Шайбонийхон Бурга Султонни йўлдан олиб ташлаш ҳокимиятчи мустаҳкам эгаллашдаги қилинадиган ишлардан бири эканини сезсизга, қатъий ҳаракат бошлайди. Бурга Султон саройига қишда, қаҳратон совуқда кутилмаганда босқин ясаган ўзбеклар уни қочириб юборадилар. Саройда қолганлар қатл этилади. «Тонг очилгондан сўнг Шайбонийнинг одамлари яралануви маълум бўлгон Бургани изларга бошладилар. Қор устина томуб боргон қон асарини кўрдилар, бу қон излари ўрмон ичина боруб кирди. Шунинг буйинча боруб, ниҳоят, ёрали бир аскар тобдилар. Ким эканини сўраганлари вақт узининг Бурга Султон бўлганлигин сўйлади. Шайбоний онинг Бурга эмас, балки Бурганинг ходими Мунгабий бўлгонини билиб, сен нечун узингни Бурга Султон деб сўйладинг, деди. Бунга қарши Мунгабий: «Подшоҳ, мен Бурга билан бирликда ўсдим, онинг эмактузини ошладим, сенинг одамларнинг оини изладикларини билганим вақт онинг ҳаётини қўтқармоқ учун ўзимни фидо этарга, онга таъйин этилган ўлим ўқини ўз кўкрагимга олурга қарор бердим. Энди ихтиёр сизда, тиласангиз нишлангиз» деб жавоб берган. «Шайбоний хейли бир олижаноб зот бўлгонлиқдан бу номусли одамга зўр мукофот беруб, озод этган. Лекин сўнгра Бурга топилиб, қатл этилган». Бу ўринда Шайбонийнинг шафқатсизлиги билан баробар ниҳоятда олижаноб, садоқатли қадрловчи инсон экани, шунингдек, Мунгабийнинг мард, тўғрисуз, эски турклардаги каби садоқат эгаси экани, хуллас, икки шахснинг миллий хусусиятлари аён бўлмоқда.

Вамбери яна бир изоҳида, Қутайба Турон аскарларини куч билан енга олмаслигини билгач, ҳийлага ўтгани ва бирлашган турк, сўғд аскарлари ичига айғоқчи юбориб, фитна тарқатганини ҳикоя қилгач, ўша жосуснинг «асли эронли Тиндир» (русчада «это был собственный шпион Кутейбе, по имени Тендер, родом Перс») эканини айтади.

Вамберининг бу китобидаги муҳим маълумотлардан бири шуки, у Темурнинг отасининг исми (ҳозиргача буни барча русчадаги ва ўзбекчадаги китоблардан Тарағай деб нотўғри ёзилиб келинмоқда — Т. Қ.) Турғай эканини айтади «Темурнинг о таси Турғай (бидбилдик) барлос уругининг бошлиги эди» дейди ва изоҳда айтадики, Вайлнинг ўқиганича Тарағай эмас (русчадан ҳам «Отец его Тургай (персепель) был главою Берлас... Не Таргай, как читает Вейл») дейди. Ҳақиқатан ҳам, Вамберининг фикри тўғри. Чунки Тарғай, Тарағай сўзининг маъносини шундай деб ёзганлар изоҳлашмаган. Вамбери ҳам бу ерда нега Турғайлигига изоҳ бермаган.

Эски турклар тарихидан маълумки, ота-боболаримиз исломиятдан аввал будда динига, Кук динига (шаманизм) мансуб бўлганлар, уларнинг тоғемлари ҳайвонлар ва қушлар бўлгани ҳам маълум. Шу жиҳатдан қараганда, шунинг-

дек, Темур даври ва ундан кейин ҳам исломдан аввалги эски турк одат ва анъаналари сақланиб қолганини, хусусан, исломийлашган турклар ўзларига бир прабий исм билан бирга битта эски туркча исм ҳам қўйганларини эсласак, нега Турғай деб аталгани англашилади.

Вамберининг бир изоҳида кўрагон сўзи (биз ҳозиргача урганганимиз «куси эмас — Т. Қ.) гўзал маъносини билдириши, кўрагон-куркли, куркам экани ийтилади. Муаллиф «Темурнинг уруғи барлос булган, аммо оила тармоғи кўрагон»дир дейди. Демак, Темур барлос қабиласининг кўрагон — куркам уругидан булган. Ҳозирда Шаҳрисабз ва бошқа ерларда яшовчи барлос қавмига мансуб кишиларнинг куркамлиги ҳам олимнинг бу фикрини тасдиқлайди. Кўрагон сўзини мўғулчага боғловчиларнинг асл нияти, менимча, Темур салтанати ва юришлари даврида анча-мунча тарихий алғов-далговларга дучор қилинган элларнинг вакиллари бўлиш, хусусан, араб ва форс муаллифлари ва уларнинг асарлари таржимаси воситасида Оврупага ҳам ўтган бир томонлама, қусурли маълумотлардир. Темурнинг «мўғул наслидан бўлуви ҳақиқида Мирхонд, Шарафиддин, Вайл, Ҳоммер ва бошқа мусташирларнинг ривоятлари икки мартаба ёлғашдир». Вамбери бу фикрини ва «Темурнинг Қорачар нуён наслидан бўлуви буш ҳикоя»лигини, Чигатойнинг унга ухшаш назари булганлиги тўғрисидаги сўз «Жаҳонкушой»да йўқлиги, аммо Рашидиддин, Мирхонд ва бошқалар маълумотларни «Жаҳонкушой»дан олганликларини тасдиқлайди. Темурнинг наслини мўғулларга боғлаган бизнинг замон тарихчилари ҳам шу адашишнинг ихтиёрсиз қурбонлари ўлароқ асоссиз сўзларни такрорлаб юрганликларини ана энди тушунса булар, деб ўйлайман.

Можор олимнинг «Темур тузуклари» ҳақидаги бир изоҳи ҳам мароқли тузук сўзининг асли эски туркчадаги тутсуқ (арабча низоом) маъносидадир; бу сўзга арабча куплик қўшимчасини қўшиб, «тузукот» ясалган. Олим яна бир изоҳида «Темур тузуклари»нинг асл чигатойча нусхаси Яман волийси Жаъфарнинг китобхонасида сақланишини айтади. Агарда бугунги ўзбек олимлари шу асл китобнинг факсимиль нусхасини ишлаб чиқиб, эълон қилсалар, тарихий нашларимиз йўли бир мунча ёришар эди.

Маълумки, Амир Қозғон билан Темурнинг отаси Турғай ўртасидаги муносабат жуда яхши булган, шунинг учун Амир Қозғон Темурга мурувватлар кўрсатган, қўшинига мингбоши қилиб олган; сўнграқ Темурга ўзининг неварасини — ўғли Салойнинг қизи Ўлжой Туркон Хотунни олиб берган. Шу Салой сўзига Вамбери бир изоҳида алоҳида тўхталиб, бу исми бир неча оврупа олимлари нотўғри талқин қилганини, нотўғри ўқиганини таъкидлаб, салой — эски туркчадаги ватан сўзидир, дейди. Ҳақиқатан ҳам, салой сўзи исм сифатида бугун ҳам куп учрайди, фақат биз уни арабча Салоҳиддин, Солиҳ сўзинини бузилган шакли деб қараб келганмиз.

Темурнинг оқсоқлиги масаласида куп нотўғри гапларни ўқиганмиз. Бу бўҳтонлар буюк Темурнинг шавкатига қасддан қилингандир. Маълумки, Темур Селестонга ҳужум пайтида жангда мажруҳланиб, кейин оқсоқ бўлиб қолган. Суриялик олим Аҳмад ибн Арабшоҳ эса, ичидан туқиб, Темур қўй ўғирлаб бораётганда, қўйнинг оғирлигидан йўлда оқсоқланиб юрган ва шунинг касрига оқсоқ бўлиб қолган, дейди. Вамбери шу бўҳтонни фош этиш баробарида Темурни «татар жаҳонгири» деб (русчада ва туркча нусхаларда ҳам) ўзиям илғилиниб кетади. Вамбери, умуман, бу китобида турк иборасини қўллаш ўрнига кун ҳолларда татар сўзини ишлатадики, бу, менимча, олим мансуб

муҳитда бу истилоҳ истеъмолда бўлганини таъкидлайди, аке ҳолда, шарқий Туркистон ҳақида сўз кетганда, русча нусхада «Китайская Татария» деб ёзилмасди, туркчада эса «Туркистон Чини» деб берилган.

Вамбери Темур шахсини иложи борича тўғри аке эттиришга интилган. Бу унинг ҳодисаларга, шахсларга берган изоҳларидан ҳам маълумки, баъзиларини мисол тариқасида келтираман. Биринчи жилднинг 243-бетидаги изоҳда айтилишинча, Темур бори 243 қаҳрамон билан Ҳусайннинг 12.900 кишилик аскаринга ҳужум қилиб, қалъани олиб, рақибларини қувиб юборган. Аввало Темур аскарлари қоронғи бир тунда аста-аста қалъа деворига миниб, соқчиларни ўлдириб, ҳимоядаги аскарларни забт билан ураб-қириб, қувиб, мислсиз жанговарлик кўрсатганлар. Яна бир гап: Темур барча ишларни маслаҳатлашиб, қурултой чақириб ҳал қилгани кўп айтилади. Балхдаги қурултойда Шайх Муҳаммад, Баён Сулдуз... амир Зиндаҳашм қатнашадилар; олимнинг изоҳлашича, Зиндаҳашм аввал Темурга қарши кўп марта исён этган, ҳамиша мағлуб бўлган. Кейинроқ эса, Темурнинг муруввати ва олижаноблиги туфайли, Зиндаҳашм унга хизмат қилиш баробарида, юксак мартабаларга эришган.

Вамбери тарафкашлик қилмасдан, Ибн Арабшоҳнинг «Темур Чингизхоннинг ясоқларини Қуръондан юқори кўрарди», деб ҳақсиз айблашини ҳам тўғри таъкидлаб, аслида, ислом ташкилоти аскарини идорадан кўра руҳоний идорага тадбиқ этилиб ясалганини, мўғул ясоқлари эса давлатни тутиб туришда, ҳимоялашда кучли жанговарликка эғалигини айтади. Назаримда, Вамберининг бу қараши бугунда ҳам кўп кишилар, давлат ташкилоти диний бўлиши керакми ёки аскарини, деб баҳс юритаётганлар билиб қўйса арзийдиган муҳим фикрдир. Ҳақиқатан ҳам, бир давлат руҳоний тараққий асосида жамият қурсаю, ёнидаги қушни давлат аскарини тараққийга эга жамоадан иборат бўлса, руҳоний ташкилотли давлат узини қандай ҳимоя қилади? Амир Темур бу масалаларни уз даврида тегин уйлаган ва уз салтанатини ҳам эски турк давлатчилигида бўлганидек аскарини тартибларга ва ҳукмрон ислом руҳоний ташкилотига асосланиб қурган.

Хуллас, Вамберининг бу китоби уқувчилар ўртасида кескин мулоҳазалар уйғотиши табиий. Уни илмий тадбиқ этиш эса олимларимизга ҳавола.

Тоҳир Қаҳҳор,

АРАБЛАРНИНГ ХУЖУМИ, ИСЛОМНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҲИЖРИЙНИНГ 46—96 ЙИЛЛАРИ (666—714)¹

Улуғ исломнинг таянчлари Фарбий Осидда барпо қилингандан кейин арабларнинг ғолиб қўшинлари буюк Искандар йўли билан Мовароуннаҳрга кириб келдилар. Зиёд бин Абу Суфён 46 (666) йилда лашкарбоши Робиаъ бин ал Ҳорисни Ироқдан Хуросонга кўчирди. Сосонийларнинг энг сунгги подшоҳининг фитниси ила ҳосил бўлган паришонликдан фойдаланиб, араблар Шарқий Эронда ўзининг йўлида учраган ҳар нарсани дуч келган жойда хароб этди ва ғолиб байроғи билан Балхга кириб борди. Бу шаҳар Мовароуннаҳрнинг жанубий дарвозаларидан бири саналади. Бу ерда туриб, Суғдиённинг бойлиги ҳақидаги хабарларни эшитган, ғалаба ва ўлжага нақадар суқ бўлган арабларнинг бу ўлжага куз тикиши табиий эди. Улар аввало фатх этиш режалари билан Сирдарё буй-ларигача келдилар.

Буларнинг муваффақиятлари нақадар катта, қўлга киритган ўлжалари нақадар кўп эканини шундан билиш мумкинки, Зиёднинг вафотидан тўрт йил утгандан кейин ҳам (у 50 (670) йилда вафот этди) унинг ўғли Убайдулло Муовия Бухорога яна қўшин юборди. Бу иккинчи ҳужум жиддийроқ суратда утди. Убайдулло бин Зиёд энг қадимги савдо маркази ва жуда бой пойтахт бўлган Байканд шаҳрига тажовуз қилиб, уни узоқ қамал этганидан сўнг босиб олди. Бу 53 (672) йилнинг охири эди. Хотун подшоҳ турк аскарларини ёрдамга чақирди. Араблар ўзларининг манжанақлари билан шаҳарни тўмом қамал қилгандан кейин Бухоро подшоҳига ёрдамга келувчи турклар Убайдулло бин Зиёдга орқадан ҳужум қилдилар. Убайдулло мудофаада туриб, бу юртликларга куп зиён етказгач, Бухорони қамал қилишдан воз кечиб, Марвга қайтишга мажбур бўлди. (Табарийнинг ёзишича, Убайдулло Тошкентгача келган.)

Мусулмонлар бу ердан жуда куп хазина, қурооллар, кийимлар, олтин-кумуш нарсаларни ўлжа олдилар. Булар орасида Хотун подшоҳнинг ноёб жавоҳир билан безатилган этиги саҳройи арабларни ниҳоятда ажаблантирди. Бу йигирма минг дирҳамга баҳоланган эди. Улар орқага чекиниш пайтида, йўлда қасос учун жуда куп

¹ Биз бу асардан олинган бобларни Бухоро Халқ Маориф Назорати нашрига (Москва, 1924 й.). Павловскийнинг русча таржимасидан Фотиҳ Қаримий ва Бурҳон Шарафнинг туркчага қилган таржимасига суяниб, бугунги ўзбек тилига мослаштириб тайёрладик.

карияларни улдиришган, ҳаттоки дарахтларни кесиб ташланган эди. Араб тарихчиси шундай ёзади: «Хотун подшоҳ Бухоро улкисини хароб бўлишдан ва хавфдан қутқариш учун Убайдулло билан сулҳ тузиб, унга ҳар йили бир миллион дирҳамдан тўлаб туришга ваъда берган» эди.

Лекин биз кўрамазки, бу воқеадан уч йил утар-утмас араблар Саъид бин Усмон қўмондонлигида Хотун подшоҳга қарши такроран ҳужум бошладилар. Хотун подшоҳ Убайдулло билан сулҳ аҳдига вафо қилиб, арабларнинг қўмондонига хирож юбориб кўрди, аммо тадбирлари фойда бермади. Саъид ўз халқининг аҳдига вафо қилмади. Хирожларни қайтариб юборди ҳамда ҳеч бир маъносиз равишда Бухорога бориб етди. Ўз раъиятининг итоатсизлиги туфайли содир бўлган кўпгина жанжаллар оқибатида заифлашиб қолган Хотун подшоҳ бу сафар душман билан жангга кириши олмади. Сулҳ тузди. Саъид ўзи кетган вақтда ишонч қозониш учун гаров сўради. Хотун подшоҳ оғаларидан саксон кишини унга тавровга берди. Шу билан ўзининг энг қўрқинчли ташқи душманларидан халос бўлди. Сулҳ аҳд қилингандан кейин мағрур араб Хотун подшоҳни ўзининг лашкаргоҳига келишини талаб қилди. Фавқулодда гузал бўлган Хотун подшоҳ жуда аъло ва зийнатли кийимларда шавкат билан бориб, арабни қаттиқ таассуротга солди. Унинг юраги ишқ ва эрзу билан тепди ва бу ҳар иккинсининг орасида муносабатга сабаб бўлди. Бу воқеа қўшиқларда куйланиб, уни Бухоро халқи бир неча асрлар мобайнида айтиб юрди.

Бухоро шу йул билан олингач, Саъид Шарқ тарафга, Сўғдиёнга ҳам Самарқанд шаҳарларига ҳужум қилди. Уша пайтда Самарқанднинг подшоси йўқ эди. Уни Сўғддан тайин этилган турк тархони идора қилиб келган. Араблар ҳужум қилиб, Самарқандни ҳам эгалладилар.

Саъид орқага, Хуросонга кайтганда, Бухорога киргач, бухоролликлар ундан гаровларни қайтариб беришни сурашган. Саъид буни Амударёнинг нариги қирғоғига чиқиб олгандан кейин қайтаришга ваъда берган. Ундан сўнг бу ишни Марвга бориб етгунча кечиктирган, сўнгра гаровга олинганларни Нишопурда озод қилишни ваъда қилган. Нишопурда эса Куфада озод қиламиз, деб айтган. Шундай қилиб, Мовароуннаҳрнинг муътабарлари Зарафшоннинг гузал соҳилларидан ясси Арабистон саҳроларига гашимат-улжа бўлиб борганлар. Саъид Мадинада уларнинг қўличларини, жавоҳиротли камарларини, кийимларини шилиб олиб, у мағрур бекзодаларни қўлларга айлантирган. Лекин бу воқеа уларни қаттиқ газаблантирган ва улар қасос олиш учун Саъиднинг саройига ҳужум қилиб, уни саройда қатл қилганлар, ундан кейин ўзларини ҳам улдирганлар. Бу воқеа Язид бин Марвон халифалиги замонида бўлган эди.

Бойиб қайтган араблар узоқ Сўғднинг ажойиботи ҳақида сўзларини қавмдошларига айтиб тугатгунларича, Бухорода араб ҳокимига қарши исён кўтарилэди. Саъид ўрнига Хуросонда амириликка тайинланган Муслим бин Зиёд кўп аскар билан Амударё

Оқасига сафар этишга мажбур бўлади, Хотун подшоҳ ёрдамга яна турк курашчиларини чорлайди. Туркистон шимолидан 120 минг турк ёрдамга етиб келади. Лекин араблар туркларнинг сонини ҳамда назиятини ўрганиб бўлгунча ҳужумни кечиктирдилар. Муслим бин Зисд ўзининг ягинларидан аскарбоши Маҳлабга туркларни исткишоф (разведка) қилишни топширди. Маҳлаб бу ишга бошқа бировни, унчалик катта амалдор бўлмаган бир кишини юборишни маслаҳат солди. Лекин Муслимнинг иккинчи мартаба фармонлиги сўнг бу ишни бажаришга киришди. Ҳар бир қисмдан бир нафардан аскар олиб, тунда яширин равишда йўлга тушди. Иккинчи кун эрта билан Муслим ўз аскарларига Маҳлабни юборганини эълон қилди. Араблар бу ишдан ташвишга тушиб: «Сен амир Маҳлабни улжаларни олиш учун юборгансан. Агарда жанг қилгани керак бўлса, энг олдин бизни юборар эдинг» деб айтдилар. Жуда кўп одамлар ҳирс ва интизомсизлик билан Маҳлабнинг ортдан кетдилар ҳамда уни қувиб етдилар. Маҳлаб уларга деди: «Сен бизни ночор этдингиз. Биз бу ерга хуфя (тил) олиш учун келгани эдик. Сиз бизни душманга сездириб қўйдингиз. Энди иш башо бўлиши мумкин». Шундай бўлса-да, Маҳлаб хотиржамлигини йўқотмади. Ўзининг ёнидаги аскарларини қўшиб 900 кишини сақлади. Аскарлар сафга тизилиб улгурган соатдаёқ турклар майдонда жангга ундовчи бурғу товуши эшитилди. Улар дарҳол ҳужум этиб, араблардан 400 кишини қиличдан ўтказдилар, бошқаларини қочинга мажбур қилдилар. Маҳлаб ўзининг бир ҳовуч ашиқлари томонидан ўраб олинди ҳамда ушбу гоётда қўрқинчли ҳолда у бир наъра уриб қичқирди. Наршахийнинг ривоятча, унинг товуши ярим фарҳас узоқликдаги араблар лашкаргоҳига эшитилди. Уша заҳоти Абдулла бин Жадон қўмондонлигида бир қисм аскарлар унга ёрдамга етиб келиб, жангга киришадилар. Маҳлаб ҳамма йўлдошлари ўз аскарларини кўргач, яна охириги кучни йиғиб жангни давом эттиради. Турклар мағлуб этилгач, ҳар бир араб аскарига 10 минг дирҳамдан берилади. Бу аҳволда Хотун подшоҳга таслимдан бошқа ҳеч бир чора қолмайди. У сулҳ тузади. Араблар Марвга қайтиб кетадилар.

Аммо бу қайтиб кетиш хароб бўлган Мовароуннаҳрни тинчлатириш учун эмас, балки бу тўрт мартаба ҳужумдан сўнгра такроран ҳужум қилиш учун эди. Бу дафъа ҳужумда амир ўзининг тадбирдорлиги, гайратлиги билан кўҳна эрон маданияти бешигини тамом сўндириб, араб пайғамбарининг таълимотини энг узоқдаги Ташкани тоғларигача тартиб этишга муваффақ бўлди.

Бу амир — Қутайба ибн Муслим эди. Ҳажжож 86 (705) йилда ушга Мовароуннаҳрни фатҳ қилишни топширди. Эндиликдаги мақсад — туркларнинг бу улқасини талон-тарож қилиш, чекиниш ҳақида ўйламасдан, мамлакатни тамоман бўйсундириш ва мусулмон этиш эди. Қутайба бу йўлда аввало жанубдаги энг биринчи қалъа — Балхни фатҳ этишга қарор қилди. Ўзининг Марвда йиғилган аскарларини Қутайба ваъз ва насихат ҳамда қуръон тиловати билан тетишилича ҳозирлагандан сўнг, минбардан тўғри ўзининг

сафар отига минди. Шундан жангга кетди. У қадимги Бақтрияга бориб етар-етмас, Балх аҳолиси унинг истиқболига чиқдилар, уни ҳурмат ва таъзим ила ўзларининг шаҳарларига олиб кирдилар. У шаҳарда халифанинг ҳокимиятини қарорлаштирди. Кейин Амударё орқали айланиб, ҳозирги Чоржўйдан утиб Марвга қайтди. Шу ердан 87 (705) йилда Мовароуннаҳрни истило қила бошлади. У энг аввал Байканд шаҳрига қарши юрди. У саҳрода бир манвилга етгач, турк аскарлари билан тасодифан туқнашди. Турклар лашкари сон жиҳатидан Қутайба аскардан кўп эди, шунинг учун улар тарафидан қаттиқ муҳосара қилинди. Шу сабабли бир неча ойлар ундан ҳеч бир хабар бўлмади. Ҳажжож аълон калиматуллоҳ учун жиҳод қилиб, хавfli ҳолга тушган мужоҳидлар учун нажот тилаб дуо қилурга бутун аҳли исломни даъват этди. Биюбарин Қутайба ҳалокатдан қутулди. Туркларнинг нақадар кўплиги ҳам, Ҳажжожнинг вафсти ҳақида ёлгон тарқатган бухориликларнинг ҳийла ва макрлари ҳам унинг темир каби собитлигини синдира олмади. У турклар билан жангга киришиб, бир кунлик урушдан сўнг уларни енгди. Буларнинг бир қисми қочдилар, бир қисми эса метиндек қаттиқ бўлган Байкандда яшириндилар. Бу вақтда қалъа қамал қилинди. Бу қамал даврида араблар кўп талафот бердилар. Уларнинг ўн беш кунлик жанглари бекор кетди. Шундан кейин қалъанинг девори тешилди. Қутайба қалъага биринчилар сафида борган ва шахид бўлган кишиларнинг болаларига катта муқофот ваъда қилди. Бу ваъда таъсир этиб, араблар қалъани ишғол этдилар.

Лекин Қутайба шаҳардан кетгач, Байканд аҳолиси исён кутаргани ҳақидаги хабарни эшитди. У ерда воли (ноиб) этиб қолдирилган Варқа бин Насрулбаҳоли ҳамда унинг ёнида бўлган мужоҳидлар қатл этилган. Тўғри, араблар бу балони ўз бошларига ўзлари солишган. Варқа байкандлик бир одамнинг икки гузал қизини ҳақорат этган, бу одам ўз оиласининг масхара қилингани учун қасос олиб, Варқага қилич урган. Шундай бўлса-да, Қутайбанинг ғазаб ва ғалаёнига ҳеч бир ҳад ва чегара бўлмади. У шаҳарга қайтиб келиб, ҳаммаёқни бузиш ва ғорат қилишга буюрди. Қилич ушлашга қодир эркакларнинг барчасини ўлдиришга, хотин-қизларнинг барчасини асир олишга буйруқ берди, ҳатто туркларнинг бир кўзи кўр сардорига ўз хунини тулаб, омон қолишга ҳам руҳсат бермади. Ривоят қиладиларки, асл Байканд аҳолиси, кўпроқ бой савдогарлар, Чин ва бутун жаҳон ила савдо этувчилар бу уруш вақтида шаҳарда бўлмаганлар. Улар қайтиб келишганда, ўзларининг хотин-қизларини тавон тулаб, араблардан қайтиб олганлар. Шаҳар сал тузалган. Яна тездан араб истилоси остида қолган харобалар ичида энг гузал бир шаҳар пайдо бўлган. Байканд бутун Мовароуннаҳрнинг жанубий-ғарбий эшиги бўлганидан уни фатҳ этиш араблар учун муҳим аҳамиятга эга эди. Сўғд ва Ромитандан кейин энг тараққий этган бу шаҳарда фотиҳлар беҳисоб улжа-бойликни қўлга киритган эдилар. Масалан, бир бутхонада 40 минг дирҳам оғирликда соф олтиндан ишланган санамлар бу-

либ, биттасининг кўзлари урнида каптар тухумидек иккита инжу бор эди. Қутайба буларни улжанинг бир қисми билан бирга Ҳажжожга юборди. Ҳажжож бунга ташаккурномасида узининг таажжубини билдирди.

Арабистон бадавийларининг бу мағлублар тарафидан тупланган хазиначиларга нақадар очкўзлик, ҳирс билан тўхтовсиз ҳужум этганларини тушуниш мумкин. Бадавийларнинг энг орзу қилган нарсаси қурол эди. Осённинг бу ўлкаси қадимдан буён қуролни мустақкам ҳамда гузал ишлэш билан машҳур эди. Гарчи аскарларга Байкандда ишланган қуролнинг асосий бир қисми тақсим ва сийлов қилинса-да, харидор куплигидан аслаҳанинг нархи шу қадар кутарилдики, бир сипар 70 дирҳам, темир совут 200 дирҳам, қалқон ундан ҳам қимматроқ бўлди. Аскарлар оз эди. Чунки Мовароуннаҳр жангларида энг муҳим мавқега эришган Бани Тамим, Бакри, Абдулқайс қабилаларининг узларигина аскарликка 21 минг киши (ҳаммаси бўлиб 41 минг) берган эдилар. Одамдан камчилик бўлмаса-да, араб аскарлари қуролининг куплиги ила фахрланарлик даражада эмасди. Қутайбанинг истилосидан, хусусан, Туркистон саҳро вилоятларининг жануб тарафларини забт этгандан сўнг бошқа жойларга ҳужум камроқ уюштирилди, чунки босқинчиларга қурол ҳалиям етишмас эди. Дарвоқе, Бухоро билан душманлик муносабати вужудга келишига Қутайбанинг ўзи сабабчи бўлди. Унинг ҳарбий режаси — мудофаа учун анчагина ноқулай бу шаҳарни энг аввал шимолдан ҳамда шарқдан келадиган ёрдамчи турк аскарларидан кесиб қўймоқ эди. Сўнгра эса, энг аввал Вардон (ҳозирги Вардонзе), Ромитан ҳам Сўғддаги кичик мустақил хонликларни забт этмак эди. Унга Ҳажжож шундай ҳаракат қилишни амр этганди. Қутайба 89 (707) санада Кеш (Шаҳрисабз)ни ҳамда Нахшаб (Қарши)ни фатҳ этди. У 90 (708) йили Вардон устига юришни ният қилди. Лекин бу ниятни амалга оширмакчи бўлганда ўзи ўйламаган қаршиликка дуч келди. Турк хонлари унга қарши тадбир кўриб узаро битим туздилар ҳамда бирлашган кучлари билан Қутайбани йулда тўхтатдилар. Бу гал Бухоро атрофидаги, бутун Мовароуннаҳр ҳамда Сўғд хонлари тупландилар. Фарғона подшоси ва Узоқ Шарқдан Хитой хоқонининг укаси, «Кўримғон» деган бир киши уларга қушилдилар. Улар гуё умумий таҳликани ҳис қилиб, бирлашган кучлари билан араб истилосини тўхтатишга қарор қилган эдилар. Бу пайтда Вардонга етиб келган Қутайба улар томонидан тазйиққа учради. Буни Табарий жуда яхши тасвирлаб берганини кўриш мумкин. Тарихчининг ривоят қилишича, ҳар тарафдан сиқиб қўйилган араблар, қатъий мағлубият таҳлиқасини кўргач, уларнинг хотинлари хунук товуш билан уввос солиб, юзларини тирнадилар. Лекин Қутайбанинг таъсирчан нутқлари арабларнинг руҳини кутарди: «Ўғилларим, олга! Бу туркларни сиз даф этишингиз керак!» деб у турли қабилаларга хитоб қилди. Унинг даъватига аввало тамим қабиласи қушилди.

Унинг аскарбошиси жанговар Ҳузайм, қабила раиси Вакиъ бин Абу Асваднинг амри билан биринчилардан бўлиб майдонга кирди.

Табарий айтгандай, арабларнинг бу жангда ғалаба қозонишгани шубҳалидир. Лекин шуниси аниқки, араблар бунда туркларнинг сафларини бузишга муваффақ бўлдилар. Улар бу ишни сиёсий макр билан амалга оширдилар. Жангда муваффақият қозона олмаслигига қаноат ҳосил қилган Қутайба бирлашган туркларнинг иттифоқини бузишга қасд этди ҳамда бунга эришди. Чунки иттифоққа садоқат туркларнинг миллий хусусиятларидир. Иттифоқчилар қўшини орасида энг кўп аскарни Сўғд подшоси қўйган эди. Шунга кўра, аввало уни бошқалардан айириш ва урушдан тўхташи керак бўлди. Қутайба бу сиёсий фитнани ишлаб чиқишни Ҳаён Набатий номли кимсага топширди. У бир жанг пайтида, ниҳоятда яширин суратда, Сўғд подшосига «иттифоқчилар сени тахтдан маҳрум этишга қарор қилдилар», деган хабарни етказди ва мазкур режани амалга ошириш учун Қутайбанинг бу тарафдан кетишини қутмоқдалар, деди унга. Маккор араб яна бунга илова этиб: «Биз бу ерда йилнинг иссиқ ойларидагина қола оламиз. Қиш келиши билан биз иссиқ тарафларга қайтишга мажбурмиз. Аммо сен ўзингнинг шимол тарафдан келган иттифоқчиларингни унутма. Уларни Сўғдиёнинг гузал фаровонлигидан айириб, қайтариб юбориш осон бўлмас. Энг яхшиси шу бўлурки, сен биз билан сулҳ тузгил. Аммо иттифоқчиларингга «арабларга Ҳажжож, Кеш ва Нахшаб орқали жуда кўп ёрдам юборибди. Мен шундан қўрқиб сулҳ туздим», дегайсан. Бу сенинг ишингга мақбул узр бўлади. Аммо бизнинг хусусда комил амин бўлурсан», деди. Сўғд хонига бу қаттиқ таъсир этди. Туркларнинг хиёнатчилигимни бу ёки бошқа бир чуқурроқ сабаб борми? У ўйлай-ўйлай бир фикрга кела олмади. Оқибатда ҳийлага мағлуб бўлди. Араблар билан яширин аҳд-паймон қилди. Уларга йилига икки миллион дирҳамдан хирож тулашга ваъда берди ҳамда дарҳол уруш ҳаракатларини тўхтатди. Бошқа иттифоқчиларни ҳам ўз жойига қайтишга мажбур этди. Қутайба тўрт ой давом этган таҳликадан шу тариқа қутулди.

Энди такрорлашга ҳожат йўқки, бу сиёсий макрнинг жазосини ҳаммадан кўпроқ Самарқанд тархони тортди. Сулҳ аҳд этишига қарамай, аҳдномага мувофиқ, бу ерда солинадиган масжидни қуришни тезлаштириш баҳонаси билан шаҳарга ғишт терувчилар ўрнига 4000 қуроли араб киритилди. Тархон бу хиёнат учун интиқом олишни истагач, араблар ҳужум қилдилар. Уни бутун тарафдорлари билан бирга қатл этдилар. Самарқанд таланди, ғорат қилинди. Сосонийларнинг энг сўнггиси Яздигарднинг қизи ҳам асирлар орасида эди. У халифа Валига юборилди. Ғанимат олинган олтин бутлар ва уларнинг жиҳозлари 50 минг мисқол оғирликда эди.

Араб аскарларига бир қанча вақтгача дам беришга тўғри келди. Шунинг учун Қутайба Марвга қайтди. Бутун қиш мавсумини истироҳатда кечирди. Сўнгра Ироқдан ҳам Хуросондан зарур миқдорда ёрдамчи аскар олиб, ёз кунин, 91 (709) йилда Бухоро устига сафар қилди. Бу сафардан нияти — Бухоро учун юришларга хотима бериш эди. Наршаҳийнинг ривоятича, у вақтда Зарафшон пой-

тахтининг идораси ҳамиша мазкур Хотун подшоҳ қулида бўлган. Аммо бу пайтда у жуда қари бўлгани учун бу гаплар у қалар тўғри эмас. Ҳар ҳолда буми ёки бошқа подшоҳми, қайси бўлса-да, арабларга яна қаршилиқ кўрсатишни фойдасиз деб билишган. Уч мартаба фатҳ этилган ва уч мартаба қайтадан ислом дини қабул қилдирилган, ҳар дафъасида яширин равишда ўзининг эски динига қайтган Бухоро ўз дарвозаларини энди тўртинчи дафъа очди. Бу юрт аввал ғайри матлуб кўринган динни босиб келган фотиҳлар билан баробар қабул қилиб, кейинчалик шу диннинг энг ашаддий мужоҳидларини ҳам етиштирди. Ҳозир Осиёнинг ҳар бир қитъасида ислом, гўёки, таназулга кетаётган бир ҳолда, ёлғиз Бухородагина халифа Рашиднинг асридаги расмлар давом эттирилмоқда.

Қутайба шаҳарни забт этиач, унинг подшоси худот (хон) ўз мансабида қолдирилди. Лекин унинг ёнида халифа тарафидан тайин этилган бир маъмур — омил қўйилди. Оқибатда бу омил амир номи билан ҳокими мутлақ (диктатор) бўлиб, худот бутунлай сояда қолдирилди. Бундан ташқари, худот халифага 20 минг дирҳам, хуросон амирига йилига 10 минг дирҳам хирож тўлайдиган бўлди. Яна Бухорода қолдирилган арабларга, шаҳардаги умумий ҳаммомларнинг соф харажатида бир улуш бериш тайин қилинди. Албатта, булар, охир оқибатда ислом мамлақати бўлган Бухоро учун ҳам бошқа ислом мусгамлакаларида қулланилган сиёсий тадбирлар каби оғир эди. Лекин исломни тарқатиш йўлидаги баъзи бир сирли усулларни мағрур бухороликлар ҳам чуқур ҳис этдилар. Арабларга маълум бўлишича, ислом динини қабул этган баъзи бир иккиланувчи одамлар эски маъбудаларига ҳамон ибодат айлаб, яширин жойларда ва ертўлаларда сажда қилардилар. Шу сабабли ҳар бир бухоролик ўз ҳовлисининг ярмисини арабларга бериши амр қилинди. У араб уй эгаларига ислом шариятидан таълим берди ҳамда уларнинг ислом одобиغا риоя қилишларини кузатиб турди. Агарда исён этсалар, араб маъмурларига чақар эди. Янги динга кирувчилар учун мукофот қилиб пул бериладиган бўлди. Жума куни Қутайба жомеъсига намозга келган кишилар икки дирҳам мукофот олардилар. Регистонда бино қилинган бу масжидда ҳам қиём, рукуъ, саждалар аркони ибодатга, яъни имомга суяниб бажарилар эди. Ибодат дуолари, Қуръон оятлари арабча, ҳатто форсча ўқилар эди. Эски дин тарафдорлари ўзларига таклиф этилган динга бир мунча давр қарши турдилар. Уша замонга оид қўсурли маълумотларга қараганда, Бухоро мусулмонлари ўн йиллар мобайнида масжидга борганларида ёнларида қурол олиб юришган. Ерли халқларга эса, исломни қабул этган бўлсалар-да, қурол тақишга рухсат берилмаган. Икки орада тез-тез келишмовчилик бўлиб турган. Хусусан, манбаъларда Бухоронинг қариялари кўпроқ қаршилиқ қилганлари тасвирланади. Улар масжидга таклиф этилганда, тош билан жавоб беришган. Бу муомала арабларни ғазаблантирган, шу боис улар бу қарияларга ҳужум қилиб, уларини бузиб, мол-мулкларини талон қилишган.

Уй асбоб-ускуналарини мажбуран масжидларни таъминлашга беришган. Шунинг учун, Наршаҳийнинг ривоятча, бу масжидларнинг эшиклари турли расмлар ҳамда санамлар билан музайян этилган. Ундан ҳам ажабланарлисиз шуки, бу тасвирлар, бу ишлар, сунний мусулмонларга ташвиш солиб, уч юз йил давом этган. Юқорида айтилган тадбирлар қутилган натижани бермагач, Бухоро шаҳрини маҳаллий аҳоли қулидан бутунлай тортиб олиб, уни араблар узаро бошқарганлар. Шаҳарнинг Даратторон билан қалъа дарвозаси оралиги носирийларга, иккинчи қисми — яманийларга берилган. Бошқаларга қалъанинг ташқарисидан урин беришган. Масжид сифатида қайта қурилган насоро калисоси ҳам шу ерда бўлган.

Араблар Самарқандда ҳам элга шундай шиддат билан муомала қилишди. Бу ерда ҳам аҳолини ўз қурол-аслаҳасини топширишга мажбурлашди. Табарийнинг ривоятча, ажнабийларнинг ҳамда жориждан келган кишиларнинг қулларини маълум муддатгача муҳрлаб қўядиган бўлишган. Тунда износиз чиққан кишиларни қатъ жазосига ҳукм қилганлар.

Қутайба ҳақида гапирадиган бўлсак, у Бухорода янги тартибларнинг қаттиқ сингишини кутиб туришни истамади, Шарқни истило қилишни давом эттирди 93 (711) йили у Фарғонага, ҳозирги Хўқанд хонлигига ҳужум қилди. Уни фатҳ этди. Қадимги йул билан чуқур кечувдан ўтиб, шарқий Туркистон, бизнинг айтишимизча, Туркистон Чини устига сафар этди. Бу ерда кичик уйғур хонлари билан туқнашиб, улар устидан осонгина ғалаба қозонди. Гарчи уларнинг баъзи бирлари шимолий Жунғориядан қалмоқ аскарларини ёрдамга даъват этсалар ҳам, Қутайбага қарши тура олмадилар. Ривоятга кўра, араблар Хан зу вилоятгача ҳужум қилганлар.

Кошғарда, Хутанда, Турфонда араб пайғамбарининг таълимоти анча кеч ёйилган, чунки будда ва насроният неча асрлардан кейин ҳам исломият билан баробар ўз қавмларини топа олган, Аммо шуниси ҳақиқатки, Шарқий Туркистон аҳолиси арабларнинг биринчи зуҳурлари даврида, Тяншан атрофи будда уяси бўлган асрда, юқорида зикр этилган шаҳарларда исломни қабул қилдирганлари билан фахрланадилар.

Исломнинг Шарқда энг охириги сарҳади бўлган бу ердан Қутайба Фарғона орқали Марьга кетди. Унинг бу фикрга келишига халифа Валиднинг вафот этгани ҳақидаги хабар сабаб бўлди. Унинг янги халифа Сулаймон бин Абдулмаликдан хавфсирашга асоси бор эди. У халифанинг қасос олишидан хавотирланиб, ўз тадбирини кўришга ният қилди ҳамда очиқдан-очиқ унга қарши исён кўтарди. Дарвоқе, Қутайба бу ишга ишонч билан киришмади. Лекин янги халифага итоат қилишдан бош тортгач, билдики, халифа Хуросоннинг бахтли амири билан очиқ урушиш урнига, аскарлар орасига ўз тарафдорларини яширин равишда тайёрлаш билан машғул бўлган экан. Қутайба бу ишда эҳтиёт ила муомала қилди. Халифага унинг исёнини маълум қилувчи элчига

бу хабардан бошқа яна икки мактуб берди. Биринчи мактубда Сулаймонга итоат арз этилганди. Иккинчи мактубда Язид бин Маҳлабни таҳқир этиб, агарда Хуросонга у амир тайин қилинса, исён кутаришини маълум қилди. Қутайба Язид бин Маҳлабни ўзига рақиб санар ва ундан жуда қурқар эди. Язиднинг доимо халифа ёнида бўлишини тахмин қилиб, Қутайба элчига буюрди: «Энг аввал халифага биринчи мактубни топшир. Агарда у мактубни ибн Маҳлабга берганини курсанг, иккинчи мактубни бер. Борди-ю, Язид уни ўқиса, шу вақтдагина халифага учинчи мактубни бер». Элчи халифанинг ёнида ибн Маҳлабни кўрди ва буюрилганича ҳаракат қилди. Сулаймон ҳеч нарса бўлмаган каби сукут қилиб, элчини ҳурмат билан кузатди. Элчи қайтиб етмасдан аввал Қутайба сафоратнинг натижасини билиб, балки ундан хабар олиб, исён эълон қилди. Лекин Қутайба кўп шонли ғалабаларга олиб борган ҳамда кўп бойликлар берган аскарни туғрисида янглишди. Агарда у ўз биродари Абдурахмоннинг маслаҳатига кура Мовароуннаҳрга кетиб, мустақил подшоҳлик ташкил этса, бу жойларда ҳукм сурган нотинчлик ва можаропарастлик сабабли албатта муваффақият қозонган буларди. Қутайба эса, ўз лашкарига ишониб Марвда туриб қолди. Мушкул пайтда у аскарларига мурожаат қилиб нутқ сузлади. У ўзининг Хуросон амирлигини муваффақиятли идора қилиб келганини, ноаҳил халифа замонида тартибсизликлар, бахтсизликлар бўлишини айтди. У аскарларга бошлиқ этиб тайинланган вақтида буларнинг тамом қашшоқ эканликлари, ҳатто Эрон ва Турон хонларининг хазиналари билан бойиб кетганликларини гапирди. Унинг ваъз ва насиҳати бекор кетди. Вакъ бин Абу Асвад ҳамда Ҳиён бин Йёс раислигида унга қарши исён қилиш ҳаракатини тезлаштирди, холос. У ўзига қарши исён бўлишини англагач, Ҳиёни улдирмоққа қарор қилди. Лекин шу пайт унинг ўзига ҳаммалари ҳужум қилдилар, жуда катта олишувдан кейин уни улдирдилар. Унинг қариндошларидан ҳамда унга содиқ қолиб, саройни ҳимоя қилган кишиларнинг кўпчилиги қатл этилди. Ислоом дини учун узоқдаги Шарқда тобеъ ва кучли бир мамлакатни барпо этган, зардушт динига — Қудусия ва Наҳрондаги жароҳатлар бадалига — энг охири зарбани берган, бу ерларда исломни жорий этган бир мужоҳид, ўзининг қаҳрамонликлар билан тула ҳаётини 47 ёшда, 96 (714) йил, зулҳижжа ойида шу тариқа тамом қилди.

МУҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ ҲИЖРИЙНИНГ 615—624 ЙИЛЛАРИ (1218—1226)

Шарқий Осиёда турк эҳларининг яшайдиган ерлари шимол муҳитининг буз соҳилларида ҳам жанубга, Адриатик қирғоқларидан эса Шарққа чўзилади ва Ғуби (муғул тилида «сахро» дегани) чўлида туташади. Шу уринда тарих элтиб келмаган замонлардан буён муғул қавми яшайдиган ўз тил ва қиёфа ҳақиқатидан туркларга қарайди.

Муғуллар чулнинг қаттиқ ва юмшоқ табиати ичнда қашшоқлик билан умр кечирдилар, бутун дунёдан узоқ ва беҳабар ҳолда яшадилар. Аммо уларга ҳамжинс булган турклар бир неча асрлар мобайнида Ғарбий Осиёнинг хаётига жуда кучли таъсир курсатиб келдилар.

Ушбу халқ орасида 549 (1154) йилда дунёга бир қаҳрамон келди. Бу қаҳрамоннинг исми Темурчи булиб, темир каби кучли, қатъий баҳодир ва шуҳратпараст эди. Шу фазилатлари билан уз ватандошларининг тобланган ва ибтидоий табиатидан фойдаланиб, куч туплаб, қадрдон яйловларидан ташқарига шиддат билан интилиб, айтиш мумкинки, бутун Осиёни остин-устин қилди. Унинг ёшлик даврлари хақидаги ривоятлар баъзи ғаройиб қиссаларда сақланиб қолган. У жаҳон тарихи майдонига қирқ ёшида чиқди. Ўзининг ҳамқавмлари билан курашиб, турк хонлари билан урушларда ғолибона ҳаракат қилиб, Чингиз лақабини олди. Чингиз — тоза, қувватли маъносидадир.

Чингизнинг биринчи мартаба асосий ва кузга ташланарли душмани Унғхон булиб, у керайит қабиласининг хони эди. Чингиз 599 (1202) йилда унинг устидан ғалаба қилди. Шу билан бирга турк қабилаларидан ойрат, кунғирот ҳамда найман қабилаларини узига буйсундирди. Бу қабилалар муғуллардан ғарбда яшаб, қисман будда ва насронийлар ила, қисман мусулмонлар ила алоқа қилиб, маданият жиҳатидан муғуллардан бир оз юксакроқ эдилар. Лекин ҳарбий жиҳатдан муғуллардан, Чингизнинг айтган низомлари ила машқ эттирилган аскаридан куп орқада қолган эдилар. Дунёни титратган муғулнинг сиёсати шу эди: мағлуб этилган қабилаларни уз аскарига қушиб олиш, «ясоқ дафтари»ни татбиқ этиб, уларнинг режалари қурол етарлик булгачгина бошқа ғалабаларни излаш. Муваффақиятларга оз-оздан, лекин ишонч-ла эриша бориб, у 603 (1206) йилгача Ғуби саҳросидаги қавмларнинг ҳаммасини қулга киритди ҳамда Қорақурум қалъасини пойтахт қилди. Бир вақтда у уйғурлар ила муносабат бошлади. Бу қавмнинг Шарқ шаҳобчасидан Чингиз уз бадавийларига дин ҳамда уларнинг тили учун ёзув олди. Чингизнинг ҳамда яқинларининг ҳамсуҳбатлари, мирзолари ва бошқа мулкий маъмурлари улардан эди. Бу Шарқий уйғурларнинг хони, уйғурча «Эдиқут», яъни Саодатбек деб аталарди. Чингиз Хитойга қарши сафарда унинг садоқатли дуст эканлигини синагач, уни куп ҳурмат қилди. Мовароуннаҳрга юриш пайтида ҳам хизматидан фойдаланди. Унинг аксар халқи мусулмон эмас эди. Аммо Чингизнинг ғарбий уйғурларга, яъни Кошғар ва Хутан туркларига муносабати бошқача эди. Буларнинг аксари мусулмон эдилар. Улар Қурхоннинг кучли идораси остида бирилашган вақтда Чингиз уларга ҳужум қилишга журъат эта олмади. Лекин Қурхоннинг вафотидан кейин тахтга Кучлук келиб, узининг исломга қарши ҳаракатлари билан мусулмонларнинг нафратни қузатгач яқиндагина Хитой сафаридан зафар қучиб қайтган Чингиз узининг назарини ғарбга қаратишга ҳурбат етганини сизди.

Сардор Чая раҳбарлигида муғул аскарлари Кучлук хонга хужум қилди. Хон иттифоқчилари оғир соатда уни ташлаб қўйдилар, оқибатда у енгилиб, Бадаҳшон тоғларидан паноҳ топди. Сунгра у ерда қўлга тушиб, таслим бўлди. Шимолда Олмалиқ элатининг хони Арслонхон Кучлукка душман эди. У ҳам муғулларга таслимлигини билдирди. Чингиз Губи саҳросининг Шарқий чегарасидан Тяншан тизмасининг ғарбий этакларигача ҳоким эди. Анчагина шаҳарлар, кўпгина дехқонлар, талайгина ваҳший урушқоқ халқлар унинг тасарруфида эди. Агарда, утган бобда зикр қилганимиздек, Хоразмшоҳ Султон Муҳаммад билан урталарида адоват чиқмаганда ҳам, Чингиз узининг муваффақиятли ғалабалари билан чекланиб қолмас эди. Чунки у энди узининг маданияти, бойлиги, буюклиги билан шуҳрат қозонган мамлакатнинг дарвозаси олдида турарди. Унинг ҳукмдори шавкат ва қудрат бобида Чингизга теги рақиб, лаёқатли душман эди.

Оқибатда 615 (1218) санада муғул жаҳонгири усининг угиллари ҳам аскар бошликлари — Чигатой, Уқтой ва Жужи билан бирга Хоразмшоҳга қарши юриш бошлади. Жами аскарлари 600 000 га етар эди. Яна унга уйгур хони Эдиқут ва Олмалиқ ҳукмдори Сигноқ тегин узларининг аскарлари билан қўшилдилар. У қадимги йул билан Или жилғаси бўйидан бориб, шимолий Фарғонадан ўтиб, Утрор устига юриш қилди. Бу шаҳар олдида бутун ҳарбий кучларини тўплаб, уларни хар томонга юбориш мақсадида бўлди: бир қисмини угиллари Чигатой ҳам Уқтой раҳбарлигида бу ердаги элни забт этиш учун қолдирди. Иккинчи урдуга Жужи бошлиқ этилди, у Қизилқум саҳроси орқали Жандга юборилди. Учинчи қўшин 5000 кишилик Олоқруён ва Синтубуқо номларидаги сарҳанг (полковник)лар қумондонлигида Сирдарёнинг унг соҳили билан Бинкентга ҳаракат этди. Чингизнинг узи мунтазам аскарлари билан Урта Осиёнинг маркази — Бухорога қарши ҳаракат бошлади. Биз Урта Осиё устига қутурган довулдек ҳаракат бошлаган бу турт фирқа қўшин тавсифини Утрордан бошлаймиз.

Утрор чегара қалъа эди, қалъа ноибни Қонрхон раҳбарлигида 50 минг кишилик отлиқ қўшин бор эди. Султон Муҳаммаднинг яширин вазири Қоражи қумондонлигида буларга яна 10 минг кишилик бир қўшин қўшилди. Шаҳарда кучли бир химоя қуввати бор эди. Шундай булса-да, тарихчиларнинг нақлига қараганда, муғуллар шаҳарни қамал қилиши билан мусулмонлар саросимага тушганлар. Бу илк таассуротга қараганда, шаҳарни беш ой мудофаа этишлари таажжубли ҳолдир. Агарда икки қўшин бошлиги орасида ихтилоф чиқмаганда, балки камалга қаршилик янада давом этар эди. Қонрхон узини Чингизнинг фуқаросини улдиришда айбдор ҳис қилиб, сунгги нафасигача урушишга қарор қилди. Аммо Қоражи мудофаанинги муваффақият қозонишига шубҳа қилиб, Чингиз билан музокарага майл курсатган эди. Сунгра у бошқа фикрдаги шеригидан айрилиб, тунда уз қўшини билан муғулларга таслим бўлди. Иккинчи кўн тснгда чингиззодалар ҳузурига олиб кирилди. Улар бунинг уз вазифасини бажармагани учун ёмон

қўриб, унга: «Сен ўзингнинг подшоҳингни, валинеъматишгни хонна тарк этганингдан кейин биз сендан қандай садақат кута олимиз?» дедилар. Уни барча тарафдорлари билан қатл этдилар.

Қоирхон мудофаани умидсиз арслондек давом эттирди. Унинг аскарлари элликтадан-элликтадан бўлиб қалъадан чиқиб, урушиб ҳалок бўлдилар. Қоирхон ёнидаги охирги икки мужоҳиддан айрилгач, қалъа деворининг устидан уйларнинг томларига чиқиб, у ердан уз жорияларининг қулидан гишт олиб, қасоскор душманга ҳужум қилишни давом эттирди. Душманлар уни қандай булмасин тирик қулга туширишга аҳд қилдилар. Оқибат унинг уқлари туғади, ураб олинди ва қулга тушди. У Самарқанддаги «Кук сарой»да ўлдирилди. Уқтой уни асир олиб, узи билан бирга олиб кетган эди. Унинг молга харислиги сабабли қурбон булган бечора савлогарларнинг қасди оlinиб, у қулоқларига эритилган кумуш қўйиб ўлдирилди.

Шундай қилиб, Туркистоннинг шимол-шарқдаги қалъаси Угрор муғуллар қулига утди. Муғуллар бу шаҳарни ер билан яқсон этдилар, аҳолисини қиличдан утказдилар, сунгра жануб томонга, Самарқандга қарши ҳаракат бошладилар.

Жандга қарши Жужу хам шундай муваффақиятли ҳаракат этди. У аввал Сигноққа ҳужум қилди. Бу шаҳар саҳронинг гарбида эди, Жанддан оқиб чиққан анҳордан суғориларди. Муғуллар у ерга Ҳасан ҳожи деган бировни элчи қилиб юбориб, таслим бўлмоқни таклиф этдилар. Шаҳар одамлари элчига ҳужум қилиб, уни ўлдиргач, Жужу газабланиб, шаҳарга дарҳол ҳужум қилиб олинди ва аҳolini энг охирги кишисигача қатл этишни буюрди. Сигноқнинг харобасида қатл этилган Ҳасан ҳожининг углини қолдириб, узи Ўзганга кетди. Шаҳар ихтиёрий равишда таслим бўлгач, Ашпозга жунуди. Уни куч билан эгаллади. Сунгра Жандга юриб, 616 (1219) йил сафар ойининг 4 куни шаҳар қаршисида лашкаргоҳ қурди. Муғулларнинг яқинлашуви шаҳар аҳолисини қаттита швишга солди. Жанд ноиб Кутлуғхон қурқувдан Хоразмга қочиб, шаҳарни бутунлай бошбошдоқлик ҳолида қолдирди. Жужунинг элчиси Чинтемир шаҳарнинг девори ёнига келиб, аҳolini аҳволни маълум этиб, мудофаанинг фойдасиз экани ва узлари учун хавfli булишини тушунтирди. Лекин унинг Ҳасан ҳожи ҳолига тушишига оз қолди. Ўзининг тadbиркорлиги билангина омонлик топди. У кетгач, муғул аскарлари манжанақлар, нарвонлар билан келиб, шаҳарга ҳужум қилишга тайёрланди. Ҳикоя қиладиларки, шаҳардаги лашкар мудофаага шу қадар лоқайд бир ҳолда ҳаракат этдики, ҳатто муғул аскарлари деворларга минган вақтда, улар томошабин бўлиб турдилар. Бекиниб ҳужум қилувчи муғуллар йиғилиб келиб аскарларни бу гафлат ҳолатидан уйғотдилар. Шаҳарни таладилар, хароб қилдилар, аҳoliniнг қуролланган қисмини қатл этдилар. Сулҳ тузишни истаган аҳоли вакилларини шаҳарнинг ташқарисида туққиз кун қамоқда сақлагандан кейин чиқариб юбордилар.

Жужу Мовароуннахрнинг гарбий қисмини Аму ҳамда Сир бўла

ларидаги сулҳчи аҳолини Хоразмдаги моҳир ҳарбийларлан айирган вақтда, Олоқнуён ва Синтубуқо сардорлар 5000 кишилик кичик бир аскар билан Бинкант ҳам Хужанд устига юрди. Бинкантнинг амири Элирху эди. У қангли қабиласидан йигилган аскарлари билан тўрт кун мудофаа этгандан сунгра таслим булди. Жанд курган фожиани бу шаҳар ҳам курди, яъни унинг қурулли аҳолиси қиличдан утказилди. Қолганлар қул қилиниб, муғул аскарига қушилди.

Ундан кейин Хужандга навбат етди. Бу қалъа Сирдарёнинг икки томонга бўлинган жойида қурилган. Ўзининг табиий жойлашиши, қалъа ҳокими Темурмаликнинг қаҳрамонлиги билан хужандликлар муғулларга қутилмаган қаршилиқ кўрсатди. Қамалда 20 минг муғул ва 50 минг қул қатнашди. Бу қуллар ишлатилиб, сунгра бирор муғул васийлигига топширилганлардан иборат эди. Улар тоғдан уч мил масофага тош ташишга мажбур этилдилар. Қалъани қамал қилганларга Олонку раҳбар эди, у қатъий бир иш кура олмади. Темурмалик ҳақида Шарқ тарихчилари ҳақли равишда: «Агарда Рустам тирик булсайди, Темурмаликка ходим булишга ярар эди» деб айтадилар. Темурнинг тасарруфидаги аскар жуда оз эди. У ун икки кема тайёрлашни буюрди. Кемаларни душман уқи ва утидан асраш учун наमत кигизлар билан қоплаб, сиркали лой ила суваб чиққан эди. У билан соҳилга ҳавфсиз етиб олиб, ён деворларда қолдирилган шинаклардан душманни уққа тутардилар. Темур шаҳарни шу тариқа узоқ мудофаа қилди. Лекин душман билан курашиш фойдасизлигини кўргач, мол-мулкени 70 кемага юклатиб, оқимга қарши сузиб кетди. Жанд орқали саҳрога, ундан Хоразмга бормасқчи булди. Соҳилдан муғуллар таъқиб этган ҳолда ажойиб дарё сафарини давом эттирди. Бинкант туғрисида дарёнинг у соҳилидан бу соҳилига занжир тортилган эди. Темур уни бир зарба билан узиб кетди. Сунгра «бор қайиқ кетди» қабилда соҳилга чиқди. Унинг соҳилдаги жанглари ҳақида ажойиб ҳикоялар нақл қилинди. Оқибатда Хоразмга омон-эсон етиб олди.

Муғул саркардалари эса Хужандни забт этиб, Самарқандга юриш бошладилар. У ерга, асосий урдуга бориб, қилинадиган ишлар ҳақида фармойиш олдилар. Чингизхон уғли Тулехон билан бирга муваффақиятли жанглар қилиб, купгина ғалабаларни қулга киритган эди. Унинг Утрордан Бухорога қайси йул билан борганлиги аниқ маълум эмас. Биз фақат унинг биринчи тўхтаган жойи Сартоқ шаҳри эканини биламиз. Бу шаҳар Бухоронинг шимолида жойлашган. Саҳройи муғуллар бу шаҳар аҳолисига ғайритабиий булиб кўриндилар. Улар бор хавфни сезмай жангга тайёрландилар. Лекин муғулларнинг одати буйича шаҳарга элчи юборилди, у аҳолига ут ва қон дарёси билан уйнашаётганларини англагач, шаҳар аҳолиси таслим эканлигини билдирди. Аҳолининг қурул тута оладиган қисми муғул аскарига хизматкор сифатида қушилди, шаҳар эса тубдан хароб этилди. Шаҳардан эшак ва хачирга миниб, омонлик сураб чиққан аҳолига ўз уйларига қайтишга ижо-

зат берилди. Мўғуллар Сартоққа «Қутлуг балиқ» (Бахт шаҳри) деб ном беришган. Бухоро элатида Чингиз забт этган иккинчи шаҳар — Нур булган. У бу ерга туркман қуловузларининг ёрдами билан янги йулдан келган, кейин бу йул куп замонларгача «Хон йули» деб аталди. Қалъага ҳужум қилиш учун Тоҳир Баҳодир исми ё мусулмон, ё турк раҳбарлигида Нур атрофидаги урмонларда узун нарвонлар ясалди. Нарвонларни отда ва қулда кутариб келиб шаҳар деворига қўйдилар. Қалъанинг дарвозалари қисман Чингизнинг кучига, қисман Султон Муҳаммад ёрдамига ишониб ёлиб қўйилган. Тоҳир Баҳодир уларга: «Ҳақиқатан ҳам кучли мўғул хони келади». Агарда шаҳар аҳолиси қаршилик кўрсатмаса, у бир неча кун қолади», деди. Шундан сўнг Нур шаҳрининг дарвозалари очилди. Улар буйруққа мувофиқ шаҳарда қишлоқ хужалиги учун керакли асбоблар ва ҳайвонотни қолдириб чиқиб кетдилар. Сўнгра мўғуллар шаҳарга кирдилар. Уйларни таладилар, фақат одамларни улдирмадилар, холос. Аҳоли номидан Чингизхон олдига борган музскарачилар ҳайъати илтифот билан қабул қилинди. «Ҳозиргача канча солиқ туладинглар?» деган саволга улар 1 500 динор деб жавоб беришди. Шундан кейин Чингизхон бу миқдор пулни қўшиннинг маҳкамасига беришни амр этиб, ҳайъатни хушхоллик билан қайтариб юборди.

Чингиз Нурдан Бухорога кетди. 617 (1220) сана муҳаррам ойининг бошида у узининг қароргоҳини Бухоро деворлари ёнига тикди. Унинг тайёр аскарлари уша заҳоти шаҳарнинг ташқи буржларига ҳужум қила бошладилар. Албатта, Бухоро аҳли аввал содир булган қонли воқеалардан хабардор эдилар. Бинобарин, улар уз бошига келган балони бартараф этишга тайёр ҳам эмасди. Қалъанинг деворлари ортида 20 минг кишилик қўшин яширинган эди. Бу қўшинга Севинчхон, Қушлихон ҳам Кукхон бошлиқ эди. Кейингиси мўғуллардан қочиб келган уйғурлардан эди. Куч жиҳатдан бир неча баробар ортиқ булган мўғулларга қарши Бухоро лашкари қаршилик курсатиши сабаби ҳануз мавҳумдир. Шундай бўлса-да, улар мўғулларга ҳужум қилдилар ва деярлик бутунлай қирилиб кетдилар. Уларнинг сзгина қисми шаҳар ичига кириб қутулиди. Шаҳар аҳолиси даҳшатга тушиб, уз қарияларини Чингизнинг олдига шафқат сураб юбордилар. Мўғул хони улар билан бирга шаҳарга кирди. Чингизнинг кузи дастлаб/улуғ Сомоний тарафидан муҳташам безаклар билан қурдирилган жоме масжидига тушди. У угли Тули билан бирга отдан тушмай масжидга кирди. Минбар олдига бориб тўхтади. Тули отдан тушмай минбар олдида туриб қолди. Чингиз сўради: «Бу султоннинг уз саройими?» Унга: «Бу байтуллоҳ» деб жавоб берилди. Шундан сўнг отдан тушди. Минбарнинг бир неча зинасига кутарилди-да, орқасида турган мўғулларга қичқирди. «Ўтлоқ урилди, отларингизга ем берингиз!» Бу талон-тарож қилишга руҳсат ишораси эди. Ваҳший мўғулларнинг бахтсиз Бухорога қандай ҳужум қилганлари, Ўрта Осиё пойтахтининг зеб-зийнатларига кузлари кур булган саҳройиларнинг қанчалик ҳирс билан ташланганликларини мулоҳаза этиш осон.

Барча уйлар вайрон қилинди, ҳамма сандиқлар бузилди. Беҳисоб хазиналар таланди. Қуринишдан ҳеч бир қиймати булмаган муқаддас нарсаларни ҳам аямадилар. Китоблар йиртилиб, ҳайвонлар оёғи остига сомондек сочилди. Муқаддас китоблар сақланган сандиқларни отларга охур сифатида ишлатдилар. Илм юлдузлари булган муллолар, шайхлар қуллар каби, эътиборли жангчиларга хизматкор қилиб, гоҳо эса, муғул бахшиларига масхара учун берилди. Қупгина муътабар қозилар эшак ва хачир боқишга мажбур қилинди. Мусулмон тарихчиси қуйидагича ҳикоя қилади: диний ҳиссиётнинг таҳқир қилингани ҳақида бир оз муболаға булса-да, муғулларнинг ушбу биринчи ҳужумидан кейин, шубҳасиз, Бухоро кун зиён курди ва даҳшатларни бошидан кечирди.

Чингизхон шаҳарда бир неча соат турди. Кейин шаҳар ташқарисидаги ҳайит номози ўқиладиган Мусаллога борди. Бутун аҳоли шу ерда йиғилган эди. Муътабар кишилар, бойлар кимлар эканини суради. Унга 280 киши кўрсатилди. (190 киши бухоролик бўлиб, 90 таси ажнабий савдогарлар эди). Чингиз уларга хитоб қилиб ҳамда Султон Муҳаммаднинг зулмига ишора этиб деди: «Эй одамлар! Билингиз, сизлар оғир гуноҳ қилдиларингиз. Бунинг асосий сабабчиси сизларнинг хонларингиз. Сенинг узинг кимсанки, биз билан бундай гаплашмакдасан, деб сўрарсиз. Билингиз, мен Тангрининг фарзандиман. Агарда сиз гуноҳкор булмасангиз, Тангри сизнинг жазонингизни беришга мени юбормас эди. Энди, сизнинг ер устидаги бойликларингиз тугрисида сира маълумот сўрамаймиз, аммо сиз, ерга яширганларингизни айтишингиз ва уларни топиб беришингиз керак». У бу пайтда шаҳардан сайланган кишиларни ҳужум ва масхарадан сақлаш учун муғул ва турклардан соқчи қуйишни унутмайди. Ишлар шу тарзда борди. Лекин Султон Муҳаммаднинг шаҳарда яширинган аскарлари Чингизни тунги ҳужумлари билан безор қилишгани учун уларни тутиб беришларини талаб қилди. Бухороликлар ғолибнинг буйруғини бажармай, уларни асраб турдилар ва тунги ҳужумларига ёрдам бердилар. Шундан кейин Чингиз ниҳоятда ғазабланиб, шаҳарни ёндиришга амр этди. Аксари ёғоч иморатлардан иборат булган Бухоро бир неча кун ичида тагигача ёниб тушди. Фақат тош ва ғиштдан қурилган масжидлар, саройларгина ут денгизи ичида қора тош ва нуқталар бўлиб қолдилар. Зарафшон устидаги маъмур шаҳар хас-хашакка айланди. Қалъа ичидаги аскарлар Кукхон раҳбарлигида мудофаани давом эттирди. Унинг қаҳрамонлигига биз ҳаммиша қойил қоламиз. Муғуллар бу қалъани забт этиш учун барча тадбирларни қўллаб курдилар. Ҳатто ҳужум бошига бухороликларни ҳам қуйиб курди. Лекин ҳаммаси бекорга кетди. Қалъа ичидаги барча чуқурлар одам ва ҳайвон майитлари билан тулиб тошгандан, қаҳрамон мудофаачилар жонларини фидо қилганларидан кейингина уларнинг қароргоҳлари забт этилди. Бу жасоратли қаршилик учун шаҳар аҳолиси қурбон қилинди: 30 мингдан зиёд аҳоли жаллод қўлида ҳалок этилди. Қолганлари эса, табақаларига қарамай, қул қилинди. Ўзларининг санъатлари, илм-

маърифатлари, нозик табиатлари ва ахлоқлари гузал бўлган Бухоро аҳолиси бахтсиз ва масхара этилди. Буюк бир эл шамолдай тарқаб кетдилар. Бу қочоқлардан бири Хуросонга келиб, уз ватанининг аҳволи ҳақида кенг шуҳрат қозонган қуйидаги байтни айтган эди: «Омаданд ва кунданд ва сўхтанд ва куштанд ва бурданд ва рафтанд» (келдилар ва ўмирдилар, ёндирдилар ва улдирдилар, таладилар ва кетдилар.) Тарихчи ибн Аттор шундай ҳикоя қилади: «У ҳақиқатан даҳшатли кун бўлди. Бори мангуга кетган эрларнинг, хотинларнинг, болаларнинг товушларигина эшитилиб турди. Ваҳшийлар хотинларни ҳам қизларни узларининг биродарлари кўз олдида таҳқирладилар. Улар бу таҳқирга қарши кўз ёшидан бошиқа қурол олмадилар. Кўплари бу даҳшатли манзарадан ўлимни ортиқ кўрдилар. Қози Бадриддин, Имом Рукниддин ва унинг ўғли бу номуссизлик манзарасига чидай олмай, ғазабланиб, ўзлари тенг бўлмаган душманга ҳужум қилиб, ҳалокат топдилар.»

Бухородан кейин Самарқандга навбат етди. Самарқанд бу вақтда Мовароуннаҳрнинг энг муҳим улуғ бир шаҳри эди. Шаҳарни мудофаа қилиш учун Хоразмшоҳ 110 000 киши қолдирган эди. Булардан 60 минги турк ва 50 минги тожик эди. Улар қул остида 20 фил ҳам бор эди. Чингизхон буларнинг ҳаммасини аввалдан сезган каби, душманнинг собиқ пойтахтини эгаллаш ва жангнинг ўтрордан ҳам қаттиқроқ булишини билиб, аскарларининг ҳаммасини туплашга киришди. Шу боис у илгари Самарқанд атрофидаги қалъаларни забт этишга қарор қилди. Чунки атрофдагилар бир-бирларига хабар бериб, бирлашмасдан аввал уларни кесиб ташлаш лозим эди. Шундагина ғалаба енгилроқ қўлга киритиларди. Унинг бу ўйи ҳам муваффақиятли амалга ошди. Чингизхон Хоразмшоҳнинг гузал пойтахтига шиддат билан юрди. Самарқандни қамал қилиш учун Бухородан қўлларни келтирди. Уларнинг заифлари йўлда шафқатсизларча улдирилди. Чингизхон шаҳар атрофига шу қадар кўп аскар тупладик, Султон Муҳаммадни қувмоқ учун 30 минг кишилик қўшин ажратиш ҳеч гап эмасди. Бу қўшинга сардорлар — Чапа ва Сунтой қумондон бўлиб, уларга Султон Муҳаммадни тезлик билан таъқиб этиш буюрилган эди. Чингиз илгари Самарқанд қалъасини бир неча йил қамалдан кейингина забт этиш мумкин, деб уйлаган эди. Аммо у уч кунлик жангдан сўнг шаҳарни қўлга киритди. Муҳофазачилар Алпхон, Шайххон, Бирболозхон раҳбарлиги остида мўғулларнинг сафини шиддат билан бузиб утдилар. Аммо учинчи кун қўшинни Чингизнинг ўзи ҳужумга бошлади ва мўғуллар шаҳар дарвозаларини тез ишғол этдилар. Шунга қарамай, хоразмийлар ўлимга тик боқиб, фойдасиз жангни кун буйи давом эттирдилар. Кечқурун уларнинг ўз орасида ихтилоф чиқди. Баъзи бировлар шаҳар шайхулисломини қариндошу сафдошлари ва моллари билан Чингизга топшириб, жон сақлашни маслаҳат қилдилар. Қолганлар ички қалъага яшириниб, курашни яна бир кун давом эттирдилар. Бу орада мўғуллар Номозгоҳ дарвозасидан шаҳарга ёриб кириб, тинчгина та-

лон-тарож билан шуғулланиш учун аҳолининг ҳаммасини ҳайда-дилар. Фақат шайхулислом билвосита уз қул остидаги 50 минг киши билан биринчи ҳужум вақтида шаҳарда қолди. Ички қалъа мудофаани давом эттирди. Уни ҳужум билан олиш учун куп куч сарфлашга туғри келди. Алпхон мусибатли мағлублик яқинлашаётганини кургач, минг нафар қаҳрамон билан ҳужумга утди. Муғулларнинг сафларини ёриб, бутун қушин орасидан омон чиқди. Фақат қангли ва турк қабила аскарлари таслим булдилар. Муғуллар уларни ҳамқавм куриб, узрини қабул этишга ваъда берган эдилар. Ҳамда уларни тинчлантириш учун сочларни муғул одати-ча тарашладилар. Лекин куёш ботиши биланоқ уларнинг ҳаёт юлдузлари ҳам ботди. Уларнинг ҳаммаси — 30 минг киши бир тунда улдирилди. Уларнинг хонларидан Улуғ Борушмас, Богон, Сарзиқхон ҳамда 20 генерал шу катл қилинганлар ичида эди. Шундан кейин маъмур Самарқанд узининг қалъаси ила баробар ер билан яксон қилинди. Унинг аҳолиси бутун мол-мулкларидан маҳрум этилиб, бухоролик қардошларининг ёзмишини курдилар.

...Қурқувдан қочиб кетганларни ёлгон ваъдалар билан шаҳарга қайтардилар. Қурол кутаришга холи булганлар муғул зулми остида аскарий хизматга мажбур қилиндилар. Уста боғбонлар узоқ шарққа юборилди. Токи у ерда, муғул-хитой пойтахтида улуғ хонларнинг томоша боғларини Самарқанд услубида зийнатласинлар. Уста хунармандларни, хусусан моҳир ипакчиларни қуллар сифатида хон уз хотинларига, қариндошларига, угиллари — Чигатой билан Уқтойга ҳадя қилди ва узин билан бирга Хуросонга олиб кетди. Бу даврда Чигатой билан Уқтой Хоразмга юриш бошлаган эдилар. Араб жуғрофюниининг тасвирлашига қараганда, бутун дунёнинг энг маъмур, энг гузал шаҳри 618 (1221) йилда шу тариқа хароб булди.

Шу билан бирга бутун Мовароуннаҳр забт этилди. Самарқанднинг жанубида атиги бир неча шаҳар қолган эди. Аскарларни дам олдириб, куп юриб ҳориган отларга Зарафшон буйларида ем бериб, озиқлантиргандан сунг, Чингизхон қолган шаҳарларни олишга шахсан узи кетди. У аввал Нахшаб (Қарши)га борди. Шаҳар дарвозалари ихтиёрий очиб берилди. Бу макон Чингизга яйлов хизматини утади. Ундан кейин у Термизга кетди. У вақтда Термиз Балх ва Ҳиндистон йулларида Амударё орқали утадиган асосий кечув жойи эди. Термиз узининг Амударё ила чегараланган қалъаларига таяниб, Чингизга қаршилиқ курсатди. Бу, албатта, қисқа муддатли қаршилиқ эди. Муғуллар энди узларининг ғалабалари билан фахрланиб, уз бахтларини метин деворлар олдида синаб куришган эди. Бутун шаҳар ҳужум билан забт этилди. Унинг аҳолиси синалгандан кейин улдириш учун аскарларга таксим этилди. Жувайний ҳикоя қиладики, бир хогин улими олдида узининг қотилидан шафқат сураб, ялиниб-ёлворган. Узини фидо қилиб, ютган қимматли дурни беришга ваъда этган. Муғул шу соат унинг қорнини ёрган ва ростдан ҳам, қорин ичидан дур то-

пилган. Шундан сунг ҳамма майитларнинг қоринлари ёриб қарашга фармон берилган.

Термиздан сунг бузиш ва талон-тарож қилишга Кункурт ҳамда Сомон (Шаҳрисабз) ноҳиялари қолди. Шундан кейин Жайхун ва Сайхун бўйидаги ерлар тамоман хароб қилинди. Бу ерлар ислом маданиятининг узоқдаги буржлари саналар эди. Бойликка уч, кузи оч ваҳшийлар босқин сафарини давом эттирдилар. Муғуллар аввало форсларнинг Маккаси, «Қуббатул ислом» деб аталган, 1200 масжиди бўлган Балхни, сунгра Толқон, Ғирот ва улуг савдо шаҳри Марвалрудни, мадрасалари билан машҳур Марвни, мағрур Нишопурни хароб этдилар. Муғулларнинг улуг Рейда, Шерозда, Исфаҳондаги номақбул ишлари — барчаси Бухоро тарихига тааллуқли эмас, албатта. Хуллас, энди биз охириги Хоразмшоҳнинг ҳалокатини ҳикоя этамиз-да, ундан кейин Чингиз зуҳурининг оқибати тўғрисида ҳамда ғалабаларининг бош сабаблари ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Султон Қутбиддин Муҳаммад муғуллар ҳимоясидаги савдогарларни қатл этишга буюргандан кейин Хоразмга кам келадиган бўлиб қолди. Узининг узоқ давом этган ҳукмдорлиги ва муваффақиятлари билан сармаст ҳолда, гердайнш ва гафлат ила фақат маишатга берилди. Умрини анш-ишратда утказиб, 612 (1215) сана, шаъбоннинг 8 кунн Бухорога келди. Бу ерда яшил чаманзорга чодир қуриб, мавсумнинг лаззатига берилди. Сунгра Бухородан Самарқандга утди. Душманнинг тажовузи ҳақида, яни Жужи кумондонлигида Утрордан Жандга ҳужум бошлаган қушин ҳақидаги илк хабарни олди. У душманнинг аҳволини билиш учун Жанд томон йулга чиққан эди. Шу ерда у Жужи ортидан Муғул подшоши Чингизхон мунтазам қушини билан келаётганини эшитди. Бунга қарамай, Султон Муҳаммад Жужи билан жанг қилди. Биринчи туқнашувдаёқ қаршисидаги душман қаҳрамонлиги тўғрисидаги баъзи ҳодиса-воқеаларга ишонди. Аскарининг куплигига қарамай, у фақат угли Жалолиддиннинг қаҳрамонлиги соясида мағлубиятдан қутулиб, Самарқандга етиб келди. Яқинлашаётган хавфдан ташвиш ва даҳшатга тушган Султон Муҳаммаднинг аввалги гердайнши тезда умидсизликка, кўрқоқликка алмашди. У шошилини равишда Жайхун орқали Хуросонга утиб кетди. Нишопурнинг машҳур яйловиди аввалги маишатларини давом эттириш учун бир неча кун турмоқчи эди. Аммо бахтга қарши Сунтой билан Чапани таъқиб қилиб келаётганини эшитди, дарҳол йулга тушди. Муғул сардорлари таъқибни остида у Рейга, сунгра Мозандароннинг утиб булмас тоғлари орқали hozирги Астробод яқинидаги Обшсукунга бориб нажот топди. Ундан Хазар денгизи қитъасига (Огурчали булса керак) етиб келди. Бу ер унга ваҳший душманнинг интиқомидан хавфсиз эди. Лекин муғуллар қулига асир тушган онласининг аламини тортди. Бу жойда ҳамма халқ томонидан камситилган ҳолда 617 (1220) йил зулҳижжа ойининг 22 кунн вафот этди. Шу қадар ғариб эдики, кафан олишга пули булмагани сабабли, ўзи кийиб юрган либосда дафн этилди.

У аввал салтанат вориси деб белгиланган Афлокшоҳ урнига узининг қахрамон ўғли Жалолоддинни тайинлаган эди. Лекин у подшоликни қўлга киритгунча узини химоя қилиш учун қилич ушлашга мажбур бўлди. У Хоразмдан Ҳирот ва Ғазнага азм этди. Бу ерда кучли лашкар тўплади ва икки жангда мугулларни мағлуб этиб, уларга катта ғалафот келтирди. Чингизхон Толқон шаҳарини қамал қилгани сабабли йўлда тухтаб қолган эди. Бу мағлубиятдан у қаттиқ ғазабланди ва Бомийн ҳамда Кобил орқали Ғазнага шу қадар тез юрдик, мугулларнинг ош пиширишга вақтлари бўлмади. Лекин у Ғазнага келгач, Жалолоддин 15 кун аввал Ҳинд соҳилларига кетганини билди. Мугуллар сафарларини тезлаштириб, ғалаба қилган шахзоданинг ортидан кетдилар. Унга аблаҳона ғазаб билан ҳужум қилдилар. Жалолоддин одатдағидай қахрамонликлар курсатиб мудофаада турди. У ғазабланган арслон каби душманга гоҳ унғ, гоҳ сўл қанотдан, баъзан марказдан ҳужум қилди. Оқибатда мугуллар уни ураб олдилар. У остидаги икки от чопилгач, учинчи отга минаётганда мугуллар унга тенглашдилар. У Ҳинд дарёсининг 10 аршинлик буюк соҳилидан сувга сакраб тушди. Нариги томонга саломат чиқиб олди. Буни курган мугуллар унинг ортидан сувга ташланмоқчи бўлган эдилар. Лекин Жалолоддиннинг қахрамонлигига ҳайрон қолиб, мутаассир бўлган Чингизхон бундан кейин таъкиб этишни манъ қилди ва узининг ўғилларига хитоб қилиб айтди: «Қурингиз! Бундайин отанинғ ўғли шундай бўлиши керак!» Сўнғ Чингизхон юксак фикрда бўлган Султон Муҳаммад Жалолоддиннинг ёронлари улдирилди. Ҳинд дарёсига ташланган хазиналари говвослар тарафидан чиқариб олинди. Унинг оиласи Чингиз ҳузурига келтирилди. Марҳаматсиз ва шафқатсиз голиб уларнинг эркаклари, аёлларигача, оналарининг қўлидаги мурғак болаларигача жаллод қиличига топширди. Энг сўнғги Хоразмшоҳнинг ҳукмдорлиги шу тариқа 618 (1221) йили тугади. Шу билан бирга 140 йиллик ҳукмронлиги даврида салжуқийлардан шавкат ва саодатда кам бўлмаган бир хонадон ҳалок бўлди!..

Шундан кейин Чингиз Мовароуннаҳрга қайтди. Бир оз ва т Самарқандда тургандан кейин узининг асл ватанига жунаб кетди. 621 (1224) йили чўқиртилган қурултойда империясини ўғиллари ўртасида қўйидагича тақсимлади: Хитой ва Муғулистон — Уқтойга тегди, Чингизхон уни узига ворис қилиб гайинлаган эди. Чига-той — уйғурлар еридан Хоразмгача бўлган жойларни олди. Туркистон ва Мовароуннаҳр ҳам унга берилди. Жужуи вафот этгани учун Боту Хоразм, Дашти кичкоқ ва Дарбандгача бўлган улкага ҳукмдор этилди. Тули эса Хуросон, Эрон ва Хиндистонни олди.

Чингиз 70 ёшга кирганига қарамай Танғутга қарши ҳаракат бошлади. У исён кутарган эди. Чингизхон шу сафар чоғида 624 (1226) йили вафот этди. Узининг ваҳшиёна ҳарбга ҳавас изларини қилич ва ўт воситасида буюн Осиёда мангу қолдирди. Хусусан, Мовароуннаҳр учун сира ҳам унутилмас бўлди. Унинг аҳолисини қириб тамомлади, куп асрлар мобайнида узининг маданияти ва

турмуш тарзи билан шуҳрат қозонган улкани шундайин бир ваҳшийлик ҳолатига туширдик, бу ваҳшат унинг шонли утмишини ҳамда истиқболини йуққа чиқарди.

Дарвоқе, Осиёнинг ҳеч бир ери муғул босқинчиларининг бузғунчиликларини Жайхун ва Сайхуннинг ораллиғидаги эллар каби даҳшатли даражада ҳис қилмади. Бинкент, Ҳуқанд, Жанд, Бухоро ва Самарқанд каби шаҳарларга Ғуби чули ваҳшийларининг биринчи тупос тажовузи нақадар фожиали кечди. Чунки бу ваҳшийлар Мовароуннаҳрда саноат, тижорат ва зироат билан касб этилган асосли идора усулини биринчи марта курдилар, талон-тарож, зурлашга булган чанқоқларини илк бор шу ерда қондирдилар. Бунга илова сифатида Идил (Волга) буйларига, Фрот соҳилларига, ҳинд улкасига ҳамда Басра курфазига йиртқич муғул сардорларининг бир неча ун йиллар мобайнида давом этган истилоларида Мовароуннаҳр улуг йул хизматини бажарди. Беш йил мобайнида Урта Осиёнинг жуда бой буюк савдо йули, Оврупага, Ғарбий Осиёга, Хитой ва Ҳиндистон матолари ташиладиган машҳур йул бутунлай тарк этилган булса, ажаб эмас. Узнинг ҳосилдорлиги билан донг қозонган тупроқлар бутунлай яроқсиз қолгани, бутун ислом оламида шуҳрат топган қурола-аслаҳа саноати, қалин ипак матолар саноати, зийнатли шиша саноати бутунлай йуқолиб кетгани ҳайратли эмасдир. Шаҳарлар харобазор булиб ётибди. Деҳқонлар улдирилган, муғул қушинига мажбурий жалб этилган ҳунармандлар голиб муғулларнинг бум-буш ватанини бе-зашга мажбурлаб узоқ Шарққа юборилганлар. Урта Осиёнинг забт этилиши билан илм-фанга етказилган жароҳат оз эмас. «Илм дарахтининг асоси Маккада-ю, аммо ҳосили Хуросонда пишадир», деган араб мақоли бор. Урта аср дунёсидаги бу мақол ҳозирги кун учун ғайритабиий туюлиши мумкин. Лекин шуни унутмаслик керакки, Мовароуннаҳр муғул тажовузига дуч келгунча мусулмон Осиёсининг маъмур даврида узига хос муҳим урин тутган эди. Нишопур уша даврда Эроннинг фозиллари тупланган жой эди. Марв мадрасалари узоқдан келган талабалар билан тула эди. Лекин Самарқанд ва Бухоро ҳамда Урганч куп замонлардан бери илму маданият бобида узаро мусобақа килишар, Мовароуннаҳр шаҳарлари балоғат, сарф, нахв (морфология ва синтаксис), шеър ҳамда нафосатда илгарилаб кетган эдилар. Муғул босқинидан сунг Урта Осиёда маънавий ҳаёт, афсуски, сунди. Эрон ва бошқа гарб улкалари бу қаттиқ зарбадан Чингиз ҳимоясида бир оз оёққа турди, ҳатто уларнинг янги маданияти гуллади. Аммо Бухоро билан Самарқанд илгариги маънавий ҳаётларини сира ҳам тиклай олмадилар. Шу вақтдан буён уларнинг маънавий ҳаёти қозилик ишлари-ю, тасаввуф, динга астойдил интилишдан иборат булиб қолди. Бу бахтсизликнинг бош сабаби — муғуллар шаҳарлардаги эрон ирқини улдириб, маданиятга хизмат этадиган ва савдо-саноат билан шуғулланган халқни камайтириб юбордилар. Шу нисбатда турклар купчиликни ташкил этдилар. Соф турк ерларида, масалан, ҳозирги Хива ва Ҳуқандда салжуқийлар асрида халқ

тили — форсча эди. Гарчи, туб аҳоли устига саҳролан бостириб келган маърифат душманларининг турк миллатларини йуқ қилиш ниятлари амалга ошаётган эса-да, муғуллар бу истилолари билан шу ҳаракатни тезлаштирди. Улар Мовароуннаҳрда Эрон руҳини бутунлай йуқотишга астойдил хизмат қилдилар. Мана шунинг узи Чингизхоннинг Жайхун буйндаги ерларга келтирилган энг катта зиёнларидир.

Муғул истилочиларининг муваффақиятига келсак, у томонидан Чингизнинг шахсий фазилатлари, унинг халқини ижтимоий аҳволига, иккинчи томондан, мусулмон Осиёси, жумладан, Мовароуннаҳр миллатларининг хусусиятлари ва уларнинг узаро муносабатларига боғлиқ эди. Чингизнинг шахсий фазилатлари ҳақида сўз кетаркан, мусулмон асрдошлари унинг қанчалик ваҳшийлик ва истилочиликка ҳавас қилган моҳир бир саркардалигини таъкидлашлар ҳам, аслида у том маънода фотиҳ ва қонунчи эди. У узининг «ясоқ» — қонунлар тупламини вужудга келтириш билан бирга ҳарбий кенгашни яратди. Бу ислом Осиёси учун бегона нарса эди. Шунинг учун ҳам бу хоразмшоҳларнинг ташвишли идора усулидан устун турди. Бундан ташқари, унинг ривожда барча динлар ва табақаларнинг тенглиги диққатга моликдир. Жувайний Чингизхон бир мусулмон қонига 40 минг мисқол диёт (хун пули), аммо бир хитойнинг боши учун бир узун қулоқли ҳайвон тулашни тайинлагани ҳақида ҳикоя килади. Бу ривоят уришсиз бўлса керак. Чунки бошқа ривоятлар бунинг аксини тасдиқлайди. Чингиз ва унинг хонларидан баъзилари насроний, мусулмон, буддийларни бир-биридан фарқламаганлар. Масалан, Мовароуннаҳрда жуда кўп мусулмон ноиблари тайинланган эди. Кўпгина уйғур (буддага топинувчи) роҳиблари хизматда эдилар. Ҳатто бир ажнабий, насроний Марко Поло Хубилай тарафидан Қирмонга муҳим бир топшириқ билан элчи қилиб юборилган эди.

Муғулларнинг ижтимоий аҳволига келсак, айтиш керакки, Шарқ тарихий асарларининг барчасида муғуллар ортиқ даражада қаттиқ кўнгилли, ваҳший, телба этиб кўрсатилади: «Муғуллар базм мажлисида йиғловчи, уруш пайтида кулувчи, бошлиқлари ордидан ҳар йулга борувчи, совуққа ва очликка қаноат қилувчи, урушда чидамли, дардга сабрли, тинчлик ва роҳатнинг номини ҳам билмайдиган халқлардир. Муғуллар қуроолларини узлари ясайдилар. Узлари билан бирга олиб юрадилар. Уларнинг барчаси руҳонияти ва қалби бир хил, таом ва либосда такаллуфсиздир. Шафқатни билмаслар, ҳатто аёлларнинг ҳомиласини суйиб ташлайдилар. Дарёга дуч келганда кўн қоплар (мешлар) ёрдамида ёки отларнинг ёл ва думини ушлаб сузиб чиқадилар ва ҳоказо».

Фараз шуки, Мовароуннаҳрнинг уша вақтдаги ҳоли зикр этилганларга унчалик хилоф эмас, деб уйлаш мумкин. Ҳар ҳолда, шаҳарлардаги эрон унсурларигина эмас, балки аҳолининг ҳарб билан шуғулланадиган қисми муғулларга нисбатан анча заифлашган эди. Бунга яна бир бахтсизликни — эронийлар билан ҳеч қачон астойдил қўшилмаган турклар Султон Муҳаммад лашкарларининг

асосини ташкил этганлари ҳолда ўзлари кўпинча гуруҳ-гуруҳ бўлиб Чингиз томонга ўтганларини илова қилиш керак. Бунга Хоразм-шоҳнинг истибдодидан норозиликлари ёки талон-тарожга ҳаваслари эмас, балки қабиладошлар сабаб бўлгандир.

Аҳвол шундай экан, инқирозга учраган Мовароуннаҳр устидан мўғулларнинг шу қадар шонли галаба қозонганига ажабланмаса ҳам бўлади.

АМИР ТЕМУР

Ҳижрийнинг 736—807 йиллари (1333—1405)

Ўрта Осиёда мўғуллар истилоси оқибатида қавмлар ҳаёти ўзгарди. Мовароуннаҳрнинг ҳамма жойларида турк эллари янада кўпайди. Турклар Тяншан далаларидан ва Олтой тоғларидан бу ерга мўғулларнинг иттифоқчилари ва ёрдамчилари бўлиб келдилар. Жайхун соҳилида ўзларининг ҳамқабилалари ва қариндошларини — илгари замонларда келиб ўрнашиб қолган туркларни топдилар. Бинобарин улар бу ерларга осон жойлашишди. Улар жуда тажрибали жангчи бўлганлари учун сарой тантана ва дабдалаларида иштирок этдилар, улар қатлу вайрон ишларида чигатойлиларга кўмаклашдилар. Чигатойлилар эски Эрон маданиятига нафрат билан қараганлари учун мамлакатларини Ўзоқ шарқдан Ўзоқ шимолгача бўлган ерларда қурдилар. Шу сабабли турк қабилаларининг бошлиқлари Мовароуннаҳрда бошдан оқ уларнинг вакиллари ва амирлари сифатида танилдилар. Улар кейинчалик чигатойлиларга нисбатан ғайри хўжайин нуфузига эга бўлдилар. Улар ҳатто ўзларининг мўғул тилларини унутиб, туркча тилни сарой тили ҳамда жонли сўзлашув тили сифатида истеъмол қилдилар... Чигатой подшолиги парчаланиб кетгач, Самарқанднинг шимолидаги жойларда сулдуз қабилалари биринчилар қатори ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. Жанубда эса мўғул ҳокимияти харобалари ўрнида (яъни, Нахшаб ва Кешда) барлос қабилалари озодлик байрогини тикди.

Барлос уруғининг курагон тармоғидан Темурбекнинг майдонга чиқиши буюк ҳодиса бўлди. Бу шахс Оврүпада Тамерлан ёхуд Темурланг номи ила машҳурдир. У 736 (1333) йил шаъбоннинг бешинчи кунини кечқурун, Кешнинг ёлғиз кўкаламзор жойини булгани учун «Шаҳрисабз» аталган маҳалласида дунёга келди. Кейин бутун шаҳар шу ном билан аталди. Темурнинг отаси Турғай барлос уруғининг бошлиғи эди. Шу муносабат билан Амир Қозғондан Кеш ва Нахшаб вилоятларини олди. У улгунча унга муҳлис бўлиб қолди. Унинг ўғли Темур эса, болалигидан суворийлик ва мусулмончилик руҳида тарбияланиб, мўғулларни даф қилиш фикрида ўсди. Тарихчи ва маддоҳ Шарафиддинга бутунлай ишонмасак-да, Темурнинг ёшлигидан иззат-нафсли булганини келажакдаги буюклигига ишора деб қабул қилиш мумкин. Темур ўзининг таржимаи ҳолида: «Мен ун ёшимда ўзимда фавқулудда ҳукмронлик ва улўглик аломатларини ҳис қилдим. Ўз олдимга келувчи

ҳар бир кишини сезиларли даражада гурур ва лаёқат билан қабул қилдим. Ун саккиз ёшимда ўзимнинг суворийлик ва овчилик ҳунарим ҳақида кўп ўйладим. Умримни Қуръон ўқиш, шатранж ўйнаш ва от миниш машқларига сарф этдим», дейди. У йигирма ёшга тулганда, балоғатга етгани аломати сифатида отаси унга бир кент берган. Темур ҳарбият ва жанг қилиш дарсларини урганиш учун бир одамга мурожаат қилади. Бу одам юқорида зикр этилган амир Қозғон булиб, отаси Темурни 758 (1356) санада унинг олдига олиб борган. Темур унга шунчалик маъқул булдики, ўгли Салойхоннинг қизи Ўлжой Туркон хотунни амир Қозғон Темурга беради. Сунг уни Хуросонга, Ҳусайн қарратга қарши сафарида ўзи билан баробар мингбоши қилиб олади. Бу юриш муваффақиятли тугайди. Лекин Қозғон шунинг оқибатида тездан қотил қулида ҳалок булади. У вақтда Темурнинг отаси вафот этган эди. Бу икки мотам туфайли Темур жуда қайғуда қолиб, улдирилган амир Қозғон маъракасида амир Ҳусайннинг дустлик таклифини қабул қилади. У билан бирлашиб, валинеъматнинг қотилидан қасос олишга аҳд қилади. Бу қарордан сунг юз берган жанглардан кейин Мовароуннаҳрда бошбошдоқлик, ҳукуматсизлик янада кучайди. Улуснинг муваққат ҳукмдори Туглуқ Темур ўз сулоласини қатъий ҳалокатдан ҳимоя қилиш учун охириги имконият келганини билиб, Самарқандга қарши Олмалиқдан, аксариси жетелардан булган лашкар тортди. У осий амирларни суриб ташлаб, аждодининг пойтахтини қайтариб олишга қатъий аҳд қилган эди. У келгач, осий амирларнинг баъзилари итоат қилдилар. Аммо баъзилари, масалан, Турғайнинг вафотидан кейин барлос уруғининг бошлиғи булган хожа Сайфиддин барлос Хуросонга кетди. Лекин ёш Темур чигатойзодалар тарафидан мақбул курилиб, уларнинг саройига хизматга кириб, узига мулк сифатида Кеш вилоятини олди. Туглиқ Темур Мовароуннаҳрда қолган пайтда тинчлик урнатилган булса керак. Аммо у Шарққа кетгач, нотинч амирлар бош кутариб, янги урушга сабабчилик қилдилар. Истиқболда Осненинг фотиҳи булажак киши бу дафъада тинч турди. Туглиқ лашкари билан Самарқандга келгач, бу ерга ўгли Илёсхужани амир этиб тайинлади. Темурни узига энг содиқ киши билиб, ўглига маслаҳатчи этиб қолдирди.

Муғул шаҳзодасига васийлик — маслаҳатчилик вазифаси Темурга ёқмаганлигини олдиндан билиш мумкин. Ўзининг шу кунгача булган ишларига у узок мақсадга интилиш дебгина қарар эди. Шунинг учун у шаҳзода вазири билан жанжаллашиб, Самарқанд саройидан яширин равишда чиқиб кетди. Ўзига содиқ бир неча киши билан ҳозирги Бухоро ва Хива мамлакатлари орасидаги Ҳазар денгизигача чузилган чўлга йўналди. Ушбу давр унинг жанглар билан тула ҳаёт йўлининг бошланғичи, ваҳший чўлларда маҳрумлик ва қашшоқликни тамомила тажрибадан утказган тинчдир. Темур ўз хотирасида вафодор хотини Ўлжой билан баробар неча кун-тунлар ҳеч бир овқатсиз, сувсиз қолганини, бундай сарсонлик бир неча ой чузилганини, сунгра туркманга асир тушганини, туркман унинг суюкли хотинини асира сифатида молхонага

қамаганини, унда қуртлар ва ҳашаротлар тула эканини жуда солда, жуда таъсирли қилиб тасвирлайди. Бу урушларда амир Ҳусайн ҳам улар билан бирга эди. У булар билан чўлда тасодифан учрашган, Осийнинг ярмини рабт этажак бу киши ҳақиқатда ҳам оғир мактабни утаган. Темур бу ерлардаги бахтсизлик учоғида тобланиб, кейин шавкатли истиқболга эга булди. Яқинлари билан бирга асирликдан қутулгач, у яширин тарзда Кешга келган. Ўзининг илк қуролдош уртоқларини, болаликдаги дўстларини туплаб, Аму соҳилида қароқчиликлар қилиб юрди. Сунгра Сейистонга ҳужум қилди. Бу ерда гоҳ ғолиб, гоҳ мағлуб булиб, белужлардан бир-икки қалъани олиб, гоҳ яна қайтариб, шу жангларнинг бирида оғир мажруҳланиб, умр бўйи оқсаб утди. Шунинг учун форслар уни Темурланг, яъни оқсоқ Темур деб атаганлар. У жароҳатни даволаш билан банд булиб, можаролардан четда турган вақтда, унинг дўсти Ҳусайн Балхни забт этган. Темур тездан унинг олди-га борди. Иккови бирлашиб, одам йиғишга киришди. Темурнинг тарафдорлари сони тезда 1500 кишига етди. У энди Илёсхужа тарафидан ўзига қарши юборилган қўшинга қарши тура олар эди. 765 (1363) да Жайхуннинг чап соҳилида, Қундуз шаҳри ёнида булар уртасида биринчи жанг булиб, унда Темур ғолиб келди. Душман аскарларининг сони беш баробар куп эди, шунга қарамасдан Темур Илёсхужани енгиб, унинг черигини Жайхуннинг иккинчи тарафига иргитди. Ана шундан сунг жетеларни тўхтовсиз таъқиб этиш бошланди. Шу билан чигатойликлар Мовароуннаҳрдан тамом қувилдилар.

Бу пайтда Қутлуғ Темурхон вафот этган, унинг ўғли Сайхуннинг нариги томонига, Олмалиққа, падарининг тахтини олишга кетган эди. Бу ҳол Темурга қулай булди. Мовароуннаҳрдан энг охирги мўгуллар кетгач, Темур Самарқандга кирди. Аҳоли уни самимий кутиб олди. Шодлик ва байрам бошлангач, унинг шу кунгача яшириниб яшаган хотини келиб қўшилди. Энди Темур она халқининг ҳақиқий подшоси эди. Шу вақтда тахтга чиқишга қодир эди. Лекин у асл мақсадига эришмоқ учун яна куп тусиқларни енгини, купгина рақибларини инқирозга учратиши кераклигини билди. Хонлик унвони олиш билан душманларининг сонини купайтиришни хоҳламагани учун Илёсхужа тарафидан қолдирилган чигатой тахтига бу урушнинг иккинчи шаҳобчаси вакилини ўтқазмоқчи булди. Бу ниятини амалга ошириш учун қурултой чақирди. Қобулшоҳни хукмдор эълон қилишни буюрди. Бу билан обрусини орттириб, ўзининг келажакдаги ниятларини амалга ошириш режасини пухталаб олди.

Тугри, жетелар Мовароуннаҳрни осонгина бериб қўйишни ис-тамас эдилар. Темур қишни Самарқандда ўтказаётган пайтда жетеларнинг Илёсхужа қумондонлигида тажовуз бошлаганлари ҳақида эшитди. Дарҳол дўсти амир Ҳусайнга хабар берди, у кучли аскар билан келиб қўшилди. Темур қароргоҳини Чиноз билан Тошкент уртасига қурди. Ҳусайн Сирдарёни кечиб, тажовузни душманга қарши саф тортди. Темур қумондонлигидаги ўнг қанот

душманни енгишга муваффақ булди. Аммо Ҳусайн раҳбарлигидаги чап қанот чекина бошлади. Фақатгина Темурнинг ҳарбий эҳтиёткорлиги ва саботи мағлубиятдан қутқарди. Бу ҳол икки дўст орасига низо солди ва улар рақибга айланишди. Шундан кейин икки рақиб орасида узоқ йиллар мобайнида туқнашувлар бўлиб турди. Охири амир Ҳусайн фалокат топди, Темур ғолиб чиқди. Бу шундай юз берди: жанг майдонида 3000 улдирилган аскар қолдириб, иккала собиқ иттифоқдошлар қушини уз ерига чекинди. Ҳусайн Сирдарёнинг иккинчи қирғоғига ўтиб, узининг пойтахти Солисаройга қайтди. Темур Қаршига чекинди. Жетелар эса, маъносиз равишда жанубга ҳаракат бошлаб, Самарқандни қамал қилдилар. Агар улар шаҳарни олсалар, мўғулларнинг бузғунчилигини такрорлар эдилар, холос. Аммо бу ерда тарқалган «от улати» («Тоъунн фурс» — фурс вабоси) сабабли узлари юкларини елкаларида зурга олиб кетишга мажбур булдилар. Шу аҳволда иккинчи иттифоқ тузиб ҳужум уюштиришганда эди, шубҳасиз, мўғуллар ҳокимиятини узоқ даврагача ёки бутунлай тугатиш мумкин эди. Лекин эски қуролдошлар уртасида душманлик жуда кучайиб кетди. 767 (1365) йилда Темур Ҳусайнга қарши чиқишга ва шимолдаги жетеларнинг ҳаракатини кузатиб туришга мажбур булди. Ҳусайннинг мамлакати каттароқ ва аҳолиси Темурникидан кўпроқ, бинобарин, унинг аслаҳаси ортиқроқ эди. Шундай эса-да, у душманини заиф деб ўйламади. Энг аввал дасисалар ва шов-шувлар билан ҳаракат қилиб кўрди. Темур душманини бу йул билан қармоққа илинтира олмаслигини фаҳмлагач, Жайхуннинг нариги соҳилига амир Мусий қумондонлигида лашкар юборди. Аммо улар қочишга мажбур булди. Шундан кейин Ҳусайннинг узи Солисаройдан ҳаракат бошлаб, барча лашкари билан Жайхунни кечиб ўтди. Дарёнинг соҳилидаги Битик чакчак деган жойда қароргоҳ кўрди. Темур душман аскарларининг сонини билгач, аввал Қаршига, сўнг Бухорога чекинди. Бу ерда иттифоқчиларнинг аҳволи билан яхшироқ танишмоққа қарор қилди. Темур улардан ёрдам кутар эди. У бу ерда иттифоқчилари жуда заиф эканликларини аниқ билди. Шунинг учун Мовароуннаҳрни вақтинча Ҳусайнга қолдириб, узи ғарбий Хуросонга ҳужум бошлаш баҳонасида душман таъқибидан қутулмоққа уринди. Ҳусайн шу соатдаёқ Бухорога юриш бошлади.

...Улар қуролланиб, Ҳусайн аскарига қарши чиқдилар. Ҳусайн отлиқлари уларни ураб олиб мағлуб этди. Янгидан ҳужум қилишга урин қолмади. Ҳусайн чериги Мовароуннаҳрни маъносиз забт этиш билан овора бўлиб юрган бир вақтда, Темур бутун қиш мобайнида урушга тайёргарлик кўрди. Баҳорда Жайхунни кечиб ўтиб, қаҳрамонона ҳужум билан Қарши, Самарқанд атрофларида ва Тошкент йулида жуда оз, лекин ғайратли кишилар билан душман аскарларининг сафини бузиб ташлади. Бу жангларда унинг ўғли Жаҳонгир катта жасорат кўрсатди. Чунки у иттифоқчилари бўлган Қайхусрав ва Жалойирийларнинг ёрдамини кутган ва унга эришган эди. Қайхусрав уз кизини Жаҳонгирга берди. Темурнинг

Ўзига эса ёрдамчи аскарлар юборди. У ана шу черик билан душманни Жайхуннинг нариги томонига ўтишга мажбур этди ва Сайхун томонга қараб қувди. Рақибини буйсундириш учун ушбу ғалаба кифоя эди, аммо жалобир уруғи билан иттифоқ Ҳусайнга катта хавф туғдирди. Бинобарин, у уртадаги низони сулҳ билан бартараф этишни маъқул кўрди. Темур уни мамнуният билан қабул қилди. Чунки Мовароуннахрнинг ташқи ишларига куч билан аралашиларини истамас эди. Ёхуд Темур маддоҳларининг таъбири билан айтсак, муминлар орасида бир-бирини ўлдириш ва яғмонинг давом этишини хоҳламасди. Нима бўлса ҳам сулҳ тузилди. Ҳаттоки, Ҳусайннинг исён кутарган Бадахшон амирини тобе этиш учун Темурнинг ўзи Жайхуннинг бу тарафига ўтди. Сулҳни мустаҳкамлаш, Қобулни фатҳ этиш билан Ҳусайннинг мамлакатини кенгайтириш мақсадида икки рақиб биргаликда ҳарбий юришда иштирок этдилар.

Шундай бўлса-да, улар ўртасидаги тотувлик муносабатлари узоқ давом этмади. Жетелар юқори Сайхунга тажовуз қилиб, яна таҳдид солишган эди. Темур уларни такиб этиб Бадахшондан кетди ва жетеларни қувди. Лекин шу пайтда Ҳусайн ихтилофни тухтовсиз кучайтириб, рақибини яна қўлига қурол олишга мажбур этди. Темур Балхга юриш қилганда, унинг байроғи остида Ҳусайннинг энг ишончли одамлари ҳам бор эди. Улар, Шарафиддиннинг ривоятинча, Ҳусайннинг доимий васвасаларидан норози бўлиб, унга хиёнат қилганлар. Аммо эҳтимолки, улар Темурнинг омади келганлиги учун унинг тарафига ўтгандирлар? Ҳусайн бунга қарамай жадду жаҳд билан мудофаага ўтди. Унинг сунгги манзили Балх куч билан забт этилгач, Ҳусайн ўлдирилди. Бу шундай руй берди: у қалъадан бошини эгиб чиқиб, ғолиб рақибининг лашкаргоҳига кечирим сураб келди, тавба килди, жонини сақлашни ўтинди. Мирхонднинг ривоятига қараганда, «Ҳожи булиш учун Қаъбага бормоқчи ва у ерда уз гуноҳларини куз ёшлари билан ювмоқчи» эди. Темур шунда олижаноблик курсатди. Суюкли хотинининг акасини афв этди. Лекин унинг саройидаги туралар Ҳусайн туфайли тортган азоблари-ю, таҳқирланишларини унутмагандилар. Улар Ҳусайннинг жонига қасд этдилар. Гарчи Темур бунга узоқ вақт қаршилик қилса-да, кейинчалик розилик берган бўлса керак. Унинг ёшликдаги қуролдош ўртоғи, бахтсиз рақиб минорадан иргитилди. У охириги дақиқада шу жойга қочган эди. Бу воқеа 771 (1369) йил содир бўлди.

Энди Темурнинг рақибни қолмади. Унинг ташқи душманлари, жумладан, Шарқдаги жетелар ҳам қувилдилар. Темур энди номигагина бўлган уйинчоқ подшоҳнинг ҳокимиятига хотима ясаб, Мовароуннахр тожини шараф билан кийишни уйлашга ҳақли эди. Аммо бу аъло шарафга, тасмил буйинча, миллат мажлиси — қурултойнинг сайлов и орқали эришишни хоҳлади. Чингизхондан кейин, неча асрдан сунг Темурга насиб қилган бу нодир кайсарлик (цезарлик) ҳаёлини Шарққа хос маросимгина амалга ошира олар эди. Бу мақсад учун Балхда йиғилган қурултойда қадимги Чинга-

той хонлигининг ҳам буёқ туралари, Темурнинг ёшлигидаги қуролдошлари ва аввалги душманлари ҳозир булган эдилар. Улар орасида амир шайх Муҳаммад, Баён Сулдузий, амир Олжойту, амир Қайхисрав Хатталоний, амир Довуд Дуғлат, Амир Сорбугой Жалойир, амир Жоқу барлос, амир Зинда Хашм ва бошқа муътабар туралар бор эди. Темур қадимги турк одатига бипоан оқ кигиз устига ўтқазилиб, юкори кутарилди. Темурнинг пири Саид Барака дуоии фотиҳа қилганидан кейин у Мовароуннахрнинг амири деб эълон қилинди. 771 йил 10-рамазон (1369, 8 апрель) эди. Темур ўз яқинларига қимматли ҳадялар улашди, узоқроқда турганларни муҳаббат билан ўз тарафига жалб этди. Жайхуннинг бу томонида хокимиятни тиклагандан кейин Самарқандни пойтахт қилиш учун дарёнинг у соҳилига кечди. Самарқанд шаҳри шу кундан бошлаб Темурнинг вафотигача унинг сафар машаққатларидан кейин истироҳат қиладиган жойи булди. Осиё дунёсининг турли мамлакатларидан унинг қулига тушган барча ганий неъматлар шу Самарқандда тушланди.

Темур бошқариш ишларини ўз қулига олгач, жуда ҳолдан тойган мамлакатда конун ва тартиб ишларини жорий этди. У ислом динига мухлис булиши билан бирга, Чингиз низомларини ҳам жуда ҳурмат қиларди. Бу қонулар Туроннинг ҳикмат ҳукумати булгани учун, турк халқларининг ижтимоий ва сиёсий аҳволига мувофиқлиги учун Темурга маъкул эди.

Темурнинг «Ясоқ»қа рағбати ҳамда уни мусулмон руҳонийларидан ҳимоя қилишининг сабаблари ана шундадир. У мамлакатнинг ҳарбийлари орасида муул жаҳонгирининг (Чингизнинг — С. А.) олижаноблигига тақлид қиларди. Қуйидаги мансаблар таъсис этилган: Туман оғаси (уъмингбоши), мингбоши, юзбоши ва ун боши; сиёсий маъмурият қадимгидек қолганди. Фақат солиқ солиш қондаси Қуръон таълимотига мувофиқ булди. Турли мансабларнинг аломат фарқлари, сарой маросимлари таъсиси аксари салжуқийлар ёки хоразмшоҳлар тартибига асосланган эди. Бекларбеги ёки амирул умаро мансаблари шулар жумласидан. Бу бизнинг сардори акрамга, «генералиссимус»га туғри келади. Катта Қизил Байроқ унинг аломати эди. От ёли билан боғланган узун найза Туман оғасининг туғидир. Икки томонидан кокил осилган икки дул ноғора юзбошининг аломати ҳисобланади. Суворий эгарининг икки томонига икки табл осилади. Салтанат маъмурлари адолатли ҳукм юритиши, деҳқонларга шафқат билан қараши, савдон ҳимоя қилишлари таъкидланган. Қушни маъмурларига аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш топширилган. Ҳар бир отлиқнинг икки оти, уқ тула садоғи, қиличи, жанг болтаси, арраси ва 10 дона игнаси булиши шарт эди. Урдагоҳда ҳар ун саккиз кишига бир чодир бириктирилган. Зобит (офицер) ҳарбий тактиканинг муҳимларини билиши керак эди. Бу ҳозирги пайтда ҳам ўзбек сипоҳийлари ёки туркман сардори учун фарз саналади. Олдий нафар (аскар) низомни катъий бажаришга мажбур; жангда у аёвсиз ва довюрак булиши, омонлик истаган душманга юмшоқ

муомала қилиши лозим. Ҳарҳолда Темур душманлари тасвирлаганча ваҳший бўлмаган. «Темур тузуқлари»даги маълумотлар, мамлакатни маъмурий бошқариш тартиби бу фикримизга далил-дир. Маъмурият бошида девонбеги (бош министр), унинг ёнида аркбеги (маросимларни ўтказувчи) ҳамда тўрт вазир бўлган. Буларнинг биринчиси ер солиқларини, кўпроқ чегара божини ундириш ҳамда миршаб ишларини бошқарган. Иккинчиси аскарларнинг маоши, озиқ-овқат ва бошқа таъминотлар билан шуғулланган. Учинчиси аскар шахсларига, уларнинг лавозиму мансабларга тайинланишига ҳамда мерос ишларига қараган. Тўртинчиси хоқон саройининг харажатларини бошқарган. Улуғ амалдорлар ўз вазифаларини бажарган пайтда, солиқлар йиғиш вақтида юмшоқ муомала қилишлари шарт бўлган. Қамчи ишлатиш ман қилинган. Бу туғрида Темурнинг ўзи айтади: «Ҳар бир волн ўзининг қамчиси каби аҳамиятга эга бўлмаса, у киши туралик мансабига лойиқ эмас».

Туғри, юз йилга яқин бошбошдоқлик ҳукм сурган мамлакатда қонунни жорий қилиш осон иш эмасди. Уни оз-оздан амалга ошириш мумкин эди. Лекин Темур бошданоқ футуҳот (забт этиш) ҳавосига берилди. Ташқаридан қараганда, қонунларни жорий этиш билан банд қуринса-да, лекин мамлакатининг чегараларини кенгайтиришга киришди. Албатта, у аввало хавfli душманларини йўқотиш пайига тушди. Булар жетелар эди. Уларнинг ҳақиқий ватанларидаги қучлари ҳали ҳам синдирилмаган эди. Зеро уларнинг Мовароуннаҳрни янгидан забт этиш ниятлари сезиларди. Шунинг учун вақтни ғанимат билиб, Темурнинг ўзи ҳужум бошлади. 772 (1370) санада Темурнинг биринчи зуҳури вақтида жетелар ихтиёрий таслим бўлдилар. Темур эса Самарқандга қайтди. Лекин шундан озгина вақт ўтмай янги волий — Кебектемурут фитна қўзғади. Самарқанддан юборилган қўшин ғолиб келиб, уни сулҳ тузишга мажбур қилишига қарамай, Темур ўз сарҳангининг ишидан норози бўлиб, янгидан уруш ҳаракатини бошлаб юборди. Душманининг мамлакатини талон-тарож қилиб, юрт ғаниматларини қўлга киритиб, орқасига қайтди. Орадан тўрт йил ўтди. Жетеларнинг хони Қамариддин Куктепа атрофига хосса қўшинни тўплаб, Темурни нақадар кучли қўшинлар билан келишга мажбур этди. Жетелар яқсон қилинди. Қамариддин аранг қочиб қутулди. Унинг хазинаси, ҳарам ғолиблар қўлига тушди. Ҳарам ичида Дилшод исмли гузал қизи ҳам бор эди. Темур бу қизни ўзининг шаръий хотинлари қаторига қўшди. Лекин асл мақсадига — чигатоёу улусининг Шарқ тарафини ўз мамлакатига қўшиб олишга фақат бешинчи юришдагина эришди. Шундан кейин Қамариддин тамом умидсизланиб, мамлакатини ташлаб қочишга мажбур бўлди. Бу иш 778 (1376) йили ниҳоясига етказилди. Мазкур иш бўлиб ўтгунча бизнинг қаҳрамоннинг назари Хоразмга тушди. Темур уни қўшиб олиш сиёсатини тутди. Ўзи ҳужум билан уруш очди. У гўё Кат ҳамда Хивак, ҳатто бутун Хоразм илгари Чигатоёу улусининг ажралмас қисми эди, деб даъво қилди. Бинобарин, унинг ҳокими

Хусайн Суфи қунғирот Темурга бож тулаши лозим эди. Темур бу даввосига катта аҳамият бергани сабабли у ерга тавочи Алқамани юборди.

Хусайн унга: «Мен мамлакатни қилич билан фатҳ этганман, шунинг учун ҳам уни фақат қилич билан олиш мумкин», деган жавобни айтишни буюрди. Бу жавоб мағрур ҳарбчини қурол ишлатишга мажбур қилди. У дарҳол Хивақ устига юрмоқчи эди, лекин кешлик шайх Жалолиддин масалани тажриба тариқасида яна бир марта сулҳ билан ҳал этишни маслаҳат берди. Бу тақводор кишининг маслаҳати аввалгисидай муваффақиятсиз чиқди.

Темур 773 (1371) йилнинг баҳорида жуда кўп лашкар билан Хоразмга юриш бошлади. Шу пайт унга Ҳирот хоқонидан табрик ва ҳадялар билан вакиллар ҳайъати келди. Қимматли ҳадялар ичида «Кук уғлон» номли бир жанг оти бор эдики, Шарқ тарихчилари уни мадҳ этиб тугата олмадилар. Бухородан кейинги йўл чулдан бошланар эди. Ҳазорасп яқинидаги Кат машаққатли қамалдан сўнг забт этилди. Темур бу ердан Хоразмга йўл олди. Хусайн Суфи шу ерда эди. Бу шаҳар, Қайхусрав ва Ҳатталонийнинг хиёнатига қарамай, хоразмликлар очиқ майдонда жанг қилишни истамаганликларидан кейин олинди. Хусайн мухосара даврида вафот этиб қолди. Унинг биродари Юсуф Суфи сулҳ тузди. Темур бу сулҳни мустаҳкамлаш учун узининг ўғли Жаҳонгирга Юсуф биродарининг қизи гузал Суюнни суради. Юсуф Суфи мамнуният билан розилик берди. Темур сафарнинг муваффақиятли тугаганидан шод бўлиб, орқага қайтиб кетди. Лекин у Хоразмдан жунаши биланоқ Юсуф Суфи Қайхусрав ва Ҳатталонийнинг васвасасига учиб, гузал Суюн хусусидаги ваъдасига вафо қилмади. Балки Темурга қарши уруш очди. Темур 774 (1372) йилда иккинчи марта юриш бошлаб, бу гал ҳам ғалаба билан қайтди. Ўз ўғлига гузал Суюнни кўп ва бой қалинлар билан олиб келди. Бу тўй муносабати билан Самарқандда қилинган байрам ниҳоятда дабдабали ўтди. Лекин Жаҳонгир бундан кейин фақат икки йилгина яшади. Аҳд этилган сулҳ ҳам узоқ давом этмади. Темур Хоразмга қарши учинчи маротаба юриш қилишга мажбур бўлди. Бу сафар пайтида Юсуф Суфининг бошига қизиқ бир фикр келди. У икки тараф кишиларининг қони тукилмаслиги учун узи Темур билан яккама-якка олишмоқни истади. Шу боис душманига «Икки одам учун қачонгача бутун олам азоб-укубат чекади, инсоният ва мамлакатнинг хайрияти учун бу икки одамнинг бирга бир олишувларини ва майдонда баҳс қилишларини талаб қиладир», деб ёзди. Темур бу таклифдан жуда қувонди. Сайфиддин барлос унга узининг қимматли ҳаётини таҳликага солмаслигини тавсия қилса-да, Темур унинг гапига кирмай, жанг майдонига биринчи бўлиб келди ва жуда қаттиқ товуш билан душманини чақирди. Лекин Юсуф Суфи келмади. У қўрқув ва хавф туфайли ўз таклифидан воз кечди, умумий ҳарбни талаб қилди. Шундан сўнг 781 (1379) йили Хоразм қалъаси Темур томонидан қамал этилган пайтда, Юсуф Суфи вафот этди. Ғолибнинг қўлига жуда катта хазина тушди. У бойликларни,

моҳир хунармандларни уламо билан бирга Кеш шаҳрига олиб келди. Бу ғалабанинг шарафи учун бир сарой бино қилишни буюрди. Она шаҳрининг яқинида қишни ўтказиб, истироҳат қилди. Ов овлаш билан машғул бўлди.

Темур душмани — қайнотаси Амир Хусайн билан урушиш ва жетеларни шимол-шарққа кўчириш учун кўп ғайрат қилди ва катта хуруж курсатди. Лекин Ғарбий Хоразмдаги душман устидан ғалаба қозониш янада қийинроқ бўлган эди. Чунки икки Суфнинг хос аскарий кучларидан ташқари Қипчоқ хони, Олтин Ўрда хони, Жужу улусига кирар ва уларга ёрдамчи эди. Хоразм ва Сарой ҳукмдорлари кўп замонлардан буён Темурга қарши яширин битим тузишган эди. Бу иттифоқчилардан биринчисининг ҳалокати иккинчиси учун ҳам фожианини муқаддимаси бўлди. Темур Хоразмдан ғалаба билан қайтиб, бутун Туронни ўз қули остида бирлаштиргач, Сайхун ва Жайхун оралигидаги ҳудуд торлик қилади, деган фикрга келиши табиий эди. У ўзига ўрнатилган бўлган жаҳонгир Чингизхон изидан бориши лозим эди. Хуллас, бахтиёр Турон фотиҳи ўз юлдузига қараб, бутун жаҳонни забт этиш йулига кириши учун имкон тугилди. У ўз асарида «Қандай бўлса-да, бир мамлакатда зулм ва ҳақсизлик кўнайсиз, омманинг тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза қилиш учун, ҳар қанақа фитначиларни ва қонун бузувчиларни тугатиш учун у мамлакатга ҳужум қилиш керак. Ҳақиқий ҳукмдор ҳар бир қавм ва қабилани уларга зулм қилувчилардан озод этишга ҳуқуқлидир. Ушбу нуқтаи назардан қараб, мен Хуросонни фатҳ этдим. Форс, Ироқ, Шом мамлакатларини бўйсундирдим» деб ёзади. Унинг таржимаи ҳолини ёзганининг ривоятчи, Темур шоирнинг ушбу сўзини қайта-қайта такрорлар экан: «Оллоҳ ёлғиз, битта бўлгани каби подшоҳ ҳам битта бўлиши лозим. Бутун дунё улуг хоннинг якка ҳокимлигига нисбатан ҳечдир». Жаҳонгирлик вазифасини бажариш учун Темурнинг таъбиятулжейш (тактика)даги маҳоратидан ва ўзга шахсий фазилятларидан ташқари, жанглarda орттирган тажрибаси ва муҳими, қул остида унга кўр-кўрона бўйсунадиган лашкарлари ҳам, уларнинг моҳир сардорлари ҳам бор эди. Унинг байроғи остидаги черикнинг барчаси жангу жадалларда қаҳрамонлик намунасини курсатган ўзининг қуролдош дўстлари эди. Унинг сарҳангларидан Жаҳонгир барлос, Сайфиддин барлос, Оқбуға, Усмон Аббос, Муҳаммад Султоншоҳ, Қамарий, Тибон баҳодир, Урусбуға, Пирхусайн барлос, Ҳамза, Амир Муризода, Муҳаммад Қазғон, Сарик Атка ва Музаффар Учқора ўзларининг маҳоратларини гоҳо Темурнинг ёнини олиб, гоҳо унга қарши сарф этдилар. Албатта, аввало, Темурга ўша вақтдаги Осиёнинг паришонлик ҳоли қул келди, кейин эса Туркистоннинг жангилик руҳи ёрдам берди. Муғул ҳукмронлиги илқирозидан сўнгра ҳукумат бирлигидан асар ҳам қолмади. Салтанат жуда кўп хонликлар ва бекликларга бўлиниб кетди. Булар бир-бирларига ёрдам этиш ўрнига, бир-бирларига жуда ёмон душманлик ва гажовузкорлик қилдилар. Бу аҳволда Темурнинг қули, ташаббусли ва омадли қули, албатта, Иртиш-

дан Гангагача, Губи саҳросидан Мармар денгизигача ягона ҳукмронлик таъсис қила олди.

Энди Темурнинг уз ватанидаги ишлари ҳақида батафсил сузлаб, унинг бундан кейинги истило сафарлари ҳақида қисқагина зикр этиб утмоқчимиз. Бу сунгги замонлар Мовароуннаҳр тарихининг энг шавкатли даврларидир, шунинг учун ҳозир бу ҳақда батафсил сузлаш лозим. Шу билан бирга, асаримизнинг тор доирасида уларнинг натижаларинигина айтиб утиш kifоядир. Зотан, Темур ва у давр ҳаёти батафсил тасвирланган баъзи манбалар оврупалик уқувчилар оmmasига бирмунча яхши таниш.

Темурнинг Урта Осиё чегарасидан ташқарига тажовузи дастлаб шимолга, яъни Жужи улусига қаратилди. Узаро қаттиқ туқнашувлар оқибатида бу улус аҳли сийналарида фотиҳ қиличининг излари қолди. Урусхоннинг забардастлиги билан Тухтамиш уз отасининг тахтидан туширилгач, у Темурнинг қошига ҳомийлик истаб келди. Тухтамиш 777 (1375) йили жетеларга қарши урушга юборилди. Бу ихтилоф Темурнинг кунглига жуда ёққан шекилли, у Тухтамишни дустона қабул қилди, Самаркандга олиб келди. Унга кун ҳадялар берди. Ҳозирги Туркистондаги Утрор ва Саброн вилоятларини унга мулкона этди. Уни уз рақибига қарши тура оладиган ҳолга келтирди. Урусхон шу орада уғли Тухтақойни лашкар билан уни қувишга юборди. Лекин Тухтамишга толе икки тажрибадан кейин ҳам ёр булмади. У енгилди, жароҳатлар билан ярим урён ҳолда қочиб, учинчи марта Темурдан паноҳ истади. Бу дафъасида Темур меҳмоннавсзлик вожиби билан лашкар бошига келди ва Урусхонга қарши уруш эълон этди. Бу мамлакатнинг саҳроларидаги совуқ ва ёмғир қатъий жанг бошлашга монёблик қилди. Икки қушин бир неча ой бир-бирига уруш оча олмай ҳаракатсиз ҳолда турдилар. Темур 778 (1376) йил баҳорида, тагин уз миллатини химоя этишни хоҳлагандан кейин, бу иш енгил кучди. Чунки энди Урусхон ҳам, уғли Тухтақой ҳам вафот этган эдилар. Тухтамишга рақиб улуроқ фақат Урусхоннинг кичик уғли Темурмаликкина қолган эди. Албатта, маълумки, у иттифоқчилар лашкарига қарши тура олмади. Темур Қоратол ёнида унинг устидан ғалаба қилди. Уни асир олди ва маҳв этди. Тухтамиш эса оёққа туриб олгач, узининг ғолибона тажовузларини давом эттирди. Бутун Қипчоқ хонлигини забт этди. Мамайни енгиб, ваҳшиёна ҳужумлари оловини янада узоқроққа — Русия ерларига олиб борди. 786 (1384) йилда Маскав шаҳрини ёндирди. Қуролининг муваффақияти билан сармаст юрган бу одам уз ҳомийсига лозим булган шукронани тез унутди. У жаҳонгирлик даввосига тушди. 789 (1387) йили, яъни Темур Озарбойжонда булган пайтда, Хазар денгиз соҳилидаги ғарбий вилоятларга тажовуз қилди. Темурнинг уғли Мироншоҳ Кур дарёсининг бу томонига қараб унга қарши юрди. Тухтамишнинг илғори енгилди, у қочди ва чекинди. Темур шу ҳолатда ҳам кенглик ва розилик аломатини қурсатиб, «Ал фитнату нооиматун алъаноллоху лиман айқозаҳо»¹ ҳа-

¹ Фитна бошлаган оллонинг лаънатига учрайди.

дисини мулоҳазага олиб, у билан сулҳ тузишга розилик берди. Туғри, бу ишни у муносиб фурсатни қулга киритиш учунгина қилди. Икки йилдан кейин узининг ҳақли ғазабини майдонга қуйди. Яъни, 791 (1389) йилнинг қишида қор от кукрагига етган пайтда. Самарқанддан ҳаракат бошлади. Шимолдан тажовуз қилган Тухтамишни у Сайхун соҳилида мағлуб этди. Кейинги баҳорда иккинчи соҳилда яна бир карра енгди. Лекин у хануз таскин топмаган, ғазаби сусаймаган эди. 793 (1391) йил қишида Темур хос ва мунтазам қуроли лашкари билан Тухтамишга қарши омонсиз жангга отланди. Жанубий Сибириянинг кимсасиз чўлларида олти ҳафта юрдилар. Унинг чўлдаги бу сафари қийинчиликлар ва заҳматлар билан тўла эдики, уни энг буюк тоғлардан ўтиш билан тенглаштириш мумкин. Чарчаган ва очикқан лашкар душманни узоқ вақт излади. Охир-оқибатда уни май ойида Ёйиқ (Ўрол) дарёсининг яшил соҳилларига келиб топди. Жасур ва шонли суворийлар кураши бошланди. Ҳар икки қушин уч кун мобайнида баробар қаҳрамонлик билан жанг қилдилар. Ажойиб шижоат курсатдилар. Аммо Тухтамиш ўз қардошларининг хиёрати туфайли мағлуб этилди, озодликни қочишдан излашга мажбур бўлди. Темур уқ тезлиги билан уни Русия ерлари томон таъқиб этиб, суриб ташлади ва Маскавга бориб етди. Агарда Мовароуннаҳр қаҳрамони эҳтиёт билан ўрта даражадаги йўлни тутмаганда эди, Маскав аҳолиси, Гиббоннинг таъбирича, биби Марямнинг мўъжизанамо суратидан бошқа ҳеч бир ҳомий тополмас эди. Ун бир ойлик сафардан кейин у жуда кўп асирлар, бисёр ғаниматлар ва шимолнинг жавоҳири билан ўз пойтахтига қайтди. Асирлар ичида душманнинг оиласи, ҳарами ҳам мавжуд эди. У илгариги Чингиз мамлакатининг энг катта икки қисмини ўз ҳокимияти остига ола олганлиги билан фахрланса ҳақи бор эди. Энди унга салтанатнинг бори учинчи бир қисмигина, яъни Эрон, Арабистон ҳамда Ҳиндистоннинг бир қисмигина нуқсонли кўринар эди. У айни замонда шимолга хотима чекиб, ўз назарини ғарб тарафга монесиз қарата олар эди.

Темур форс ерларини, яъни Эрон ва Хуросонни фатҳ этишни Тухтамишни енгмасдан олдин бошлаган эди. У 783 (1380) йилда ўғли Мироншоҳ мирзони бир неча етук сарҳангларга қўшиб Хуросонни фатҳ этиш учун юборди. Ёш ва қаҳрамон ўғлининг салоҳи билан очилган йулга тездан ўзи етиб борди. Янги жаҳонгир бу ерда икки хонадон билан жанг қилишга мажбур бўлди. Шимолда сарбадорийлар сулоласи ҳукм сураар эди. Темур узининг заиф вақтида улар билан яхши муомила қилар эди. Энди булар ҳеч қандай муқобаласиз бўйсундилар. Жанубда Қарт оиласи ҳукм сураар эди. Бизнинг қаҳрамон ёшлигидан буён улар билан курашиб келган. Бинобарин, бунда иш унчалик осон кечмади. Бу оиланинг раиси Ғиёсиддин Пирали узининг ёзмишини турк фотиҳига топширгундан кўра қилич тигига беришни афзал билди. У Шарқда Ҳиндикуш тоғларидан, шимолда Мурғолибдан то Шохруд чўллари гача тарқалган мамлакатини нақадар ғайрат билан мудофаа қилишга киришди. Унинг жангу жаҳдлари ўлим билан олишувга

айланди. Пойтахт шаҳри Ҳирот жуда қаттиқ жангдан сунг забт этилди. Аммо бошқа шаҳарлари, масалан, Қобушон, Тус, Нишопур, Сабзавор — машҳур илм ва санъат марказлари уз дарвозаларини кунгиллиларча очдилар. Улар уз шаҳарларини хароба тоғларига айлантиришдан кура, унинг Темур аскарларига кечув манзили булишини афзал билдилар. Ғолиб Темур Хуросонга Афғонистонни, Сейстонни ва Белужистонни кушиб олиб, 788 (1386) йили Арабистонга ҳамда хос Форс ерига тажовуз қилишга имкон топди. Эроннинг бу жойларида уша вақтда икки сулола ҳукм сурар эди. Жанубий Форсда, Исфаҳонда — музаффарийлар ҳоким эди. Аммо Ироқ, Араб ҳамда Озарбайжон элхонийлар қулида эди. Биринчи сулоланинг бошлиғи Шоҳшужо оқил ва мударбир одам эди. У жанубнинг нозиклашган уғлонлари билан Мовароуннаҳрнинг тажрибали жангчиларига қарши чиқишни лозим курмади.

У уз ихтиёри билан таслим булди ҳамда қизини марҳум Жаҳонгир мирзонинг угли Пирмухаммадга бериб, сулҳни никоҳ билан мустаҳкамлади. Аммо Шайх Увайс Жалойирнинг угли Султон Аҳмад бошқача уйлади. Узининг курд суворийларини ҳам Озарбойжон ҳарбийларини Темур аскарига бас кела оладиган куч, деб гумон қилди. У жангга киришди ҳамда дарҳол муваффақиятсизликка учради. Узининг гузал, таҳсинга лойиқ Султония помли тахтгоҳини ташлаб, Бағдодга чекинишга мажбур булди. Аммо унинг душмани Араксини кечиб, бир зарба ила бутун Қофказини уз кул остига олди. Нахчавонга, Урэнга, Тифлисга ҳам Ширвонга подшоҳ булиб кирди. Узининг болта кирмаган уйлари ва тубсиз ботқоқликлари билан шу вақтгача ҳар қандай душманни тухтатган Гилои буйсунишдан узга чора тополмади. Арманистон подшоҳи Тоҳиржон машҳур Ван қалъаси забт этилгандан кейин узоқ Шарқдаги шавкатли хоқоннинг амири сифатида уз идорасини давом эттиришга мажбур булди. Айтиш мумкинки, турк хоқонининг бу газаби сафарда фақат Қорақуюнли (қора қузи) хонадонни билан исёнчи Исфаҳон шаҳрининг устига тушди. Бу хонадон узининг Ахлот ва Одил Жувоз каби энг мустаҳкам қалъаларини йуқотди. Исфаҳон Темур билан аҳдини бузиб, унинг 3000 аскарини улдиргани учун шаҳар алоҳиси 70.000 кишини қурбон берди. Бу жуда катта қатли ом булиб, Шоҳшужо угли Зайналабиддинни таҳликага туширди, у юкланган тобеъликни даф этиш ниятидан қайтди. Темур Шероздаги музаффарийларнинг тахтини расмий равишда қулга киритгандан сунг, 791 (1389) йилда шавкат ва тантана билан Самарқандга қайтди. У одатига кура буш вақтини овда ва айш-ишратда утказиб истироҳат қилди. Сафар машаққатларини унутгандан кейин янгидан куч туплаб, яна уз мақсадини амалга ошира бошлади. Худди шу вақтда, юқорида тилга олиганидек, Тухтамишга қарши юриш бошланган эди. Шундан қайтгач, Темур Ғарбда «беш йиллик уруш» номи билан донг қозонган урушга киришди. Бу сафарги шияти — уз мулкида қузгалган фитналарни бостириш баҳонаси ила Эрон ва Арабистонни бутунлай буйсундириб, аввалги сафарларининг ҳақиқий самара-

ларини кўрмоқ эди. 794 (1392) йилда бир оз хасталаниб ётгандан ва даво топгандан кейин, у хос ҳамда мунтазам лашкари билан Ҳамуя ёнида Амударёни кечди, Эроннинг шимол ноҳияси бўйлаб Астрободга, ёнги Мозандаронга борди. Тоғли Эроннинг асосий шаҳри ҳисобланган Омул жуда ҳам мутаассиб ҳашошилар (асосчилар)нинг ёхуд фидойиларнинг қароргоҳи эди. Шиддатли муҳорабадан кейингина шаҳар забт этилди. Жасур мудофаачиларнинг мардликлари учун шу қадар қон тукилдими, шарқ тарихчилари буни тасвирлашга ожиз эканликларини изҳор қиладилар. Албатта, бундай жазодан кейин сукут тугади. Энди Темур қонга тунган салоҳи билан Луристон ва Ҳузистон устига юрди. Ҳамадонга, Баружардга, Дизфулига гуё учиб борди. Мустаҳкам тоғ қалъаси Қалъан сафидини фатҳ этгандан сунг одатдаги тезлиги ила Шохмансур Музаффарийга хужум қилди. Бу шох Темур кетгандан кейин музаффарийларнинг Сеш холигини бирлаштириб, ўз қули остида хос кучни туплади. Лекин ғалаба билан руҳланган туркларга қарши тура олмади. Потил деган жойда ниҳоятда қаттиқ уруш бўлди. Шохмансур ўз суворийлари билан баробар Туркистон қушини сафини ёриб кирди. Арслон каби ҳаммасини йиқиб, емириб, Темурнинг ёнига бориб етди. Унинг ёнида фақат 14—15 гина нафар қолган, ожиз бир ҳолатда эди. Лекин соқчилик қиладиган Шохрўх мирзо қочган нафарлардан бир фирқа туплаб, хужумчиларнинг пулларини кесди ва муваффақиятли олишувда Шохмансурнинг бошини кесиб, одатдаги табрик ибораси ила уни отасининг оёғи остига иргитди: «Ҳамма душманларингизнинг бошлари огингизнинг туёқлари остига мана шундай тушсин!» деди. Бундан кейин душман тамоман мағлуб бўлди. Музаффарийлар хонадонни батамом қирилди. Бу сулоладан фақат илгари кўр қилиниб, Самарқандга юборилган фарзандлардан бири тирик қолди. Шохмансурнинг хазиналариёни олиб, забт этилган мамлакатларни ўз сардорларига тақсим этгандан сунг, Темур 795 (1393) йилда араб Ирогини янгитдан фатҳ этишга сафар қилди. Элхоний Аҳмад Жалойир бу иккинчи хужумда ҳалокатдан қутула олмади. Озарбайжонни қайта фатҳ этиб, Курдистонни тахт итоатига олиб, Темур Султоннинг хос кемасида Дажлани кечди. Бағдод урушсиз таслим этилди. Унинг ҳукмдори фожияли Карбало даштида, араб отининг тезлиги соясидагина жонини сақлаб қолди. Аммо хотинлари ҳамда ўғли ғолибнинг қулига тушди. Бу аҳамиятсиз кураш бўлди. Шунинг натижасида муқаррар халифат учинчи мартаба турк соҳибқиронининг қулига тушди. Мобайинлиаҳрнинг (Дажла ва Евфрат оралиғи) бошқа шаҳарлари — Мордин, Диёрбакр ҳамда Тахрит қон қурбонлар эвазига қулга киритилди. Лекин, шундай булса-да, Темурнинг ғолиб байроклари Арманистон ва Гуржистон устига ўтдилар. Ғалаба байрамларининг шодлик товушлари гузал Мингул даласида тинар-тинмас, икки йил аввал исқот этилган Тухтамишнинг тағни янги куч билан Дарбанд ёнида Қофказга тажовуз ила таҳдид этгани ҳақида хабар келди. Қўлдаги купикли косалар ўрнига янгидан қурол олинди. Темур сабр билан

душманнинг яна яқинроқ келишини ва урушни узи бошлашини кутиб турди. У шундай дер эди: «Ов қопқонга узи келиб тушгани яхши. Уни излаб юрсанг, овлаш фурсати узоққа чузилади. Қари товуқ қарчиғайдан қурқмайди. Агар чигирткада кизил қанот уса, у ҳар қадамда узини қаргадан ҳимоя қилади». Сунгги дафъада Ҳазар денгизининг Шарқ соҳилида булгани каби, бу дафъа Ҳазар денгизининг ғарб қирғоғида ҳам галаба Темур байрон тарафига ўтди. Тухтамиш енгиліб, Сибириянинг жанубий дала-ларига қочди. Ғолиби уни таъқиб қилиб Русиянинг ичкарисига кирди. Маскав шахрини талон-тарож қилди. Урдада амир этиб Урус-хон ўгли Қовурчоқни қолдириб, Гуржистонга қайтди. Совиб қолган галаба туйларини яна давом эттирди. Шундан сунг аввалги Тур-кистон саҳросининг саргузаштпарастни булган Темур шимолий ва ғарбий Осиёни забт этди. Унинг подшоҳлик тожини гузал, бой ва қадимдан таниқли неча-неча мамлакатлар безадилар. Иссиққул, Амударё ва Сирдарё буйларидаги кучли жанговарлар Ғарбий Осиёнинг бутун хазиналарини, қимматбаҳо ашёларини Самар-қандга ташидилар. Барча мамлакатлар элчилари, элчи ҳайъат-лари мағрур жаҳонгирнинг сёғи остига қимматли совғалар кел-тирдилар ва табриклар, тақдим этдилар. Шундай эса-да, Темур жаҳонгирлик шуҳратидан қаноатланиб қолмади, даҳшатли юриш-ларга ҳаваси сунмади. Беш йиллик осойишталикдан сунг у 799 (1396) йили яна юришга ружуъ қилди. Аму соҳилида унга атаб хотинлари, қизлари ҳам соқчилари гузал расм-русум утказдилар. Бу ернинг таомили буйича, унинг устига ақчалар — олтин пуллар ва жавоҳирлар сочдилар. Мингларча безатилган отлар ҳам ха-чирлар унга табрик ҳадяси сифатида тақдим этилди. У отасининг қабрида шукрона фотиҳа билан тиловат қилди. Узининг йўқлигида қурилган гузал биноларни курди. Шундай дабдаба ва тантана билан Самарқандга кирдики, уни тасвирлаш учун қалам ожиздир. 63 ёшлик соҳибқирон жуда кўп галабалардан кейин бу ерда ёш малика Тўқол хотунини қучоғига олди. Янги бино қилинган гузал сарой — «Дилкушо»ни унинг ихтиёрига топширди. Жуда кўп туй-лар, байрамлар, пойғалар, от уйинлари бошлади. Бу айшу ишрат шов-шувлари Темурда қурол товушларининг ҳавасини қузғатди шекилли, у, пойтахтида фатх этган ерларни угиллари орасида тақсим этгандан сунг, яна уруш отига миниб, лашкарларини узоқроқ мамлакатларга олиб кетди. Жаҳонгир номига тулик лойиқ бўлиши учун унга жанубда Ҳиндистон, ғарбда Рум (Византия) етишмас эди. У Ҳиндистон деганда мусулмон Осиёнинг энг кўп бойлик тупланган мамлакатини, Рум деганда энг буюк шавкатни фахмлар эди. Бинобарин, Темур буларни уз футухотига қушиб олмасдан туролмасди. Унинг илк мақсади Ганг ва Ҳинд дарёлари орасидаги ерларни эгаллаш эди. Унинг набираси Пирмуҳаммад аввал Ҳирот йўли билан бориб Мултонни ишғол этди. Лашкар бу сафар Темурнинг уз қумондонлиги остида нақадар зўр ва даҳ-шатли равишда йўлга тушди. Ўзи Балх орқали Ҳиндистоннинг қорли чуққилари буйича кетди. Қиши вужудини тарқирата, жан

совуқлар ҳамда тоғликлар билан булган қизиқ туқнашувларнинг ҳеч бири Темурнинг юришига халақит бера олмади. У улкан қоялардан арқонга осилиб тушишга амр этди. Узи ҳам шундай тушди. Душманларига даҳшат солди. Темур Кобул воситасида Ҳиндистонга кириб борди. У юрган тоғ суқмоқларидан, орадан 40 йил ўтгач, Оврупа муазам давлатининг аскарлари мазкур қабилалар билан туқнашиб, қонли мағлубиятга учрадилар. Ҳижрий IX асрнинг арафасида Ҳинд дарёсини кечиб ўтдилар. Темур қулидаги кўшини Ситилиж соҳилларида ўғлининг чериги билан қушилиб, Деҳлига, Султон Маҳмуднинг пойтахтига сафар қилди. Асирларнинг бениҳоя куплиги сафарнинг суръатига монелик қилди. Шунинг учун у асирларни юз миңглаб қатл этишга буйруқ берди. Бу жуда ёмон буйруқ эди. Ҳар бир аскар ушбу буйруқни бажаришда ништирок этишга мажбур эди. Ниҳоятда юмшоқ булган аллома Насриддин ўзининг 15 Ҳинд қулларини қанчалик даҳшат ва нафрат остида қатл этиши лозим булганини тарихчилар нақл қилдилар. Темур илгари душманини урушга солиш учун ўзини заиф ҳолда курсатар эди. Бу савкулжейш (стратегия) ҳийласига бу ерда ҳам эришди. Ҳиндистонликлар унга тез ҳужум қилдилар ҳамда бутунлай мағлубиятга учрадилар. Ҳиндистоннинг бойлик ва саноат маркази ҳисобланган Деҳли шаҳри ўзининг хазиналари ва уста аҳлиси билан баробар турк фотиҳининг қулига тушди. Муқаддас шаҳар саналган Митранинг қисмати ҳам шундай булди. Даҳшатли қурқув бахтсиз ешнуйиларни умидсиз қилди, уларга нажот бермади. Уларнинг муқаддас санамлари хароб этилди, бутлари синдирилди. Темур Ганг дарёсининг бошланғичига бориб, ҳар ерда ўлим ва хароба қолдирди. У 801 (1399) йилнинг апрелида Самарқандга қайтди. У билан бирга кўп Ҳиндистон филлари, рессомлари ва бошқа асирлар келтирилдилар.

Темурнинг Ҳиндистонга сафари унинг салафи, муғул жаҳонгирининг ҳамда улардан кейин ўтган Нодиршоҳнинг Ҳинд юришлари каби жуда дабдабали ҳарбий қаҳрамонлик ва ўлжага эга бўлишдан иборат эди. Аммо Ҳинд ва Ганг соҳилларида темурийлар байроғини асосли урнатмоқ юз йилдан кейин доҳий Бобур мирзога насиб этди. Бунга қарамай, вақтинча булса-да, бу муваффақият Темурнинг обрусини янада юксалтирди. Унда кучли Рум подшолиги ила жанг қилиш ҳавасини қўзғатди. Гарчи унинг Фарбдаги аввалги муваффақиятлари таъсири ҳамон мавжуд эса-да, аммо истилочилик заминига қурилган подшоҳлик биноси кўп жойларда ниҳоятда заифлашган ва қакшаган эди. Бу жиҳатдан қараганда, унинг ўғли Мироншоҳнинг заиф идораси Озарбайжонда ҳақли воровиликлар ва исёнлар келтириб чиқарди. Қисқаси, Темур ўзининг пойтахтида қисқа вақт дам олиб, Фарбий Оснёга қарши янги сафарга ҳозирлик кўра бошлади. Темур гуноҳкор ўғлига шафкат қилиб, унинг дуст ва маслаҳатчиларини йўқотгач, Ҳирот ва Қазвин орқали Араксга азимат этди. Энг аввал Гуржистоннинг осий князи Малик Георгий билан ҳисоблашишни истади. Бу бечора Темурдан қочиб, юриб булмас тоғ қавакларидан ҳамда қалъалар-

дан паноҳ излади. Унинг аскарлари ҳар жойда қувғинга учради, унинг қалъалари ва пойтахти Тифлис забт этилди. Темур қисқа, лекин машаққатли сафардан кейин ўзининг лашкаргоҳини Қорабоғнинг гузал даласига қурди. Туркистон чулининг ҳарбийлари бу машаққатли сафардан кейин дам олиш имкониятига эришсалар-да, лекин уларнинг улуғ бошлиқлари ўзининг биродар ҳумоюни усмонли султониغا, Султон Боязидга уруш эълон қилиб қўйди. Бунинг сабаби қуйидагича. Аввало, шавкатли Румонинг вориси саналгувчи бу султоннинг ҳокимияти Темурнинг кўзида чўп бўлиб турар, сонинан, Боязид туркманларнинг Қорақуюнли хонадони билан иттифоқ эди. У бутун турк қабилаларининг мустақил ҳокими бўлгани учун салжуқийларнинг бутун амирларини итоат эттиришни лозим биларди. Шунинг учун Темурнинг унга нафрати чексиз эди. Ана шу тариқа Осиёнинг ғарбидаги ҳам шарқдаги турк ҳукмдорлари орасида даҳшатли ва ваҳшиёна уруш бошланди. Бунинг тафсилоти туғрисида мусулмон ҳам насроний тарихчилар бизни даҳшатга солурлик ҳикоялар қолдирганлар. Оқибат бу уруш ҳам турк жаҳонгирининг фойдасига ҳал бўлди.

Темур илгари миср султони Феруж билан ҳисоблашганини истеган эди. Чунки унинг отаси Темурнинг элчиси аллома Совани қатл этган. Шунинг учун Сованинг угли ҳам даҳшатли қасос олишни ният қилганди. Турклар тўсатдан Сурияга ҳужум қилиб, унинг маъмур шаҳарларини хароб этдилар. Суриядаги бу муваффақият турклар билан араблар ўртасида низо яратди. Ана шундан кейингина, 805 (1403) йилнинг баҳорида, Темур Боязидга қарши йўналди. Боязид куч ва қудратда Темурдан унча ҳам кам эмасди. Мана шу тенглик сабабли у ўзининг душманини йўқ қилишга тушди. Ўзаро ихтилофни битим билан ҳал қилишни ҳам хоҳламади. Лекин Темур ҳам урушни жуда илтимос қилдирадиган одам эмас эди. У Сивасдан Қорашаҳр орқали Анқарага юрди. Худди шу жойда икки лашкар ўртасида қонли жанг бўлди. Усмонлилар батамом енгилдилар. Султон Боязид ўзининг ҳарामी билан бирга ғолиб туркнинг қўлига асир тушди. Темур бу шавкатли ва муҳим ғалаба билан Кичик Осиё (Онатули)ни забт этди. Шу юришда Измирга етиб олди. Агар денгизнинг шўр сувлари тўққинлик қилмаса, у Оврупага ҳам бир зиёрат қилган бўлур эди. Унинг лашкари элларни талон-тарож қилиб, хароб этиб бўлгач, у 807 (1405) йилда Самарқандга тўққизинчи марта тантанали кириб келиш маросимини ўтказди.

Яна шикорлар, тўйлар, бениҳоя мажлислар бошланди. Бу шодиёна йиғилишда бутун Осиё мамлакатларининг элчилари билан бирга Европа ҳукмдорларидан, жумладан, энг насроний ҳисобланган испанлар давлатидан вакил ўлароқ Дон Рюи Гонзалес де Клавихо ҳам иштирок эди. У Испания қироли Генрих III тарафидан Темурга дўстлик билдиришга юборилганди. Темурнинг базмларда, сарой дабдабаси ичида унинг ҳаёт лаззатига берилганини кўрган киши, бу одамнинг толмас ҳарбий эканини жуда зукколик билан кашф эта оларди. Лекин унинг бу қисқа вақтли истироҳатлари,

ҳатто жуда қариган чоғидаги истилочилик режаларини уйлаш билан галаба тожларини йиғиш машғулотидан иборат эди. Турли элчиларга расмий қабул мажлисида ҳам Темур Хитой императорининг элчисига узининг кунгли булмаганини англатган эди. Бинобарин, бутун Осиёнинг ярмисини фатҳ этган шавкатли Қамбала (Хитой) ҳукмдорининг элчиси уни йиллик хирож тулаб туришга кундирмоқчи булганда, Темур газабига чидай олмаган эди. Масхараланган иззат нафси унга ҳеч бир тинчлик бермади. Уруш булиши аниқ эди. Моҳир ҳарбий қаттиқ қиш уртасида бениҳоя кўп, яхши қуролланган лашкар билан «Самовий чечаклар подшоҳлиги»га қарши сафарга чиқди. Самарқанд ортда қолди. 1405 (807) йил 4 январда, ёмон ҳаво сабабли, унга қаттиқ совуқ тегди. У бунга аҳамият бермай, буз Сирдарёни кечди. Февралда Утрор яқинида ўрдугоҳ қурди. Бу ерда унинг касали шу даражада авж олдики, сарой табиби Мавлоно Фазлуллоҳ беморининг ҳоли умидсиз эканини тухтовсиз эълон этди. Улим билан юзларча марта юзма-юз келган Темур ҳаётининг бу сунгги дақиқаларида узининг қаҳрамонлик вазифасига содиқ қолди. Уни ураб олган болалари, набиралари ҳамда қуролдош дўстлари дунёдан кўз юмаётган олий ҳукмдор учун аччиқ кўз ёши тўккан пайтда, у ҳаммасини узаро иттифоқ ва дўстона ҳаёт кечириншларини истаб, ўзига ворис этиб тайинланган Пирмуҳаммадга итоат этишларини васият қилди. Унинг ҳузурига набираси Мирзо Халил Султонни ва бошқаларни қақариш учун ижозат сўраганларида, у узининг ҳаёти жуда оз колганини айтиб, бунга салбий жавоб берди. Ўзининг суюкли ўгли Шоҳрух мирзони бир куриб колмаганига афсусланди. Шундай кейин тез ҳолдан тойди. Бир ишора билан мулло Ҳайбатуллонинг Куръондан бирор сура ўқишини илтимос қилди. 807 (1405 йил, 17 февраль) йил шаъбоннинг 7 куни кечқурун жон таслим этди. Унинг жасади Самарқандга олиб келинди. Бу ерда ўзи ихлос қўйган имоми Саид Барака учун қурдирган муҳташам бинодаги турбага дафн қилинди. Саид Барака Темурга унинг истиқболидаги шон-шавкатни гайбдан хабар берган эди. Энди буларнинг ҳар иккиси бир гумбаз остида мангу истироҳатда ётадилар.

Темур 72 ёшида (1333—1405) вафот этди. У умрининг ярим муддатида Мовароуннаҳрда мустақил ҳукмдорлик қилди, сунгра бутун мусулмон шарқиға хоким булди. Ягона шўҳрат, харбий даҳо ва қатъиятлилик хосиятлари билан у жуда ҳақли равишда македониялик Искандар, Цезарь, Чингиз ва ундан сунг утган Наполеон билан бир сафда турадилар.

...Темурнинг ҳаёти ҳамда ишлари хусусида тарих тартиби бўйича, китобнинг ҳажми кутарганича ҳикоя қилиб, кейинги бобда, заифгина булса-да, унинг саройини, пойтахтини тасвир этиб ута-миз. Чунки Темурнинг тузуми Мовароуннаҳр учун ҳеч шубҳасиз энг дабдабали давр бўлиб, турк халқи учун шундайин зиё бердики, баъзи кавмлар, эллар ҳозиргача ундан ҳарорат оладилар. Жайхун ва Сайхун дарёларининг нариги тарафидаги ерлар Темурнинг ўлими билан баробар узларининг бутун жаҳон учун аҳамиятларни-

ни йўқотдилар. Юз мингларча турк ҳарбчилари учун инсоннинг бешиги саналган Урта Осиёдан ғарбий Осиёгача қузилган Зака вояга етказган қаҳрамонларнинг энг охиргиси Темурдир. Унинг бахтли толеи билан алданиб, кейин истилочилик қилиши билан Жайхунни кечиб ўтганларнинг ҳеч бири башариятнинг бу жанг-вар ватанида унингдек уруш маъбудасини кутаришга муваффақ була олмадилар.

Дарвоқе, энди Эрон ва Осиёнинг жаҳонгир соҳибқиронлари учун аввалгидек қулайлик йўқ эди. Чунки Шайбоний ва Нодиршоҳ бу мамлакатнинг ғарбий чегараларини тор деб билдилар. Европанинг пуртанали ўрта асрлари энди тугади. Ундаги ёруғ замоннинг зиёлари, гарчи бошқача йўл билан булса-да, узоқ Шарққа келиб етдилар.

ТЕМУРНИНГ ШАХСИ, САРОЙИ ВА ТУРАР ЖОЙИ

Шаҳрисабзда нашъа этган шавкатли соҳибқироннинг мухлислари уни энг чиройли бир инсон сифатида тасвирлайдилар. Аммо душманлари уни нақадар чиркин, нақадар юзсиз, манфур ва қутсиз этиб таърифлайдилар. Узининг ватандошлари орасида ҳозиргача тилдан-тилга ўтиб келаётган ҳикояларга қараганда, Темур ўрта бўйли, оқбадан киши бўлиб, заҳматли умрини доимий жангу жадалларда ўтказганига қарамай, умрининг охирги дақиқаларига қадар баданининг қутини сақлай олган. Гарчи унинг бир оёғи оқсаса-да, уруш пайтида бу нуқсон унча сезилмас эди. Унинг янғроғ овози жанг бақириқ-чақириқлари ичида жуда узоққа эшитиларди. Фақат ёши 70 га етганда кузлари озроқ хира тортган. У Самарқандда Испания элчиларини қабул қилган вақтда, улар яқин келгачгина таниган эди. У даврда турк ирқи эрон унсурлари билан озгина аралашгани учун Темурнинг юзида соф мўғул сиймоси бор эди. Унинг таржимаи ҳолини ёзган бир тарихчи, ўз қаҳрамонининг расмини тавсия этганда, хийла алоқасизроқ эрон гузаллигини намуна қилиб олган. Турк соҳибқиронининг соқолини узун, ёноғини кизил, ўзини оқ танил этиб тасвирлаган. Шунинг учун Темурнинг фақат либосигина Эрон ёки Ғарбий Осиё унсурларини эслатади, холос. У замонларда Жайхун соҳилидаги ерларда ахлоқ ва одоб, муомала будда ва ислом маросимлари йнғиндиси асосида юридилар эди, маъруф турмуш тарзи ва қиёфат ҳам шундоғ эди. Биз Темурнинг туқнашувлар пайтида қимматбаҳо ипакдан кенг кийимлар кийганини кураимиз. Ҳозирги вақтда Урта Осиёликлар шундай кийинадилар. Бу кийимлар уша замонда мусулмон Осиёсида макруҳ саналар эди. У бош кийимда мўғул хитой қиёфатига таклид қилиб, Шарафилдинга (тарыхчи Ш. Али Яздий дейишмоқчи — С. А.) ярашган саллани урамади, балки узун, учли бошли кигиз бурк кийиб юрди. Бурк учига қузинчоқ ёқут қадалган, унинг ат-

рофи дурлар ва ноёб жавоҳир билан безатилган эди. Унинг катта ва қимматбаҳо зирак тақши одати — мугулларга хос эди. У умуман зоҳирий зийнатларга ва очиқ киборликларга илтифотли бўлган. У ўзининг узоқ давом этган соҳибқиронлик ҳаётида жуда кўп йўқотишларга, ночорликларга чидаган ва доимо спарталиклар каби соддалигига содиқ қолган. Унинг табиий сифатларидаги буюк қирралар шундан иборат.

У ёшлигида отасининг ва руҳоний имомларнинг талқинлари таъсири билан ҳаётга ислом ва тасаввуф назаридан қараган эди. Унинг қатъий жанговар руҳи ва чегара билмас ягона раёсати ҳамisha бу сифатлари билан ботиний курашда эди. Сунгги сифатлар унда голиб бўлса керакки, ўзи шундай дейди: «Ҳокимиятни қўлда қилич билангина ушлаб туриш мумкин». У аскарига Исфаҳонни талон-тарож қилишга руҳсат берганда, уламолар маҳалласига шафқат қилишни амр этган; Ҳирот ва Ҳалаб уламолари билан эса, диний мунозаралар қурган. Ўзига ухшаб фикр қилмайдиган (яъни узгача фикрлайдиган) кишиларга шоҳона ҳадялар берган. Маълумки, Темур аллома Шарафиддин Ҳалабий билан ннҳоятда кескин мунозара қилган. Сунгра уни ҳимоясига олиб, ўзи ва муридларига қимматли ҳадялар беришни буюрган. Уларнинг сони 2000 га яқин бўлган. У либос ва ҳадялар билан аллома Шамсиддин қозини, Жазирийни ва машҳур Шайх Бухорийни ўз тарафига жалб этишга интиланган. Қолбуки, булар унинг душмани саройида қўлга олинганлар эди. Улар Темурга очиқ душман эдилар. У қайси мамлакатни эгалласа, унинг ноёб ўлжаси — шу улканинг рассомлари, моҳир усталари ҳисобланган. У Бурса кутубхонасидаги китобларни юк ташийдиган ҳайвонларга ортиб, Самарқандга кўчиртирган. Энди шу кишини ваҳший, марҳаматсиз деб аташ мумкинми? Бинобарин, Темурни Чингиз ила бир сафга қўйиб, уни ваҳший, золим, қароқчи деб атаган кишиларнинг фикрлари икки мартаба хатодир. У аввало Оснё саркардаси эди. Ўзининг голиб аскарлари ва қуролларидан ўз замонасининг таомилича фойдаланган. Унинг фаолияти, хусусан, душманлари тарафидан гуноҳ ҳисобланган ишлари ва урушлари, теравроқ қаралса, доимо бирор жиноятга жазо тарзида рўй берган. Тўғри, жазо қаттиқ, лекин адолатли бўлган. Исфаҳон ва Шерозда у хиёнат туфайли қатл қилинган аскарлари учун қасос олган.

...Турк ва араб қавмидан бўлган барча жаҳонгирлар ва фотиҳлар каби Темурда ҳам она Ватанига жуда хос даражада тарафкашлик бор. Шунинг учун ғарбий ислом дунёсининг сиёсий марказини, шу билан бирга эндиликда ожиз бўлиб қолган ислом маданияти асосини Туркистон чулларининг юмшоқ тупроқларига кўчиришни ният қилган эди. Бунга таассуф билан қараш мумкин. Лекин уни жиноят деб ҳисобламаслик керак.

Темурнинг шу маслағи унинг азиз ватани Ўрта Оснё учун внҳоятда муҳим ва узоқ давом этган самара берганини гапириб утиришга эҳтиёж йўқдир. Қамбала, Ғазна, Бухоро саройларида ва бошқа сулолаларнинг пойтахтларида ҳеч қачон Самарқанд са-

ройидагидек давлат ва бойлик тупланмади. Бу ердаги давлат ва шавкат исроф этилмади. Темурнинг бойлиги ва туйлари тугрисида Шарафиддиннинг ҳикоя қилганлари олдида татар императори (яъни Чингиз — С. А.) саройининг куз қамаштирадиган гузал лавҳалари ҳечдир. Христиан элчиси дон Рюи Гонсалес де Клавихо у лавҳаларни гузал тасвирламишдир. У куп нарсаларни курган, у ҳамма нарсани курган, чунки Темурнинг ҳурматида булган, унинг бундай юксак илтифот курсатганини Темурнинг расмий қабул пайтида сўзлаган қуйидаги сўзи ҳам тасдиқлайди. Темур уз вазирларига хитобан ифтихор билан шундай деган: «Қаранглар, мана, ўғлим — Испания қиролининг менга юборган элчиларини куригиз! У, Испания қироли, дунёнинг энг четида туради ва бутун фаранг подшоҳларининг энг буюгидир. Улар, фаранглар, ҳақиқатан улуг халқлардир. Уғлим, мен ҳам Испания подшоҳига узимнинг эҳтиромимни курсатмак истайман».

Биз Самарқанд саройини таъриф этганда, узимизга ҳужжат қилиб олижаноб Испания бекзодасини танладик ва унинг хотираларига суяниб, сарой одатлари, маросимлари ва нафис асарлари хусусида суз юритамиз.

Темур уз салтанат тахтини қанчалик инқироз ва харобаликка учраган хонадонлар ҳамда мамлакатлар заминига қурган булса, уларнинг барчасидаги урф-одатлар ва маросимларни уз саройида туплади ва тараққий эттирди. Сарой аъёнларининг ипак, духоба ва атлас кийимлари араб ёки мусулмон расм-русумида тикилган эди. Саройдаги аёлларнинг либоси, хусусан бурк, шокила қадимги Эрон ва Хоразм урфига хос эди. Сарой хонимлари олтин уқа билан безатилган узун қизил кийим (қабо — С. А.) кияр эдилар. У кийимнинг ёқаси буйинини қисиб турадиган, ўзи енгсиз булган, орқа этаги жуда узунлиги учун уни махсус жориялар кутариб юришган. Уларнинг сони баъзан ун беш кишига етарди. Юзга ҳижоб тутганлар. Сафарда чанг-тузондан ва ҳавонинг таъсиридан сақланиш учун юзларига оқ қўроғшин тусидаги упа қўйилган. Қизил мовутдан дубулғага ухшаш учли қалпоқ кийишган. Қалпоқ усти қизил ёқут, забаржад, дурлар билан безатилган, атрофида тишли қош булиб, ундан гуё оқ парлар «тукилиб» турган. Бу патларнинг баъзилари то кузларигача тушиб юрган вақтдаги ҳаракати билан юзга узгача гузаллик берур эди. Темур саройидан четдаги купгина аёллар ҳам Кичик Осиёнинг жуда қимматли жавоҳири-ю, Исфажон, Мултон, Ганжа, Дамашқ, Бурса, Венеция заргарларининг нафис асарлари билан ўзларига оро берганларидек, эркаклар ҳам ноёб тошлар билан безатилган куруллар ва камарларини курсатиб, кузни қамаштирар эдилар. Эртақлардагидек куп бойлик — кумуш ва олтин совут ҳам салтанат ерларида тез-тез кузга ташланиб турар эди. Клавихо ҳодир ичида курган катта бир олтин сандиқни қуйидагича тасвирлайди. Унинг ялпоқ қопқоғи яшил ва кук миноэмалдан ишланган кичик куббалар, нақадар ноёб жавоҳир ва инжулар билан зийнатланган. Бу сандиқнинг қопқоғи эшикка ухшаш, ичида бир неча катор қадаҳлар терилган, дурлар ва

жуда қимматли тошлар билан безатилган, олти дона олтин ёмби ҳам бор эди. Бу сандиқнинг ёнида баландлиги бир метрча келадиган олтин хонтахта бор, унинг атрофи жавоҳир билан безатилган, устида эса икки метр узунликда бир забаржад бўлиб, у бутун хонтахтани эгаллаган эди. Унинг рупарасида эман шаклида ясалган бир олтин дарахт; унинг йўғонлиги инсон оёғи йўғонлигида, атрофга ёйилган шохлари яшил билан қопланган. Бу дарахт мевалари урнида жуда кўп қизил ёқут, забаржад, феруза, сафир ва ажойиб, йирик дурлар шохларга осилган, япроқлари турли рангдаги мино билан ишланган, бутуқларида олтин қушлар бор. Шаҳзодаларга берилган ҳар бир нарса катта кумуш товоқларда тақдим этиларди. Хоконнинг оила аъзолари олтин косалардан фойдаланар эдилар. Шароб мажлисларида кўп вақт мингларча кишилар иштирок этар, шароб донмо олтин лаганларга қўйилган тилла қадахларда берилар эди. Темур саройининг фавқуллода дабдабаси ва давлати туғрисида шулар бир тасаввур беради, деб ўйлаймиз.

Бизнинг ровийимиз (Клавихо — С. А.) Темур саройи улуғворлигини авжи камолга етган даврида зиёрат қилиб, Самарқанд атрофидаги Конигул чулида, чодиргоҳда тўй пайтларида курган ажойиботнинг ҳаммасини тасвирлашдан ожиздир. Турклар ҳар доим енгил чодирларда умр кечирганлар, бинобарин, уларнинг бойликлари, номдорликлари, безаклари бу кучма юртларда кўзга яққолроқ кўринади. Темур бутун ер юзидаги туркларнинг энг буюғи, энг шавкатлиси булгани учун ҳам бу чодирларда ҳозиргача кўринмаган шавкат ва шашаларини намоён этиши табиийдир. Темур иқоматгоҳининг ҳақиқий зийнат ва ҳашаматини, шаҳарнинг шимолий шарқ тарафида бир милча чўзилган Зарафшон ва ҳисобсиз ариқлар билан суғориладиган чўлда утказилган тўй манзарасини тасвирлаш учун киши ўз кўзи билан кўриши зарур. Бундай чодиргоҳ (хиргоҳ) ун-ун беш мингдан иборат бўлиб, уларда сарой аҳли, вазиру вазаролардан ташқари аҳолининг турли табақалари ҳам жойлаша олулар. Бу ерда шаҳарлик барча ҳунармандларнинг бутун намояндалари ҳозир бўлиб, энг молдор дуконлар очилар, ҳунармандлар ўзларининг устахоналарини қуришар, ҳаттоки, ҳаммомларга ўхшатмалар ясалар эди. Аввало подшоҳ саройи учун чодир қурилган. Чодиргоҳ очиқ, соябон шаклида ясалган; сарой чодирлари одатда марказда ўрнатилган. Кейин бошқа чодирлар тикланган. Ҳар бир оила қаторини, ҳар бир вазир, ҳар бир туманғози ўзининг расмий унвонига тегишли чодирнинг ўрнини ҳамда қаерда туришини билган, ҳеч қандай ноаниқликка йўл қўйилмаган. Гузал Конигул чули кеска бир муддатда ўзининг чодирлари тенасидаги байроқчаларни бепоён толазорга ўхшаб, эл-улуси билан яшнаб турган ажойиб, катта гул боғчасига айланган эди. Чодирларнинг аксарияти доира сифат кигиздан иборат эди. У тарафда ҳозир ҳам шундай чодирлардан фойдаланадилар. Шу орада баъзи узига хос булган арабий, иброҳимий чодирлар, эроний аъло саронардалар (хижоби саройи) ҳам бор эди. Кас-

тилиялик олижаноб меҳмон шуларнинг биттасини кўриб ҳайрон қолган эди. Тўртбурчак шаклидаги бу чодирнинг эни юз қадам, баландлиги уч найза эди. Кўшк шаклидаги ўрта қисми кўк рангли ва одам танаси йўғонлигидаги ун икки дона олтин устунда туради. Чодир тепасида ярим карра шаклида ром бўлиб, устунларга тортилган ҳарир шоллар шамолда ҳилпираб, қабариб, ярим қавсини ташкил этарди. Бунга шуни илова қилиш керакки, кўшкнинг ҳар тарафида катта эшик бўлиб, унинг ҳар бири махсус кесакига беш юздан зиёд ҳарир иплар билан маҳкам боғланган эди. Кўшкнинг ташқари томониغا қора, сариқ, оқ ранг берилган; у зардузи чўғдек қизил гилам ва турли рангдаги ипак гуллар билан безатилган эди. Ён тарафларидаги ярим қабоқнинг уртасида, тўрт бурчагида қора қушлар қанотларини очиб учмоқда. Тўрт бурчакдаги устунлар доира ва янги ой расмлари билан безатилган. Бешинчи — марказий устунга жуда катта ҳажмдаги шундай безаклар ишланган. Узоқдан саройга ўхшайдиган бу кўшк миноралар билан безатилиб, баланд деворлар билан ихота қилинганди. Подшоҳ хотин-қизлари учун ҳам алоҳида аъло чодирлар тикланган эди. Улар сариқ рангда, олтин нақшлар ипак билан тикилган, ташқи томонига эса уқалар тутилган. Ҳаммасининг эшиги катта-катта, уларнинг барчасига от миниб кириш мумкин. Уларнинг ҳаммаси деразали. Чодирнинг ҳавосини янгилаш учун бу деразалар ташқарига очилганда, ипак тизимча билан тортиб қўйиларди; унинг ҳарир пардалари қуёш нурини тусиб туради. Тўғри, энг аъло нарсалар, бу замондаги каби қутилардаги холлар ва эшиклардаги безаклар эди. Буларнинг аввалгилари ниҳоятда маҳорат билан ишланган кумуш ва олтин нақшлар билан зийнатланган, Темурнинг Бурсадан келтирилган бир дарвозасида ховарийлардан (апостоллардан) Пётр ва Полнинг расми бор эди. Кейингилари эса ноёб тошлар билан безатилган, оғир, олтин ва кумуш симлардан иборат эди.

Ўқувчига «Минг бир кеча» ҳикояларини эслатадиган бу чодирларда шоҳона меҳмондорчилик ва шаробхурлик буларди. Бизда турк таомларининг муфассал рўйхати йўқ. Лекин бунга тааллуқли айрим ривоятларга қараганда, энг сеvimли таомлар — қўй гушtidан қовурма, от гушти, ҳозиргидек тайёрланадиган палов, ҳамир овқатлар, фаво (меvали торт) ва чучук лочира эди. Энг лаззатли овқат — отнинг туғралган сон гушти ҳисобланарди. Уни олтин ва кумуш лаганда узатишарди. Аммо уста туғровчилар томонидан туғралган қовурмалар чарм дастурхонларга қўйилар эди. Подшоҳ биринчи луқмани тановул қилгач, атрофдагиларга рухсат берилар эди. Туғралган гушtidан иборат ош наҳорга берилар, ёз мавсумида, одатда, овқат билан бирга қовун ва узум тортилар эди. Кейин шароб бериларди, уша вақтдаги Ўрта Осиё таомилига кура, шаробхурлик подшоҳнинг бевосита раҳбарлигида давом этарди. Унинг рухсатсиз ҳеч ким, уй аъзолари, ҳатто меҳмон ҳам шароб ичишга журъат қила олмас эди. Шароб, чоғир, буза, шакарли қаймоқ ва қимиз уларнинг сеvimли ичкиликлари эди. Шароб ҳаммасидан олдин тортилар эди. Базмининг бошланишида соқийлар шароб уза-

тарди. Улар чуқ тушиб, бир қулларидаги лаганчада қадаҳ тақдим этадилар, иккинчи қулларида ипак сочиқ тутиб, меҳмоннинг либосини шароб тукилишидан сақлайдилар.

Таомил буйича, қадаҳлар бир неча давра тугилгач, таклиф тўхтатилади, катта қадаҳлар қўлга олинади, уларни Темурнинг соғлигига кутарадиган одам сунгги томчисини қолдирмай ичмоғи лозим. Осиёда, у замонларда, хозиргидек шароб ичишдан мақсад кайф қилиш эди. Фақат Темурнинг тенгдошлари ва ёки замондошлари овқат ейиш ва шароб ичишда ажойиб бир маҳоратга эришган эдилар. Қимлигидан қатъи назар, маст бўлиб ерга йиқилса, ёки қизиқ қилиқлар қила бошласа, уни масхаралашарди, «таниқли» маст кишилар эса, кенг майдонда бўлгани сингари, ботир номини олар эдилар. Туркларнинг ҳиссиётига фақат катта нарсалар таъсир этгани туфайли, дастурхонга жуда кўп бутун қовурма отлар ва ниҳоятда катта чоғир чирпитлари қўйилгандан кейингина базм мажлиси энг аъло саналар эди. Клавихонинг ривоятича, уч челақ чоғир сиғадиган бу катта чирпитларнинг жуда кўпи Темур чодирининг олдида тизилиб турарди. Бошқа чодирларнинг турли жойларида шароб ёки шакарли сут билан лиқ тўлган чирпитларни куриш мумкин эди, муайян соатлардагина уларни ичиш учун кишилар таклиф этиларди.

Маълумки, бу ерда қизиқчилар, муқаллидлар, кузбойлоғичлар, дорбозлар деярли кам эди. Буларнинг кўпчилиги Ҳиндистондан, Қашмирдан келар эдилар. Мазкур туйларда хонимлар ҳижобсиз иштирок этардилар, маликалар изн ом (оммага рухсат этилган) базмлари ясар, унда эркаклар, ҳаттоки насроний элчи ҳам қатнашар эди. Ислом ва Ўрта Осиё турмуши билан таниш кишиларга бу ғайритабиий туюлади. Испания элчиларининг ривоятларига кўра, биз Мироншоҳнинг хотини катта меҳмонлар йиғилишида берган бир умумий зиёфатни биламиз. У қирқ ёшлик семиз бир хонзода эди. Турк гузаллари ушбу мажлисда шароб таъсири билан хушчақчақ сўзлашдилар. Бу зиёфатда ёш йигитлар ва катта баҳодирлар соқий бўлиб хизмат қилдилар. Бошқа бир пайтда подшоҳ ойим, яъни Темурнинг катта хотини мовут деворлар билан ўралган, олтин нақшлар ва ёзувлар билан зийнатланган олий чодирда катта туй қилди. Хотинларга шароб тақдим этиш янада назокатлироқ эди. Бирин олтин кўза, бошқаси олтин қадаҳ ҳам олтин даста тутарди. Улар уч марта тиз чуқкандан кейин хотинларга яқин келарлар; соқийбоши маликаларга тегмаслик учун қулларига рўмол ўрар эди. Лекин бу жузъий тақаллуфот Темур саройидаги латиф жинснинг базм мажлисидан маст ўлароқ ҳолатига монне бўлмас эди. Негаки, Эроннинг назокатли хонимлари ҳозирги замонда ҳам шундай қиладилар.

Темур ҳар бир муваффақиятни (триумфни), ҳар бир севинчли воқеани бир меъморлик асарини бунёд этиш билан нишонлашга аҳд қилди. Шу мақсадда Ҳиндистоннинг юзларча моҳир ёшигача терувчиларини, Шероз, Исфаҳон ва Дамашқнинг машҳур усталарини Мовароуннаҳрга келтирди, улар гузал иморатлар қурдилар. Му-

сулмон Осиёси икки юз йил мобайнида турк қушинларига лашкар-гоҳ булганига, бу қитъада — Темур салтанатида асарлари билан бизни ҳайратга солган рассомлар, меъморлар ва бошқа санъат аҳли доимо ижод қилганига мазкур иморатлар шоҳиддир. Нақадар ваҳший этиб тасвирланган жаҳонгирнинг дилида гузаллик ва юксакликка муҳаббат шу қадар кучли эдики, бунга унинг даврида яратилган санъат ва меъморий асарлари далилдир. Темур гарчи уз мамлакатининг бошқа шаҳарларида бинолар қуришга амр этса-да, масалан Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, ҳазрат Туркистонда машҳур шайх Аҳмад Яссавий қabri устида мақбара бино қилдирса-да, лекин узининг буюк саховат ва ҳимматини Кеш ва Самарқандда олий асарларни қурдиришда курсатди. Узининг она-Ватани ва узининг мангу истироҳатгоҳи булишга тайин қилинган биринчи шаҳарда, отасининг қabri устида олий мақбара бино қилди. Тунғич угли Жаҳонгирга мақбара билан бирга масжид қурди. Ушбу масжиднинг кенг ҳовлисида муллалар фаровон яшаб, марҳумларнинг руҳини шод қилиш учун кеча-кундуз Қуръон тиловати ила машғул эдилар. Темур ғалабалари ва бахтининг илк даврида Кеш шаҳрига катта аҳамият бериб, уни Урта Осиёнинг маънавий марказига айлантирган эди. Шу боис бу шаҳар «Куббатул илм вал адаб» унвонига эга булган эди. Хоразмдаги машҳур мадрасаларнинг мударрислари, Бухоро ва Фарғона уламолари унинг деворлари ортида ҳижратда яшар эди. Темур узининг пойтахтини ҳам шу ерда қуришни ният қилиб, гузал Оқсаройни бино эттирган эди. Ун икки йилдан ортиқроқ вақтда бино қилинган бу сарой Эрон меъморларининг холис ишидир, улар бунда узларининг миллий услуб меъморлигига, аниқроғи, ғарбий ислом услубига содиқ қолиб, иморат пештоқига донра ва қуёш аломатини тасвирлаганлар. Шунинг билан Турон фотиҳининг иқоматгоҳи Эрон шоҳларининг аломат белгилари билан безатилган эди. (Темурнинг аломат белгиси ушбу тарзда °° қуйилган уч ҳалқадан иборат эди. Шиори. «Рустӣ — рости». Бу ибора «Куч — адолатда» маъносини билдиради. Бу аломат унинг уч иқлимда, яъни Шимол, Жануб ва Ғарбда ҳокимлигига ишора. Бу саройнинг (уша замондаги бошқа иморатларнинг ҳам) энг куркам ва олий мақомини унинг пештоқи ташкил этади. Пештоқ бутун иморатнинг юқори қисмини эгаллаган, катта, шакли ярим ойга ухшайди. Хитой қoшинлари, арабий нақшлар, гуллар ва уймакорлик билан безатилган. Бу қoшинлар Қoшон шаҳрида ясалгани сабабли — қоши деб аталади ва ҳозирги кунда ҳам шундай аталади. Деворнинг ташқи томони кук ва олтин рангдаги арабий нақшли қoшинлар билан зийнатланган, уларнинг замини олий қoшинлардан иборат. Бу бино ҳайратга соладиган гузал булиши керак.

Марви замон билан Самарқанд Кешга тенг келарди. Дарвоқе, Самарқанд Темурнинг пойтахти булди, узининг кенглиги, аҳамияти ва гузаллиги билан улуғ шаҳарлар даражасига кўтарилди. Испания элчиларининг ривоятича, Самарқанд Ишблия (Севилья) дан кенгроқ эди. Лекин бунда арк билан қалъа, яъни шаҳарнинг

ички қисмигина эътиборга олинган. Аммо шаҳарнинг энг гузал ва ҳашамдор қисми ташқарида бўлиб, бир ярим, икки милга чузилган боғлар, улардаги сайргоҳлар ва хоқон уйин-кулги қиладиган жойлар (ишратхона) ҳисобга олинмаган. Шарқ томонда «Дилкушо» саройи бор, шаҳарга қараган эшигига «Дарвозан фируза» деб хал билан жуда чиройли ёзилган. Бу саройнинг кенг, катта, осмон ва юлдузли кошлар билан безатилган пештоқи узоқдан ялтираб турар эди. Саройнинг ташқи ҳовлисида хоқон саройлари бор; бунда қуролланган аскарлар турадилар, ички ҳовлида эса, туглар билан безатилган олтига фил сафи зиёратчиларни ҳайратга соларди; фақат энг ички — учинчи ҳовлидагина Темур олтин накшли тахтда утириб, зиёратчиларни қабул қилар эди. Бу ҳовлиларнинг ташқарисиди ҳозирги Эронда бўлгани каби олма ва чинор дарахтлари билан иҳота қилинган ҳовузлар бор, уларнинг суви, шодравони — фавворасида қизил ва сариқ олмалар уйнаб туради.

Жануб томонда «Боғи биҳишт» саройи бор, у гузал меъморий услубдаги қувончи оширадиган боғи билан машҳурдир. Шарифиддиннинг ривоятча, бу сарой хандақ билан иҳота қилинган сунъий тепа устига Табризнинг соф оқ мрамарида бино этилган, бир печа кўприклар шу боққа уланган, бир тарафида ҳайвонот боғчаси ҳам бор. Темур бу саройни ўзининг ворисларидан бири — Мироншоҳнинг қизига ҳадя қилган эди. У бу неварасини жуда ҳам севгани учун бутун буш вақтларида унинг хилватхонасида (эрми-тажида) буларди. «Боғи чинорон» ҳам шаҳарнинг шу қисмида эди, гузал йуллари, йулларни безаган кўркам чинорлари бор эди. Бу ерда, боғ ичида, сунъий тепада салб шаклидаги қаср қад кўтарган. Унинг ташқариси Шом наққошининг моҳирона ижоди билан, ичкариси гузал сурат ва лавҳалар билан зийнатланган, қимматбаҳо буюмлар билан лиқ тула эди. Масалан, оғир кумуш қуббалар, тахтлар ва бошқа майшвий қимматбаҳо ашёлар эртақлардаги ажойиботни эслатарди.

Яна «Боғи шамол» билан «Боғи нав» саройлари тилга олинади. Бу сарой тўғри туртбурчак шаклида бўлиб, ҳар томони бир ярим минг қадам. Унинг мрамар гуллари ажойиб, ҳайратли эди. Замини қайрағоч ва фил тишидан ишланган кошипли эди.

Самарқанднинг шавкатли давридан қолган асарларни ҳозирги заиф ҳоли билан қиёс қилинса, бугунги муҳташам биноларнинг тавсиялари муболағали туюлмайдди. Султон Худобанда тарафидан Султонияда юз йил илгари қурилган масжиднинг гузаллиги Темур тарафидан бино этилган ҳозирги Самарқанднинг харобалари устида қад кўтарган «Масжиди шоҳ»нинг гузал маҳобати билан тенглашолмас. Бобурнинг тавсиёга кура, унинг пештоқига Куръон оятлари шунчалик йирик ҳарфлар билан битилганки, уни бир аял, ҳатто икки мил масофадан ўқиш мумкин эди.

Меъморчиликнинг шундай услубида кейинроқ қурилган бинолар, масалан, Исфаҳондаги Маёдоншоҳдаги Масжиди кабир, Кум ва Машҳаддаги турбалар Темур ҳиммати билан бундай қиладиган иморатга инсбатан такрорийдир. Кейингилар замонада, чини

Шоҳруҳ ва Мирзо Ҳусайн Бойқаро даврида Урта Осиёда иморат солиш ҳаваси ҳануз кучли эди. Ҳиротдаги Мусалло майдонининг харобаларида ва Машҳаддаги малика Гавҳаршод бегимнинг гузал масжидларида бунинг нишонлари кўзга ташланади. Бу ҳаваснинг энг олий мақомга кутарилиши фақат Темур замонида — «ваҳший, вар-вар» аталган Темур даврида бўлгандир.

Саноат ҳақида қуйидагича гапириш мумкин. Темурнинг амри билан Дамашқнинг энг моҳир туқувчилари, Ҳалабнинг машҳур пахта йигирувчи корхоналари, Анқаранинг мовут корхоналари, Туркия ҳамда Гуржистоннинг заргарлари, хуллас, саноатда қанча моҳир ишчилар бор бўлса, ҳаммаси Самарқандга кўчдилар. Чунончи, Самарқандда барча дин ва миллат кишилари жам эдилар. Қлавиҳо бу ерда яшовчи аҳолини санаб, 130.000 дегани хато бўлмаса керак. Ушбу аҳволга кўра, Самарқанднинг бутун Осиё савдосида мол омбори урнини олганини фаҳмлаш жуда осон деб уйлайман. Хусусан, бунда ички савдо яхши тараққий этиб, катта аҳамиятга молик эди ва ниҳоятда улуғ миқдорга эришган эди. Бу ерга Ҳиндистондан жуда кўп атторлик ва бўёқ тижорати карвонлари келиб турарди. Хитой бу ерга ипак газламалар, чинни косалар, қадаҳлар, мушк, кимматбаҳо ақиқ тошлар юборарди. Мамлакатнинг шимол тарафидан ноёб пустинлар келар эди. Ушбу турли иқлимларнинг моллари Самарқанд бозорларида той-той бойланиб, Осиёнинг энг катта шаҳарларига ва буюк йул орқали ғарбий Европага жунатилар эди. Савдогарлар бир йул билан Хоразм, Астробод, Нижний Новгород, Москва йули билан Генза кўлига борар эди. Иккинчи Ҳирот — Қазвин — Табриз — Трабзун йули билан генуяликларнинг, венецияликларнинг, пизаликларнинг савдо кемаларига тушиб, Европага старди. Ниҳоятда қўрқинчли, серуруш замонлар булишига қарамай, Темур хокимиятининг сояси тушган ерларнинг барчасида савдо жуда жонли ва сира хавфсиз эди. Биз қайта-қайта зикр этган Испания элчилари бунга энг нишончли шохиддирлар. Бу элчилар ҳайъати Трабзундан йулга тушиб, баъзи душман вилоятлари орқали Самарқандга борган. Атрофида деярли соқчилари йуқ ҳолда, ғарбнинг ноёб ашёси юкланган кажавали карвонни улар манзилга безарар етказишган. Бу воқеа Анқарадаги қатъий туқнашувдан кейин ва Ғарбий Осиёда бошбошдоқлик ҳукм сурган вақтда содир булган эди.

Темурнинг зуҳури билан Урта Осиё маънавий тараққиёти қандай кочгани ҳақида биз аввалги бобда айтиб ўтган эдик. Чунки бу тараққиёт Темурнинг авлод ва аждодларининг, яъни темурзодаларнинг хизматларига мансубдир. Урта Осиёда асл турклик даври Темурдан бошланади. Чунки хоразмшоҳлар ва салжуқийлар, ғарчи маншат тарзи жиҳатдан турк булсалар-да, улар ғарбий ислом, эрон маданиятига муҳлис эдилар, турк миллатининг ривожини учун жуда кам иш қилардилар. Нестонки, ҳозирги Эрондаги турк — қонлар жонадонини ҳам шундайдир. Темур уз туркларининг муғул-хитой аҳолисининг устидан галабасини мужассам этди. У доимо ва ҳар вақтдаги туркларга биринчилекни таъминлашга жаҳд этди. Гар-

чи унинг саройи ажнабий уламолар ва ҳунармандлар билан тула эса-да, мамлакатнинг расмий тили ҳар вақт туркча бўлди. Ҳатто мугул, уйғур ёзуви — насронийлик, буддийлик, мажусийлик даври ўлароқ — мутаассиб мусулмонлар тарафидан жуда ёмон кўрингани ҳолда, муҳофаза этилди. Темурнинг ўзи тиниқ ва очиқ турк шеvasида ёзар эди. Бу ерда зикр қилинган «Тузуқот» фикримизни исбот этадир. Шундоғ бўлса-да, у ўз замонидаги расмий муҳаррирлар ва шоирлар билан учрашганда, уларнинг қатъий ва таклиф сўзларига қулоқ соларди. Осненинг ярмини титратиб турган, тахти остида қанча шоҳлик хонадонларини яксон қилган бу одам ўзининг сиёсий аҳдларини қўйидагича, жуда содда иборалар билан бошлар эди: «Мен, тангрининг қули Темур, шуни айтаманки...» Кейинги хонларнинг ёхуд гадоё Бухоро подшоҳларининг такаллуфли лақаблари билан бунинг орасида шу қадар фарқ каттаки...

Дарвоқе, Темур улкасининг шарқий қисмида, донмий уруш ва фитналарга қарамай, жаҳонгирнинг тириклигида тараққиёт, диний илмлар ва дунёвий фанлар барқарор эди. Тарих бизга ҳикоя қиладики, Имом Зайнулобидин сулоласидан бир узвий, яъни Шайх Саидали Ҳамадоний жаҳонни уч мартаба айланиб, тўғри йўл курсатиб, ваъз айтиб юрган. 786 (1384) йилда Амударёнинг бу тарафида, Хутталонда вафот этган. Ахлоқ ва тасаввуфга доир кўп асар ёзиб қолдирган. Нақшбандия тариқатининг асосчиси Шайх Ҳужа Баҳовуддин Темур замонда яшаб, 791 (1389) йилда вафот этган. У ўша замонда Бухорода жуда ҳурматли киши бўлиб, Бухоронинг миллий авлиёларидан ҳисобланади. Унинг шаҳардан чорак соатлик масофадаги турбасини уч марта бориб зиёрат қилишлик узокдаги Каъбага ҳаж қилиш билан баробар саналади. Дунёвий илмлар ичида тилга олишга лойиғи ушбулардир. Шоир Лутфулло Нишопурий — сарой шоири, шаҳзода Мироншоҳнинг маддоҳи эди. Ҳавас қиладиган мансабда эмасди. Чунки бу шаҳзода шаробхўр, бетамиз, фосиқ экаилиги маълумдир. Лутфулло ўз мансабининг вазифаси туфайли дурдона манзумаси билан бу ҳайвони мақташга мажбур бўлди. Шундоқ эса-да, унинг шеърлари донмо тақдирланар эди. Темур ҳам уни жуда олий даражада мукофотлади. У 786 (1384) йилда вафот этди.

Шайх Камолиддин Ҳужандий қасидалар ёзиш билан машхур эди. Унинг адаши Камолиддин Исфаҳоний эса ўзининг ғазаллари билан шухрат қозонди. Унинг ватанини Тўхтамишхон забт этгандан кейин, ғолибнинг фармони туфайли бу шоир Идил соҳилидаги пойтахтга кўчишга мажбур бўлган эди. Илгари бу ер унга жуда маъқул келган эди. Лекин орадан тўрт йил ўтгач, у Табризга жўнади. Султон Ҳусайн Элхоний уни даъват этган эди. Бу ерда, унинг учун бино қилинган катта хонақоҳда яшаб, 792 (1390) йили оламдан ўтди. Шундан бир йил ўтгач, Самарқандда аллома Тафтазоний вафот этди. У 722 (1322) йилда Ироқда туғилиб, 16 ёшида шарҳ ёзган. У Ҳирот, Жом, Сарахс, Самарқанд, Ғиждувон, Туркистон ва Хоразмда яшади. У калом, фикҳ (қонуншунослик), наҳв

(морфология) ва тафсир илмида шухрат топгандир. Унинг китоб ва рисоаларининг сони умр санасидан кўпроқдир.

Шоир Аҳмад Қирмоний Темур тарихини — «Темурнома»ни ёзган, улугвор соҳибқирон билан жуда яқин муносабатда эди, баъзан ҳаттоки унга қарши айрим ҳажвияларни ёзишга ҳам журъат этар эди. (Бир марта Темур Қирмоний ва замонасининг бошқа адаблари билан бирга ҳаммомда эканлар, сўз одамларнинг шахсий хосиятлари ҳақида кечган. Аммо Темур шоирга савол бериб: «Агарда мени сотсалар, қанча баҳо қўяр эдинг?» деб сураган. Шоир Қирмоний жавоб бериб: «Йигирма беш динор», деган. Темур эътироз билдириб, «Менинг белимдаги камарнинг ўзи йигирма беш динор туради», деган. Қирмоний: «Мен шу камарни ҳисоблаяпман. Чунки сенинг ўзинг бир пул ҳам турмайсан», деб жавоб берган экан). Ҳозирги Осиёнинг бир неча ярим нодон подшоҳлари, бу журъат учун шоирни қатл этган бўлур эдилар! Темурнинг ҳимоя ва мурувватидан фойдаланган ажнабий уламо ва шоирларининг сони ҳам аҳамиятсиз эмас эди. Бало даштидан Мовароуннаҳрга ўзи олиб келганларнинг ҳаммасига соҳибқирон жувонмардона инъом ва эҳсон қилур эди. Истеъдодли бўлганлари, масалан, энг буюк қомусий арабий ёзувчи Жазирий жуда катта мансаб олди. Нишопур, Бағдод, Марв, Хоразмнинг уламо ва мударрислари, Бухоро, Самарқанд ва Кеш мадрасаларида илгариде бўлганидан ортиқ маош ва белгиланган иш ҳақи олдилар. Умуман, Темур давлатининг қудратли даврида мадрасаларни таъсис этилди, улар хайр-саховат туфайли кенг миқёсда тараққий этди; ҳозирги кунда ҳам Бухорони зиёрат қилган кишилар бу осори атиқаларга ҳайрон қоладилар. Темур бу ишнинг ташаббускори бўлгани учун унинг хонадони аъзолари, вазирлари ҳам мамлакатнинг бойлари — барча яхшилар мадрасаю масжидлар, қироатхоналар, касалхоналар таъсис этиш ҳамда уларга эҳсон беришда ўзаро мусобақа ўйнашган. Бинобарин, Ўрта Осиёнинг маънавий тараққиёти, билвосита бўлмаса-да, ҳар ҳолда, Амир Темур хизмати ва ҳимматига чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди.

ТЕМУРИЙЛАР

807 (1405)—906 (1500)

Темур ворислари билан жаҳонгирлик майдонида ўзидан илгари ҳукмронлик қилган муғуллар сингари бахтли бўла олмади. Муғул ҳукмдори катта бир мамлакатнинг асосини тузди, ўғиллари ва ворислари воситасида уни кучайтирди ҳамда кенгайтирди. Темур эса ҳокимиятнинг биносини баланд кутарди; аммо унинг фарзандлари кучли суянчиқ бўлиш ўрнига, ноаҳиллик ва ўзаро урушлар қилиб, бу иморатнинг нураши ва емирилишига олиб келдилар. Чингизийлар Ўрта ва Ғарбий Осиёда икки асрга яқин ҳукм сурди.

Темурнинг ворислари эса, гарчи улар орасида ҳокимият ишларидаги маҳорати, порлоқ истеъдоди ва олижаноблиги билан келажак наслларни узоқ давр ҳайратга соладиган зотлар бўлса-да, салтанатни атиги бир асрга яқин бошқариб турдилар, холос.

Марҳум буюк Темурнинг Самарқандда дафн ва мотам маросими тамом булар-бўлмас, ворислар орасида дарров тож-тахт талашуви бошланди. Темурнинг Хуросон ҳокими — оқил ва тадбиркор Шохрух мирзодан бошқа уғиллари ўзидан олдин вафот этган эдилар.

Темур узига валиаҳд этиб қаҳрамонлигига қаттиқ ишонган набираси — уша вақтдаги Ҳиндистон ва Кобул ҳукмдори Пирмуҳаммадхонни тайинлаган эди.

Ёшлигини жанг майдонларида ўтказган Пирмуҳаммадхон кейинги пайтларда айш-ишратга берилиб, ҳукуматни бошқариш ишлари ҳийлагар ва очкуз вазири Пирали Тозга топшириб қўйган эди. Пирмуҳаммадхон бобокалони Темурнинг вафоти ҳақидаги хабарни ишрат базмида олди. Бу пайтда Самарқандда, сарой доирасида қарорсизлик ва парскандаллик ҳукм сураб эди. Агар Пирмуҳаммадхон шароб косаларини қўйиб, қўлига уруш қуролини олиб, дарҳол аскар тўплаб Самарқанд устига келганда, бувасининг тахтига эга бўлур эди.

Лекин у кечикди. Мироншоҳнинг Тошкентда яшаётган 12 яшар ўғли Султон Халил мирзо ҳаракат бошлади. У бу ердаги бир неча обрули зобитларнинг қувватлаши билан буюк бобосининг тахтига даъвогарлик қилиб, тўсқинчиликсиз Самарқанд устига юрди.

У улўғ бобосидан қолган хазиналар воситаси билан ҳукумат бошига келди ва Пирмуҳаммадхонни тахтга ўтқизиш тарафдорларини ўз тарафига оғдириб олмоққа қарор қилди.

Темурнинг васиятига мувофиқ Пирмуҳаммадхонни тахтга ўтқизиш тарафдорлари кучли бўлса-да, аммо Халил мирзо отни аввалроқ қамчилаб қолган эди. У Пирмуҳаммадхоннинг режаларини бузиб, Амударёнинг ўнг томонидаги ерларни ўз ҳокимиятига қўшиб олишга эришганди.

Лекин бундан бир наф чиқмади. У узининг юмшоқ ва хаёлпараст табиати билан ҳукмдорга нисбатан кўпроқ шоир бўлиш учун яратилган эди. Халил бир томондан буюк бобосининг битмас-туганмас хазиналарини исроф қилиб, нуфузли аъён ва киборлардан бир неча кишиларни ўз тарафига оғдиргани ҳолда, иккинчи тарафдан бобосининг садоқатли ходимларини бездирди ва қисқа вақт ичида анчагина душманлар орттирди.

Ривоятларга қараганда, Халилнинг Шодимулк исмли бир аёлини қаттиқ севиб қолгани норозиликларга сабаб бўлган. Шодимулк аввал Ҳожи Сайфуддиннинг канизаги эди. Халил тахтга мингач, унга уйланди, Темур тириклик замонида бу жозибадор жорияни ўлдириб, Халилнинг ишқ утини сўндирмоқчи бўлган эди, аммо жория жазодан қочиб қутулган эди. Сўнгра Шодимулк, ҳукмдор хотини сифатида, уларнинг аввалги жуда содиқ тарафдорларини эрига қарши қуроллантирди.

Биринчи булиб Туркистон вилоятига ҳамда Фарғонанинг бир қисмига ҳоким тайинланган амир Худодод билан шайх Нуриддин Халилга қарши исён кўтардилар. Агар Пирмуҳаммадхон мерос даъвоси билан катта лашкар тўплаб, Амударёга яқинлашиб, Халилни кучли таҳликага солмаса, у ҳамон Самарқандда яшаб, гузал маҳбубаси шаънига ғазал битиш билан овуниб ётаверарди.

Халил укаси Мирзо Султон Ҳусайн эса, Амударёнинг чап соҳилида ўз ҳокимиятини тузмоқ қасдида исён қилди. Шу сабабли Халил аввало ўзи юборган аскар билан жанг қилди, сўнгра Мирзо Султон Ҳусайнга қарши аскар юбориб, Кеш вилоятининг Жийдалик деган жойидаги урушда ғалаба қозонди.

Ана шундан кейин икки тахт даъвогари ўртасида музокара бошланди. Лекин бундан ҳеч қандай натижа чиқмади. Шу боис уруш янгидан, янада кучлироқ тус олди. Амударёни кечиб ўтган Пирмуҳаммад Насаф атрофида мағлубиятга учради. Ўрдагоҳио ашёсини ташлаб, зўрга қочиб қутулди.

Пирмуҳаммадхон яна бир марта ўз бахтини синаб кўрди, аммо бу сафар ҳам ғалаба қозона олмади. У бутун вужуди билан ичкиликхўрлик ва нодонликка берилгани сабабли унда аввалги қаҳрамонликдан асар ҳам қолмаган эди. Шундан сўнг орадан кўп ўтмади, Пирмуҳаммадхон Шибурғон яқинида 809 (1407) йилда, ўзининг чодирда машҳур вазири Пирали Тоз томонидан ўлдирилди. Ҳолбуки, Пирмуҳаммадхон Пиралини хизматкорликдан вазирлик даражасига кўтарган эди. (Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон ҳукмдори бўлишни истаган Пирали Бекларнинг исёни туфайли Ҳиротга қочиб боради. Шоҳрух ўз биродарининг қасдини олиб, уни қатл этади).

Шу тариқа Халил жануб хавфсизлигини таъминлаган бўлса-да, бироқ шимол ҳаяжонли ва таҳликали эди. Чунки исёнчи Худодод ва шайх Нуриддин амирлар ва бошқа бекларни ўз тарафларига оғдириб, нуфуз доирасини кенгайтирмоқда ҳамда катта қўшин билан тўғри Самарқанд устига келмоқда эди.

Халил Арғуншоҳ ва амир Оллодод раҳбарлигида осийларга қарши лашкар юборди. Ваҳоланки, бу икки зот душман билан яширинча иттифоқда эдилар. Олижаноб, лекин бахтсиз Халил ўзини қўриқловчи, содиқ саналган кичик бир гуруҳ кузатувида қолган пайтда аскарлари унга хонлик қилди ва у Шерор қалъаси харобаларида Худодод лашкарларининг тажовузига дучор келиб, асир тушди. Ўзининг собиқ тобеси хузурига жунатилди. У бу ерга тожу тахтдан воз кечишга исёнчилар томонидан берилган Қошғар ҳокимиятини қабул қилишга мажбур бўлди. Шу билан баробар унинг энг катта фалокати, тақдирининг қўтилмаган зарбасидан эмас, балки дили-жонидан севган маҳбубаси Шодимулкдан айрилиши эди. Шу боис у ўзининг қўнглидаги барча ғам-кудуратини кўз ёшлари аралаш шикоят тула ғазаллар ёзиб, бўшатишга берилади. Зотан, бутун хазиналари билан Самарқандни эгаллаган, уни таҳқир ва масхара қилган, ҳатто малъка Шодимулкни аввалдан энг раҳиб ҳақоратига дучор эттирган Худододнинг бахти узоққа чўшмади.

Темурийларнинг энг каттаси Мирзо Шоҳрух уша пайтда Ҳиротда яшар, нуфуз ва улуғворлиги энг баланд мақомга етишган эди. У Мовароуннаҳрдаги бу ҳодисаларга лоқайд қарай олмади.

Шоҳрух — темурийларнинг энг машҳур ва олижаноб бир шахзодаси бўлиб, унинг саройи замонасининг фан ва маориф учоғи эди. Хуросоннинг маорифга мойил эрон унсури орасида у ўзини ниҳоятда бахтли ҳисобларди. Шу бонс Мовароуннаҳрда ҳокимият масаласи ва отасининг вафотидан кейинги воқеалар унинг эътиборини қаттиқ тортарди. Лекин сулола манфаати таҳликага тушганлигини кўргандан кейин, урушни қанчалик севмаса-да, ўзини тутиб тура олмади.

Қариндоши Халилнинг фалокат хабарини эшитгач, дарҳол ўзининг лашкари билан Худододга қарши ҳаракат бошлади. Худодод урушга тайёр эмаслиги учун риёкорона суратда унга итоат қилажagini билдирди. Шоҳрух бунга қарамай Самарқанд устига юрди ва шаҳар халқи тарафидан гоятда тантанали равишда кутиб олинди. Худодод Тошкентга қочиб кетди ва мўғул хони Муҳаммадхондан бошпана суради. Лекин Муҳаммадхон Шоҳрух каби иқтидорли бир зотга қарши курашга жасорат қилолмади. Аксинча, ўзининг биродари Шамъижаҳонга бу осий қочоқни тутиб олишни амр этди. Орадан кўп ўтмади: Худододнинг боши олиниб, мўғул хонининг садоқати нишонаси сифатида Шоҳрухга тақдим этилди.

Шу тариқа Мовароуннаҳрда бир оз тинчлик таъмин этилгач, Мирзо Халилни эсга олдилар. Худодод ўлдирилгандан кейин Халил унинг биродари тарафидан Олатоғдаги қалъага кучирилган эди. Шоҳрух ўзининг туқсобаси (генерали) Шоҳмаликни уни озод қилиш учун юборди. Ғолибо, Мирзо Халил осий бекларидан — ўзини озод қилишга келувчилардан кўпроқ қўрққан бўлса керак. У ўзининг хавфсизлиги учун инobatли бир соқчи талаб этди ва унинг ҳимоясида Сирдарёнинг чап соҳилида турган Шоҳрухнинг ёнига кетди. Шоҳрух уни қучоқлаб қарши олди. Ҳар турли самимий дўстлик аломатини кўрсатди, ҳатто унинг жон-дилидан суйган маҳбубаси Шодимулкни ўзига қайтарди: у факат тожу тахтдан маҳрум этилди. Шоҳрух уни бир оз тасалли топсин учун Ироқ ноибни этиб тайин қилган эди. Мирзо Халил у ерга бораётиб, 812 (1409) йилда йулда вафот этди. Ривоятларга кура, ўзининг севикилиси ўлиmidан кейин, Шодимулк ҳам ўзини маҳв этибди. Айтишларича, у эри билан бир қабрга қумилгандир.

Шоҳрух иккинчи йил яна бир мартаба қуроллашиб, Амударёни кечиб ўтишга мажбур бўлди. Мовароуннаҳрда ҳокимларнинг алмашиб туриши, Халилнинг юмшоқлиги бекларни ҳаддан ортиқ журъат билан тез-тез ғалаён қилиб туришга одатлантириб қўйган эди. Амир Нуриддин шуларнинг бошида тургани учун тахтни олишга қасд этиб уруш бошлади. Лекин урушнинг бошидаёқ туқсоба Шоҳмаликдан енгилгач, Тошкентга қочди. Унинг шериклари қилган жиноятлари учун оғир жазога дучор бўлдилар.

Шоҳрух мирзо отасинини Сурия билан Арабистондан бошқа ҳамма жойларини ўз қул остига олгандан кейин, Мовароуннаҳр

тахтиши тунғич уғли Улуғбекка топширди. Улуғбек отаси сингари аҳил киши булиш билан чекланмади, балки фан ва маорифга олижанобона майл курсатишда ундан ҳам узиб кетди. Темур сулоласидан исми гарбдаги христьян дунёсида бир неча асрлар мобайнида ҳурмат билан ёд этилган бир зот бўлса, у ҳам Улуғбекдир. Унинг асл исми Муҳаммад Турғайдир. Буюк бобоси амир Темур вафот этган пайтда 15 ёшда, Мовароуннаҳрни бошқаришда оғир иш топширилганда, у эндигина 19 ёшга тулган эди. Аммо унинг хийла муддат давом этган подшоҳлиги темурийлар салтанатининг саодатли даври саналади.

Унинг отаси аҳолининг катта ҳурмат ва муҳаббатига сазоворлиги учун Турондаги тинчлик бузилмади. Гарчи муғуллар кун марта уруш очиб, уни жангга ундаб, ҳатто у бир гал Оқсувгача боришга мажбур бўлса-да, унинг ҳокимияти вақтидаги урушлардан фақат шимол тарафидаги бир тажовузни айтиб ўтиш жоиз. Чунки бу тажовузнинг фалокатли оқибати Мовароуннаҳр учун ҳам анчагина зарар келтирди.

Темур тарафидан Қипчоқ хони этиб тайинланган Қовурчоқнинг уғли Бароқуғлон душманлар тазйиқига учрагани сабабли 828 (1424) йилда Туркистонга, Сигноқ атрофига кетишга мажбур бўлди. Бу қалъанинг қумондони ҳар вақт, «Матлаъ ас саъдайн...» соҳибининг таъбирича, қипчоқ ва узбек суворийларнинг тажовузидан шикоят билан ушбу Бароқуғлонга мурожаат қиларди. Шу боис бу қалъада ўзининг ҳақи борлигини маълум этди.

Улуғбек бунга қарши айнан ўзи борнишга аҳд қилди. Отаси Улуғбекнинг лашкарбошилиқ иқтидорига у қадар ишонмагани учун ёрдамчи қилиб, иккинчи уғли Муҳаммад Жугуни юборди. Лекин Улуғбек унинг этиб келишини кутмасдан уруш бошлади ва Бароқуғлоннинг оз миқдорли мунтазам суворийси тарафидан даҳшатли равишда сочиб ташланди. Жугу лашкари ҳам кўп зарар кўрди. Бу пайтда муваффақият ва галаба қозонган қипчоқ ўрдуси яғмо ва ғорат билан Хужандгача келиши мумкин эди. Бу фалокатдан кейин ёш ва нозик табиатли шахзода жангу жадалдан ўзини тортиб, уламолар мажлисига, илму фанга берилди. Буюк бир эркинлик билан фан, маорифни ривожлантиришга, пойтахтни меъморлик санъати билан безашга киришди. Шаҳарнинг ҳозирги харобалари қурувчиларнинг нафосат ҳиссидан, санъату саховатидан ҳамон дарак бериб турибди.

Уша вақтдаги Самарқанд ҳақида ўз хотираларида бир қадар туғри маълумот берган Бобур унинг улкан биноларидан ушбуларни зикр этади: 1) «Хонақоҳнинг гунбази бисёр улуғ гунбаздур, оламда онча улуғ гунбаз йўқ деб нишон берарлар». 2) Ғоят гузал ҳавзали, усти мазойиқ билан безатилган шоҳона кўришшли мадраса бино этилган. Бу мадраса 828 (1424) йилда бино қилинган. Лекин 200 йил утар-утмас унинг аввалги гузал ҳужраларининг харобаларида ғайратлик талабалар ўрнида бойқушлар тунай бошладилар. 3) Муқаттаъ масжиди. «Бу жиҳатдин Муқаттаъ «Зижи Қурагоний»си («Қурагон жадвали») 841 (1438) йилда тузилди.

Улуғбек Птоломей (Батлимус) тақвимини Самарқанд шаҳрига мувофиқ ишлади, олимларнинг ёрдами билан уни тузатишга киришди. Шу тариқа юнон ҳақимининг асари турк (таржимада «татар» дейилган — С. А.) Олимнинг тузатиши билан янги бир мамлакат топди. «Матлаъас саъдайн» ёзган Абдураззоқ Самарқандда узи кўрган юксалиш ва даражаларнинг берилиши ва бу аломатларнинг мукаммалиги ҳақида бир неча марта зикр этади. Кўк гулбазидаги сайёра ва турғун юлдузларнинг ҳаракат мавқелари ер куррасидаги бутун қуруқликлар, денгизлар, тоғ ва саҳроларнинг нақадар туғри кўрсатилганидан ҳайратдалигини ва буни тасвирлашга ожиз эканини ёзади.

Ҳақиқатан ҳам, бу расадхона ер юзининг муъжизаси саналар эди. Буни кўриш учун ҳатто онаси Гавҳаршодбегим 823 (1420) йилда Ҳиротдан Самарқандга келганди. Улуғбек ёлғиз илми ҳайъат билан риёзиётга (астрономия билан математикага) эмас, балки бошқа фан ва илмларга ҳам берилди. Шоирлар, олимлар мамлакатнинг ҳар тарафидан кела бошладилар. Айрим олимлар ёхуд рассомларни узига жалб этмоқ учун ота-бола орасида, ҳатто баъзан рақобат пайдо буларди. Улуғбекнинг ҳукумати замонасини улуг сомонийлар даври билан бир даражада қиёслаш мумкин. Фақат, афсуски, бу аҳвол ёлғиз Шоҳрух мирзонинг вафотига қадар давом этди. 850 (1447) санада у вафот қилгандан кейин Урта Осиёнинг хийла муддат очиқ ва соф турган осмонини қуюқ ва қора булутлар ураб олди. Тинчлик туфайли яралган сулҳ ва саодатнинг ноёб самаралари ўзаро қонли урушлар туфайли барбод бўлди.

Улуғбек тунғич ўғиллиги учун отаси Шоҳрухнинг бутун мулкига ўзини ворис ҳисоблаб, Хуросонга бориш учун йулга чиққан эди. Лекин йулда жияни Бойсунқур мирзонинг ўғли Алоуддавла Ҳиротни забт этиб, ўғли Абдуллатифни асир олгани ҳақидаги хабарни эшитди.

Марҳаматли Улуғбек боласининг ҳаёт-мамотини ўз қўлида тутган душман билан урушишни хоҳламади. Абдуллатифни озод қилиш, унинг аскарларини ва ҳазиналарини олиш-бериш шарти билан сулҳ тузишга кўнди. Алоуддавла шартнинг биринчи қисмини бажарса-да, аскарларнинг кўпчилигини қатл эттирди ва хазинани қайтариш ҳақида гаплашишни ҳам истамади. Шу боис Улуғбек уруш очишга мажбур бўлди. Хар икки тараф жуда кучли суратда жангга тайёрландилар.

Алоуддавла Шоҳрух эллик йил мобайнида тўплаган хазинанинг катта қисмини уртага қўйди ва аскар тўплади. Улуғбек масалани урушсиз ҳал қилишга ҳар қанча интилса-да, бирор натижага эришмади. Ҳиротдан тўрт мил наридаги ерда, Турноб деган жойда уруш бўлди. Улуғбек таптана билан ғалаба қозонди. Алоуддавла тож-тахтини йўқ килди. Аскарлари Машҳадга қочишга мажбур бўлди. Ҳирот узининг бор хазиналари билан қонуний ворис қўлига ўтди. Сунгра Улуғбек душманини таъкиб этиб ғарбий Хуросонга борди. Бу ерда биродари Абулқосим мирзо билан бирлашиб, бир

неча шаҳарларни забт этди. Лекин бу вақтда жуда ачинарли воқеалар рўй берди. Улуғбек ҳибсда сақлаган Қорақуюнли қабиласидан, туркман раиси Ёралибек қочиб қолди. Темурийларга қарши қадимдан бошланган Сулола адовати янгидан қўзғалди ва у Ҳиротга ҳужум қилиб, уни талон-тарож қилди. Шоҳрух мирзо давридан буён сақланиб келаётган олий биноларни, қимматли санъат асарларини хароб этди.

Айни замонда шундай таассуфли ҳол Улуғбекнинг пойтахти Самарқандда ҳам содир бўлди. Бир гуруҳ ўзбек қавми суворийлари босқин ясадилар ва йўлда дуч келган нарсани талон-тарож қилиб, Самарқанднинг дарвозаларигача етиб келдилар, шаҳар ташқарисидаги саройларда ўзларининг ваҳшатларини намоён этдилар. Абдураззоқнинг ривоятча, Чиндан махсус олдирилган мазойиқ расмлар ўзбекларнинг туқмоқлари билан парча-парча қилинган, Чиний нақшлар парчаланиб, деворлардан кўчириб ташланган. Олтин билан нақшланган мукаммал муқарнас айвонлар тирнаб тамом қилинган. Хуллас, кўп йиллар мобайнида вужудга келтирилган нафис санъат асарлари бир неча соатда йўқ қилинган.

Олижаноб Улуғбек учун булар афсусланарли воқеалар эди, албатта, бироқ бундан ҳам кўпроқ ачинадиган бир воқеа рўй берди. Улуғбек шахсан унинг манфаати учун уруш олиб борган, болам деб доим қайғурган ўгли Абдуллатиф, қарангки, отасининг шунчалик улкан муҳаббатига куфрона неъмат кўрсатди.

Абдуллатиф Турнобдаги жангда бир ўз қаҳрамонлик қилгани учун ғалаба шарафини ўзига олмоқ истагида даъво қилди. Ҳолбуки, Улуғбек муваффақият шарафини Абдуллатифнинг укаси Абдулазизда кўрарди. Бундан ташқари, Ихтиёриддин саройидан топилган хазиналарни Абдуллатиф ўз мулки деб ҳисоблагани учун Улуғбек уларни мусодара қилган эди.

Шундан кейин Абдуллатиф, кўп ялиниб-ёлворишдан сўнг, отасидан Балх ноиблигини олгач, дарҳол исён кўтарди ва Амударёга юриш бошлади. Ўғлининг бу ҳақоратидан ачиққанган Улуғбек қарши ҳаракат қилишга мажбур бўлди: лекин биринчи туқнашувдаёқ енгилди. Мамлакатига қарашли Шоҳрухия (собиқ Бинокент) қасабасига қочиб қутулди. У бу ерда кенжа ўгли Абдулазиз билан бирга қўлга олинди ва шафқатсиз ўгли Абдуллатифнинг амри билан, эронли Аббос исмли бир хизматкор томонидан қатл қилинди.

Шарқнинг энг ёрқин фикрли ҳукмдорларидан бири шу тарика йўқ қилинди. Улуғбек отасининг ноиби сифатида 38 йил, ўзи мустақил тарзда икки йилу 8 ой Мовароуннаҳрда ва Шимолу Шарқ ҳудудларидаги ерларга ҳукмдорлик қилгандан кейин фожияли равишда ҳаётни тарк этди.

Шуни ҳам айтиш керакки, падаркуш Абдуллатиф ҳам бундай жинояткорона ҳаракат билан ўзининг тубан мақсадига эриша олмади. Уша даврда Самарқанддаги ҳокимиятни Мироншоҳнинг набираси Абусаид мирзо эгаллаб олган эди. У Улуғбек саройига илк бор кочоқ сифатида ялиниб келди, ҳатто Улуғбек уни ўзига қуёв

қилиб олди. Лекин бунга қарамай, Улуғбек узининг осий уғлини жазолаш учун пойтахтдан кетганда, Абусаид уз валинеъматиға кўрнамаклик қилиб, ихтилоф байроғини кўтарди. Улуғбек урнида пойтахтда қолган уғли Абдулазиз Абусаиднинг кучли аскарига қарши туришга ожизлик қилди. Шу тариқа Абусаид мирзо Самарқанд ҳокимиятини уз қўлига олди. Шунинг учун ҳам Абдулатиф, отасини мағлуб этгандан кейин, ана шу Абусаид билан жанг қилишга мажбур бўлди.

Жанг париси нонкур уғилга табассум қилди, Абусаид мағлуб бўлиб, асир тушди. Лекин Бухорога қочиб қутулди. Абдулатиф эса 854 (1450) йилда Улуғбекнинг илгариги хизматчиси Бобоҳусайн тарафидан, хужайинининг учини олиш учун улдирилди. Абдулатифнинг калласи кесилиб, отаси бино қилган «Улуғбек мадрасаси»нинг дарвозаси пештокига осилди. Чунки уша вақтдаги амалдаги барча қонулар падаркушнинг ҳеч қачон тахтга эга бўла олмаслигини ва Мовароуннаҳрнинг бошига тушган кулфатларда ушбу ҳукмдорнинг жинояти катта эканини ва унга илоҳий жазо берилиши баёни билан бошланар эди.

Абдулатифдан кейин тахт Шоҳрухнинг набираси Абдулло мирзога утди. У ҳам уз вақтида Улуғбек саройига самимий суратда қабул қилинган ва кўёв бўлган эди. Абусаид тезда у билан тахт таллашиб уруш очди. Лекин енгилиб, Сирдарёнинг нариги томонидаги Абулхайрхон ҳузурига қочди. У бунга озгина аскар бериб, ёрдам қилди. Абусаид Абдулло мирзо устига қушин тортиб, ҳам унинг ҳаётига, ҳам тахтига хотима берди. Абдулло мирзо мамлакатни фақат бир йилгина бошқарди. Ниҳоят Абусаид 855 (1451) йилнинг охирида темурийларнинг нойтахти Самарқандни ишғол қилди. Лекин бу муваффақият жуда қимматга тушди. Саҳродан келган ваҳший аскарлар шаҳарларни иккинчи мартаба яғмо ва горат этдилар. Ҳатто таланган нарсалар билан қоп-хуржунлари тулгандан кейин ҳам улар уз ватанларига олиб кетмоқ учун ҳийла ва найранг ёки зурлик қилишни лозим кўрдилар.

Абусаид Темур ворислари орасида ягона мансабпарастдир. У ота-боболаридан қолган «Бу жаҳон айни замонда икки ҳукмдор учун жуда тордир» деган сўзларни такрорлашни севарди. Шу сўзга мувофиқ ҳаракат қилиб, Турон улкалари чегараларини кенгайтиришни лозим кўрарди. У мамлакат ҳудудини Мовароуннаҳрдан Хуросон ва гарбий Эрон тарафига кенгайтира бошлади.

Бу вақтга келиб Темур авлодлари кўпгина табақаларга бўлиниб, эркин ҳокимият қуриш ҳавасига тушдилар. Абусаид мақсадига эришмоқ учун қўрқинчли рақибларининг кўпчилигини бартавраф этишга мажбур эди. Абусаид Самарқандни ишғол этгандан кейин, аввало, Абулқосим Бобур мирзо билан жангга киришди. Абулқосим Бобур мирзо Шоҳрухнинг вафотидан кейин Улуғбекнинг ёрдами билан Хуросонга келган ва туркман хони Ёралининг қатлидан сўнг, Ҳирот тахтига чиққан эди. Унинг салтанати бир оз нузли эканлигини тавсиф этмоқдамиз. У бой Хуросон улкасининг яраларини бир оз тузатиш ниятида иш юритгани маълум. У Аб-

саиднинг ўзига кучли рақиб эканлини яхши биларди. Лекин Самарқандни қирқ кунча қамал қилгандан кейин ҳам ғалабага эриша олмагач, сулҳ тузишга мажбур бўлди.

Абдуллатифнинг ўғиллари Аҳмад ва Муҳаммад Жуги ҳам оталарининг тахтини забт этиш учун урушга қўшилиб, Абусаидга хийла заҳмат етказдилар. Абусаид шаҳзодаларнинг лашкарини 859 (1455) йили Балх атрофида мағлуб ва паришон қилди, Аҳмад шу ерда ҳалок бўлди, Муҳаммад Жуги қочиб қутулди. У Сирдарёнинг нариги тарафига ўтиб, Абусаид сингари узбек хони Абулхайрга мурожаат этиб, ёрдам суради. Мовароуннаҳрнинг шимолидаги саҳро вилояти аскар кучлар топиш учун энг яхши бир хазина ҳисобланар эди.

Абулхайрхон ўзининг аввалги илтимосчиси Абусаиднинг юз хотири учунми ёки бошқа сабабданми, Муҳаммад Жугига ўзи аскарий ёрдам бермаса-да, мамнуният билан четдан кумак кучлари топиб берди. Унинг ёнгинасида саҳро қаҳрамони аталган Бурга султон бор эди. Абулғози унинг туғрисида қўйидагича ҳикоя қилади: гуё унинг кукрак қобирғаси ўрнида яхлит суякдан иборат тахта ўрнашган. Абулхайрхон Бурга султонни ўзига чорлаб: «Қуз-да тутилган мақсад учун менинг оиламда ҳеч ким йўқ, сен, Бурга, менинг ўғлим ўрнидасан, ўзингнинг одамларингни ол, мен сенга ёрдамчи аскар бераман, бориб, Темур авлодини балодан қутқар», деган.

Бурга султон Абулхайрнинг бу таклифини қабул қилиб, Тошкентга юриш бошлади. Бу ерда унга илгариги узбек тарафдорлари ва чиғатой қавмларидан норози кишилар ҳам қўшилдилар. Улар тезлик билан Шоҳрухияни босиб олдилар. Кейин Сирдарёни кечиб ўтиб, туғри Самарқандга йўл солдилар. Шаҳар ҳокими амир Мажид уларга қарши чиқиб урушди. Жуги лашкарининг унғ қаноти-га бошлиқ бўлган Абулхайр ёрдамчи лашкарининг раиси Пишканд ўғлон, чап қанотда чиғатойлар билан Бурга Султон турарди. Уруш самарқандликлар учун муваффақиятсиз тугади. Мажидхон тезлик билан қалъа чегарасига чекинди. Жуги эса, тахминан бутун Мовароуннаҳрни забт этди.

Абусаид бу воқеа ҳақидаги хабарни олган пайтда ўзининг авлод аҳлларида саналган ракиби Ҳусайн Бойқаро билан Хуросонда урушмоқда эди. У тезлик билан Амударёнинг нариги тарафига ўтишга тайёрланди. Бу пайтда унинг унғ соҳилида Бурга билан Жуги мудофаа чизиги — хаги ҳақида бир-бири билан келиша олма-май жанжаллашмоқда эди. Бурга уз ўзбекларига суяниб, мудофаа хати қилиб Амударёни таклиф этар, Жуги эса чиғатойликларнинг садоқатига шубҳаланиб, Сирдарё бўлишини мувофиқ қурарди.

Англашилдики, Жугининг бу хусусдаги фикри туғри экан. Чунки Абусаид Мовароуннаҳр улкасида от сургач, чиғатойликлар туп-туп ҳолда унга таслим бўлди. Жуги озгина аскар ҳамда катта заҳмат билан Шоҳрухия қалъасига ялғиниб кирди. Бурга эса, йўлда дуч келган нарсани вайрон қилиб, ўзининг ватанига — саҳрога чекинди.

Абусаид Шоҳрухия қалъаси атрофида турт ой турди. Эҳтимол, у қалъани забт этарди, лекин мирзо Ҳусайн тарафидан янгидан бошланган тажовуз туфайли яраш эълон қилди. Яраш аҳди тузилгандан кейин Абусаид Журжон устига юриб, рақибини хароб қилди. 867 (1463) йилда қайтиб келиб, Шоҳрухияни ун ой қамалда тутди. Ниҳоятда холдан тонган ва охириги амирларигача йуқотган Жуги мамнуният билан сулҳ мунозарасини бошлади. Ҳар икки томон учун улуг булган шайх Хужа Убайдуллоҳ Абусаиддан ваколат олиб қалъага келди. Хужа Убайдуллоҳдан Қуръон ҳурмати бу ердан соғ-саломат чиқиб кетишига доир ваъдани олгач, Жуги Абусаидга таслимлигини билдирди. Лекин Абусаид ўз ваъдасини бажаришга аҳамият бермади. Шоҳрухия забт этилгандан кейин, бечора Жугини таъқиб этиб, Ихтиёриддин қалъасига қамади. У шу ерда вафот этди.

Абусаид шу тариқа Мовароуннаҳрни қурқинчли бир даъвогардан халос этиб, Турон ҳокими булмоқ устига Самаркандни уғли Султон Аҳмадга қолдириб, ўзи ҳукмронлигини таъкидлаш ва кенгайтириш учун Ироқ Арабистонининг ички тарафларини истило этмоққа Хуросонга кетди.

Мирзо Ҳусайн Бойқарони бу ердан ҳайдагач, ёлғиз Мовароуннаҳрнинг ва уғли Умаршайх бошқараётган Фарғонанинг эмас, балки Хуросон, Афғонистон, Сейстон, Қирмон ҳамда Форснинг ҳокими булди. Шу зайлда унинг истилога хаваси кучайиб, Озарбойжоннинг саҳроларига йул олди. 870 (1465) йили бу ерда туркман Оққуюнли сулоласининг раиси Ғозонбек номи билан янги бир қаҳрамон майдонга чиқди. Хуросон кўпдан буён кутган тинчлик ила бахтли яшамоқда эди. Абусаид эса кичик уғлининг суннат тўйи муносабати билан беш ойдан бери давом этаётган умумий томошалар, зиёфатлар, шеър, мусиқа ва шаҳар ойдинлиги каби тантаналарни утказмоқда эди. Шу пайт Қорақуюнли туркман сулоласининг хони Ҳасан Али Марвда саройга келиб, Ҳасанбек ёки Узун Ҳасан билан урушда халок булган отаси Шоҳжаҳоннинг душманига қарши Абусаиддан ёрдам суради.

Абусаид бу хусусда қайта-қайта ялинишга ҳожат қолдирмади. Катта ва кўп сонли урдулар билан 872 (1467) йилда Марвдан ҳаракат бошлаб, тўғри Озарбойжонга йул солди.

Бошқа бир мақсади булган Узун Ҳасан эса, унга вакил юбориб, сулҳ таклиф қилди. Лекин муваффақиятлари туфайли ўзига ишониб, мағрурланиб кетган Абусаид сулҳдан бош тортиб, Узун Ҳасанни курол олишга мажбур этди. Бунинг натижаси ўзига қимматга тушди. Чунки Қорабоғ устига қийинчилик билан тажовуз этаётган аскарни доимо ҳаяжонда булгани учун боргунча сийраклашди. Ниҳоят, Абусаиднинг ўзи каттиқ ҳужумга учраб, асир тушди ва тезда қатл қилинди. (Абусаид Ҳиротни биринчи марта забт этганда Шоҳрух мирзонинг хотини малика Гавҳаршодни қатл эттирган эди. Шунга кура, Узун Ҳасан ўз қулига асир тушган Абусаидни Шоҳрухнинг уғли Ёдгор Мирзога берди. У ўша қон интикомини олмоқ учун уни дарҳол қатл эттирди.)

Ун саккиз йилча ҳукмронлик қилиб, Тяншан тоғларидан Бағ- додга қадар, қирғиз саҳроларидан Ҳиндистон ва Эрон курфазига- ча чузилган ерлардаги Урта Осиё халқини бир тожу тахт атрофига туплашга эришгандан сунг, Темурнинг энг охирги авлоди булган Абусаиднинг тақдири шундай якун топди. Агарда аҳвол бундан ҳам қулайроқ ва Абусаиднинг ҳоли руҳияси бошқачароқ булган- нида, у шу қадар порлоқ аскарый маҳорати соясида кўп улуг иш- ларнинг улдасидан чиқар эди.

Абусаиднинг угли ҳам валиаҳди Султон Аҳмад мирзо отаси- нинг меросидан ёлғиз Мовароуннаҳр ҳокимиятинингина уз қулида сақлаб қолди — бу ҳақда гапириб утиришга эса ҳожат йуқ. Бу вақтларда кундан-кунга кучайиб бораётган сафидлар (сафавий- лар — С. А.) сулоласи темурийлар ҳисобига гарбда узларининг истиқболдаги шаън-шавкатларига асос солмоқда эдилар. Жанубда эса, Ҳусайн Бойқаро охирги мартаба эски Хуросоннинг порлоқ даврини ҳосил этиб, Ҳирот тахтига утирди. Чорак аср мобайнида шимолий Эронда, Афғонистон ва Сейстонда ҳукумат сурди. Унинг Шарқ тарафида Умаршайх узини мустақил ҳукмдор деб эълон қилди. Шу билан бирга чигатой тармоғидан булиб, Чингиз суло- ласига мансублигини даъво этган Юнусбек Сирдарёнинг шимол вилоятида, узининг ёрдамчи муғул аскарига таяниб, Умаршайхга буйсунишдан бош тортди. Шундоқ бир аҳвол ичида Султон Аҳмад каби бир тарафдан жуда диндор ва соф қалбли, иккинчи тараф- дан жуда дунёқараши чекланган бир кишининг қулидан нима ке- лар эди.

Аммо тарихларда Султон Аҳмаднинг шахсий баҳодирлик қо- биляти ҳам инкор қилинмайди. Муғуллар тарафидан унга «Улад- шо» (Улим қотили) унвони берилиши бунга далилдир. Аммо унинг табиатида буюк кашфиёт вужудга келиши учун шу замон тақозаси билан берилган сохта диний тарбияси монэ эди. У бир тарафдан узининг шайхи Хўжа Убайдуллоҳга шу қадар ҳурмат курсатар эдики, унинг ҳузурда камоли хокисорлик ва муҳаббат билан тиз чукиб утирарди. Хатто тасодифан тиззаси остига учли суяк кириб қолса ҳам, шуни олиб ташлашга жасорат этмай, оёғи- нинг қаттиқ огришига чидаб, ўша ҳолатда имкон кутар эди. Ик- кинчи тарафдан эса, шундай диндор ва тақводор бир одам, одат- да, 20—30 кунни айш-ишратда утказар ва сарҳуш ҳолатда ҳам намоз ўқишни унутмас эди.

Ҳаётни севмайдиган шундай бир одамнинг Юнусбекка уруш эълон қилиб, Тошкент, Сайрам, ҳатто Туркистон вилоятини забт этиши ҳақиқатан ҳам жуда ажабланарлидир. У узининг укаси Умаршайхни итоатга олмоқ учун ташаббус курсатди. Бу икки би- родар орасидаги ихтилофлар бир неча марта жангга бориб тақал- ди. Лекин зоҳидлардан машҳур Хўжа Аҳрор ҳазратлари сулҳга даъват қилиб, битим тузилди.

Ушбу воқеалар истисно этилганда, Мовароуннаҳр Султон Аҳ- мад ҳукумати вақтида хийла узоқ вақт тинчлик ва саодатда яша- ди. Зотан, Мирзо Ҳусайн Бойқаро саройи доирасидаги маориф

зиёси, гарчи бошқа бир жиҳатга боғланган бўлса-да, бу тарафларни, Зарафшон соҳилларини ёритмаслиги мумкин эмасди.

Саройлар, ибодатхоналар, мадрасалар, умумий ҳаммомлар қурилгани ҳақида Султон Аҳмад тарафидан курсатилган ибратга муътабар бойлар орасидан чиққан ташаббускорлар ҳам қушилди. Шулар жумласидан Дарвеш Маҳмуд Тархоннинг Самарқанддаги «сафолиқ ва ҳаволиқ ва мадди назарлиқ чорбоғи»ни курсатиш мумкин. Нарвонлар билан кутарилган ва ёнида ғоят гузал бир чаманзори бўлган бу саройнинг фавқулодда дилрабо эканини Бобур баён этган.

Хуросонда Султон Ҳусайн мирзо идорасининг матонати Мовароуннаҳрда жиддий равишда тартибсизликлар чиқишига йўл бермади. Мовароуннаҳр халқи унинг ва Султон Аҳмаднинг қадр-қиммати — у 27 йил мобайнида мамлакатни бошқариб, 899 (1494) йилда вафот этгач — урнига укаси Султон Маҳмуд ҳукмдор бўлгандан кейингина англай олдилар.

Султон Маҳмуд отасининг вафотидан кейин, бир оз саботсизликдан сунг, биродари ҳузурига келиб, ғоят яхши қабул этилди ва у билан жуда яхши муносабатда яшадилар. Бир кун келиб, Султон Маҳмуд ов баҳонаси билан Самарқанддан кетди, Амударёнинг нариги тарафига ўтди ва Бадахшонни забт этди. Сунгра акасининг вафоти муносабати билан бахтга этишди. Унинг биринчи иши — вафот этган биродарининг Қуксарой номли саройидаги тўртта гўдак ўғлини ҳибсга олиб, қатл эттирди. Бунинг устига маъмурларининг қонунсиз харакату зулмлари ҳам қушилди. Савдо ва тижорат ишларида тургунлик пайдо бўлди. Хусусан, Самарқанд халқининг муътабар кишилари Чорсуга чиқишга журъат қила олмай қолдилар.

Бу ҳукмдор жохил одам эмасди, балки фано (суфийлик таълимининг еттинчи мақомига эришган — С. А.) бўлиб, шеърлар ҳам ёзарди. Лекин доимий айш-ишратга берилиб, ибодат қилмас ва динга риоя этмас ҳамда жуда улўф ҳисобланган Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор валийга ҳам ҳеч бир ҳурмат ва илтифот курсатмас эди.

Султон Маҳмуднинг ҳукмронлиги ғоят қисқа бўлди: Чунки тахтга чиққанидан олти ой кейин вафот этди. Вафотидан олдин йиғлаганига қараганда, улими мажбурий бўлганлиги англашилади. Унинг улимини нуфузли ва хийлакор вазири Хисравшоҳ бир неча кун махфий тутди. Бундан мақсади — фурсатдан фойдаланиб, хазинани купроқ умармоқчи эди. У бунга эришди ҳам, фақат ҳукмдорнинг вафот хабари тарқалиши билан халқ орасида шиддатли ҳаяжон, ғала-ғовур кучайди. Хисравшоҳ аранг қочиб қутулди.

Мовароуннаҳрдаги Темур авлоди орасида мана шундан кейин ҳақиқий тўқнашув ва низолар бошланди. Уларнинг тамомий инкирози яқинлашгани очик кўринди. Султон Маҳмуддан қолган беш ўғилнинг учаласи — Масъуд, Бойсунқур, Султон Али тахт учун низолашиб, ўрталарида қатъий душманлик пайдо бўлди.

Уларнинг энг каттаси Масъуд отасининг кучли вазири Хисрав-

шоҳ билан бирликда ҳаракат қилди. У Амударёнинг чап тарафидаги Ҳисор, Қундуз, Бадахшонни босиб олди. Агар Султон Ҳусайн мирзо истило учун эмас, балки мамлакатининг шимолий чегараларини бошқаларнинг тажовузидан мудофаа қилиш учун уларга қарши ҳаракат бошламаганида, Масъуд билан Хисравшоҳ Мовароуннаҳр тахти учун жанжалларида ниятларига эришар эдилар. Лекин Султон Ҳусайн мирзонинг ҳаракати Масъуднинг тахтга ворислик масаласини йўққа чиқарди.

Отаси барҳаётлигида Бухоро ҳукмдори бўлиб турган Бойсунқур мирзо тарафдорлари хийла кучли эдилар. У бу ердан Самарқандга даъват қилиниб, одатдаги тартиб ва эҳтиром билан тахтга ўтказилади. Қиёфаси туркманларга ўхшаш, лекин дунёқараши тор 18 яшар бу йигит, ўзи истаса ҳам, маҳаллий, кучли улуғларга ва нуфузли руҳонийларга қарши ҳеч нарса қила олмади.

У Ҳисорга ноиблиги вақтидаёқ сертавозе ва назокатлироқ кўринган бадхоҳларнинг ҳар бири унинг ўз мақсадига хизмат қилишини хоҳлар эди. Ниҳоят, уларнинг барчаси Бойсунқурдан норози бўлиб, уни тахтдан туширишга қарор қилдилар. Зотан, у Самарқандга келгач, ўзини баланд тутиши уларга ҳақоратдек туюлди. Ҳақиқатда эса, улар унинг укаси Султон Алини Қаршидан Самарқандга чақириб, ёзлик Боғи нав саройида унга садоқат қасамини ичдилар. Таянчлари тарк этган Бойсунқур ҳам шу саройда маҳбусдай яшади. Умуман, ҳар икки шаҳзода айни бир мақомда сақланар эдилар. Бир куни кечқурун, ҳожатга чиқиш баҳонаси билан у сарой ҳовлисининг орқа тарафига ўтиб, у ердан тор ариқ йўли билан қочишга муваффақ бўлди. Бағоят ҳурматли Ҳўжага илтижо этди. Унинг қочиш хабари тарқалгач, аҳоли дарҳол Ҳўжанинг ҳовлиси атрофига тўпланди. Лекин ҳеч ким ҳовлининг ичкарасига киришга жасорат эта олмади; шу аҳволда бир неча кун ўтди. Шу орада Султон Бойсунқурнинг тарафдорлари, обрўли Хожа Абулмакорим бошчилигида уни топинган жойидан чақириб яна тахтга ўтқаздилар ҳамда ўзлари исённи бостирмоқ учун чора-тадбир кўрдилар. Султон Али эса, ўзининг асосий тарафдори Дарвеш Муҳаммад Тархон билан бирга ҳибсга олинди. Улар қочишга уриниб кўрдилар, лекин урдасидан чиқа олмадилар. Ниҳоят, улар Бойсунқур ҳузурига олиб келинди. У Дарвеш Муҳаммадни қатл этишга, Султон Алининг кўзига мил тортишга амр этди. Осий Тархон шу ёрнинг ўзидаёқ дарҳол қатл қилиниши керак эди, лекин ҳовлининг олдидаги устунга қўл-оёғи билан ёпишиб, қаршилик кўрсатгани учун уни шу жойда парча-парча қилиб ташладилар.

Султон Алининг тақдири унга нисбатан бахтлироқ чиқди, чунки унинг кўзига мил тортмоқ учун буйруқ олган сартарош (ёки табиб) наштар уришни амалий билмагани учун осий шаҳзоданинг кўзларига зарар етмади. Бойсунқурнинг ўзи улди: чунки у ўзини тамом тинч-хотиржам ҳис этган бир вақтда Султон Али Бухорога қочиб кетишга муваффақ бўлди. Илгаригидан ҳам кўпроқ куч тўлаб акасига қарши исён кўтарди. Гарчи Бойсунқур тезлик билан

ушинг орқасидан аскар юбориб, таъқиб эттирса ҳам, Султон Алининг Бухорода кучли тарафдорлари бор эди. Икки орада уруш бошланди. Бойсунқур енгилди ва мажбуран Самарқандга қочди.

Натижаси Бойсунқур учун фалокатли булган бу урушдан кейин у уч томонлама тазйиққа учради. Ғарбдан, яъни Бухородан Султон Али, жанубдан Масъуд мирзо, Шарқдан, яъни ҳозир Хуқанд деб юритилаётган Андижондан Умаршайхнинг угли Бобур мирзо ҳужум бошлаган эдилар.

Буюк бобосининг тахтини даъво қилаётган Бобур мирзо уша вақтда ёш йигит булиб, шаҳзодаларнинг энг ақллиларидан эди. Уни ҳақли равишда шарқу ғарбнинг энг шарафли шаҳзодаларидан бири деса арзийди. Уша замон шарқшуносларининг хотираларида у Шарқ қайсари (Цезарь) деб зикр этилади.

У узининг ўткир назари билан Мовароуннаҳрда Темур авлоди ҳокимиятининг инқироzi вақти яқинлашганини биринчи булиб кашф этди. Буни тухтатиш учун илк бор қаршилиқ кўрсатди. Лекин келажакда бошига тушадиган ташвишлар сабабли толеи кулиб боқмади.

Хуллас, 903 (1498) йилда Самарқандга уч тарафдан ҳужум қилинди. Лекин Бойсунқурнинг бахтига қарши қиш яқинлашган эди. Совуқлар бошланди. Бобур Мовароуннаҳрни ўзаро булишиб олиш учун Султон Али билан бирлашди ва улар орқага чекинди-лар.

Ушанда Масъуд мирзонинг шайх Абдулло Барлоснинг қизига янги уйланган пайти эди. У иззат-нафс масаласини бир чеккага қўйиб, узининг чин юракдан севган маҳбубасининг ёнига қайтиб кетишни эп кўрди. Лекин Бойсунқур бу билан тазйиқдан қутула олмади. Чунки ёз яқинлашиб, ҳаволар илий бошлаши билан иттифоқчилар шарқу ғарбдан янгитдан ҳужум уюштириб, Самарқандни етти ой қаттиқ қамал қилдилар.

Бу муддаг ичида ёрдам сураб у ҳар тарафга мурожаат этди. Фақат талон-тарож қилишни уйловчи, умид этилган жойларга юришга тайёр турувчи ўзбекларгина Сирдарёнинг қуйи томонидан келиб, Бобур билан Султон Алининг бирлашган қушинига қарши урушишга журъат топа олмадилар.

Қаршилиқ курсатишга чораси қолмаган Бойсунқур 903 (1498) йилда пойтахтини махфий равишда ташлаб кетди ва Термиз яқинида Амударёни кечиб утиб акаси Масъуд мирзо ҳузурига қочиб боришга мажбур бўлди. У шунчалик куп жангу жадалларни, воқеаларни бошидан утказиб, тахтидан воз кечганда эндиgina 22 ёшда эди. У ҳақда душмани Бобур мирзо «адолатпеша ва одми, хуштаъб ва фазилатли подшоҳзода эди» деб зикр этадир. Унга, хуфя шиа мазҳабига мансуб эди, деган айб қўйилади. Лекин у кейинчалик (Самарқанд тахтига утиргач — С. А.) аҳли суннат мазҳабига қайтган. Бойсунқур 905 (1500) да қатл этилди.

Бойсунқур қочганидан сунг Мовароуннаҳрда ҳокимият иттифоқчилар қулига утди: Султон Али узига Миёнкол аёлати билан

Бухорони, Бобур эса шарқ тарафлар билан бирга Самарқандни олди. Лекин буларнинг иккови ҳам узоқ вақт ҳукмронлик қила олмадилар. Чунки Султон Али ўзига тобе бекларнинг бошбошдоқликларидан заифланиб, Ҳиротга, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига қочишга мажбур бўлди. Бобур эса, бир томондан таланган ва оч қолган Самарқандда ўзининг аскарлари учун етарлик даражада озиқ топа олмаганидан, иккинчидан, онасининг эҳтиёж ва талабига бинноан ўз ватанига қайтиб кетишни лозим кўрди.

Шуни инкор қилмаслик керакки, буларнинг ҳукумати қўғирчоқ ҳукумат эди. Бухорода бутун қувват ва нуфуз Абдулалӣ тархон, Самарқандда эса Хожа Абулмакорим қўлларига эди. Фақат, Бобурнинг сузига кура, унинг ҳузурига энг муҳим бир нарса бор эди — у ҳам Темур сулоласининг 140 йиллик тахти сира ҳам бегона кишининг қўлига ўтмаганидир. Лекин бундан нима фойда? Темур сулоласининг ботаётган юлдузини 19 ёшлик Бобур қўли билан ҳеч ерда ва хусусан Мовароуннаҳрда тухтатишга имкон йўқ эди. Бир ёқда, Темур авлодлари бир-бирларининг қонини ичиб, ўзаро низоларни кучайтирмоқда эди; иккинчи тарафдан, Чингиз сулоласининг Жужӣ хонадонига мансуб Шайбоний Муҳаммадхон истило ҳозирлигини кўрмоқда ва Мовароуннаҳрнинг бир неча муҳим нуқталарини ўз ҳокимияти остида тутмоқда эди. Ниҳоят, Шайбоний Муҳаммад ўзининг баҳодир суворийлари ёрдамида 905 (1500) санада Самарқанд тахтини забт этиб, Темур авлодлари ҳукмронлигига яқун ясади.

Бу сулола алмашувнинг тафсилотини кейинги фаслга қолдириб, Шаҳрисабздан чиққан оқсоқ жаҳонгир Темур сулоласи вақтида ҳам мазкур сулоланинг ёрдами билан ислом дунёсининг Шарқ қисмида вужудга келган маънавий ҳаракат — тараққиёт ва маданият ҳақида бир қадар ёзиб ўтиш муносибдир. Воқеан, теурийлар бу туғрида Осиё тарихида улғў бир мавқе тутадилар.

Шу билан баробар Амударёнинг нариги тарафида маданий ҳаёт йўналиши Ҳиротдаги Шоҳруҳ мирзо ва Султон Ҳусайн мирзо Бойқаро саройидаги йўналишдан бошқачароқ бўлди. Бу ерда диний ва эътиқод илмларидан ташқари шеър, тарих, тиб, ҳуқуқ каби дунёвий фанларга ва нафис санъатга урин берилди. Аммо у ерда эса, Улғўбек ва Абусаид даврлари истисно қилинганда, фақат диний илм ва тасаввуф билангина шуғулландилар.

Бу икки ўлканинг адабиёти орасида қатъий бир тафовут чегараси қўймоқ анча қийиндир. Гарчи маънавий ҳаётнинг гузал манбаи Эрон унсурларидан бошланса-да, ундан чигатой-турк олимлари куп фойдаландилар. Шунингдек, турк хонлари ҳам адабиёт ва нафис санъат аҳлига катта ёрдам бериш билан чекланмадилар, балки баъзан ўзлари ҳам шулар билан бир сафда турдилар, ҳатто улар орасида кейинги уринда туришдан ҳам тортинмадилар.

Мир Алишер ўзининг «Межолис-ун нафоис» номли асарида Темур хонадонининг қўйидаги шаҳзодалари шеър ёзганликларини кўрсатди.

Шоҳрух мирзо туркий ва форсий шеърлар ёзган ва мазмуни қуйидагидан иборат мисралари машҳурдир:

Эр керак уртанса ёнса ёлина,
Ераб еб ётса отининг ёлина.
Ит улуми бирла улса яхшироқ,
Эр отониб душманига ёлина.

(Ҳазрат Навоийнинг сузларига қараганда, бу туюқ Абубакр мирзога тегишлидир. Вамбери уни янглиш Шоҳрухга нисбат бермоқда. «Мажолис-ун нафоис»га қаралсин.— С. А.)

У ишқ ва муҳаббатга доир адабиётда ҳам ўз кучини синаб курди. Астойдил севган рафиқаси Гавҳаршод ҳақидаги жуда ҳиссиётли баъзи таъбирларини Ҳирот халқи ҳозир ҳам ҳикоя қилиб юради. Умаршайхнинг ўгли Султон Искандар Шерозий, ҳам туркча, ҳам форсча шеърлар ёзган. Халил мирзо эса туркча шеърлардан иборат буюк бир девон қолдирди. Машҳур шоир Ҳожа Исмаил Бухорий бунинг номини катта ҳурмат билан тилга олади. Илми ҳайъат билан риёзиёт истеъдоди юқорида тилга олинган Улуғбек эса, бундай фанлардан ташқари нафис адабиёт, рассомлик, мусиқа каби соҳалар билан жиддий шуғулланган эди. Улуғбек Қуръонининг етти қироатини ёдаки уқий олган. Бу унинг хотира қуввати фавқуллодда кучли бўлганига далилдир. Отасининг тирикчилигидаёқ вафот этган Бойсунқур (Шоҳрухнинг 836 хижрий, (1433) жумодил аввалнинг 6 куни вафот этган ўгли) ҳар вақт шоирлар, хаттотлар, рассомлар, мусиқашунослар билан ҳамсуҳбат эди. Унинг куп ичиб маст бўлиши туфайли ёш улиб кетган ўгли Бобур мирзодан купгина туркий фардлар колмишдир. Мироншоҳ ўгли Саид Аҳмад мирзонинг «Латофатнома» номли девони ва маснавийси қолган. Булардан ташқари, мазкур руйхатга Ҳиндистонда муғул (бобурийлар — С. А.) сулоласининг асосчиси Бобур мирзони киритиш мумкин. Ўзининг «Бобурнома» эсдаликларида ёзган нарсалари билан у бизнинг куз олдимизда ҳайрон қоладиган даражада ҳам шоир, ҳам сиёсий арбоб, файласуф сифатида гавдаланади.

Темурийлар давридаги сингари маданиятга ҳавас қуймоқ — Андалузия умавийлар давлатининг порлоқ даври билан Арабистондаги аббосийларнинг илк ҳукмронлик замонини истисно этганда — ислом оламининг бошқа биронта жойида содир бўлмади. Шарқнинг «Аланнос оли дина мулкаҳум» (халқ уз подшосининг динига эргашади) қондаси хотирага олинганда, бу ҳолнинг ажабланарли жойи йўқ.

Гарчи темурийларнинг тараққиёт даврига Эронда муғул ҳукмдорлари вақтидаги фикрий уйғонишнинг давоми назари билан қарамоқ лозим бўлса ҳам, аммо фанлар ва санъат Марога, Табриз, Султония саройларида ҳеч қачон Ҳирот ва Самарқанддаги каби куп ва турли шаклларда порламади.

Ўша замоннинг шоирларидан ушбу зотларни зикр қилиш уринлидир. Мавлоно Абдураҳмон Жомий, раббоний ёки илоҳий унво-

ни билан аталувчи бу зот назм ва насрнинг ҳар иккисиди ғоят моҳир; фикҳ, тафсир, ахлоқ, фалсафа, наҳв каби бир неча фанларда ниҳоятда истеъдодли, аруз санъатининг ҳар баҳридан хабардор ҳисобланар эди. Суҳғайлий ёхуд Амир Шайхим Суҳайлий. Илк бор Абусаид мирзо саройида, кейин 20 йилча Мирзо Ҳусайн Бойқаро саройида яшаган ушбу зот Ҳиндистоннинг «Тутинома» масалларини фавқулодда гузал таржима қилган. Қосим Анвар (асл номи Муъниддин Али) замонасининг буюк тасаввуф шоиридир. У аввал Шоҳруҳ саройида яшади. Кейин Самарқандга юборилди ва 837 (1433) йилда вафот этди. Ҳожа Абдулло Отиф. «Темурнома» ёхуд Темурнинг таржимаи ҳолини шеър билан ёзган бу зот «Маснавийғуй» деб аталади. Ҳожа Исмаи Бухорий. Бу зот ҳам Султон Халил, ҳам Улуғбекнинг сарой шоири эди. Улуғбекка аруз илмини ургатди... 845 (1442) йилда вафот этди. Мавлоно Ҳусайн Куброий Урганчда муғуллар тарафидан улдирилган. Уламолардан Абулвафо Хоразмийнинг шогирди машҳур Нажмиддин Кубро наслидан бўлган бу зот тасаввуфга доир шеърлари билан имтиёз топди. Жалолиддин Румийнинг маснавийсига шарҳ ёзди. Ҳожа Абдуллоҳ Марварид — Баёний номи билан бир қанча ғазаллар, мадҳиялар ёзиб «Мунисул аҳбоб» унвонли бир девон ва иншо услубига оид бир тазира қолдирган. Мулла Биноий ҳиротлик бир банно-меъмор угли бўлиб, Мир Алишер билан оралари бузилгунча Мирзо Ҳусайн Бойқаро саройининг илтифотига сазовор ҳолда яшаган. Кейинчалик Мовароуннаҳрга кетиб, Султон Маҳмуд саройи доирасида эътибор қозонган. Ниҳоят, Шайбоний Муҳаммадхон уни сарой шоири қилиб олган. 922 (1517) йилда вафот этди. Муҳаммад Солиҳ жуда гузал шеър йули билан битилган зафарнома — «Шайбонийнома» соҳиби; «Лайли ва Мажнун»га ухшаш туркий гузал ғазаллар ва маснавийлар ёзган. Бобур унинг асарлари адабий қимматини инкор қилади. Бунга Муҳаммад Солиҳнинг Шайбонийга мақбул киши экани ва ўзбек хони саройида яшагани сабаб булса керак. Ҳилолий. Бу зот кўп уқилувчи «Шоҳ ва дарвеш» маснавийсининг муаллифидир. Бобур ҳақли равишда унинг аёлларга муҳаббат ҳақида эмас, балки эркакларга муҳаббат тўғрисида шеър бағишлаш каби уятсизлигини баён қилади.

Сузимиз охирида севинч ва мамнуният билан Мир Алишерни зикр этмоқ лозим. Бу зот гузал бир сиёсатдон эди. У моҳир қумондон, уткир қаламга эга адиб сифатида шухрат қозонди. Ҳар кимга ёрдам курсатгани каби, у шарқий турк адабиётининг асосчиси бўлмаса-да, кейинча ўзининг турк тилидаги битмас-туганмас асарлари билан, Эрон адибларининг камситиши ва кулишларига қарши турк миллати вакилларини чин қалбидан мудофаа этиш билан барҳаётлигида ҳам, вафотидан сунг ҳам ватандошларининг буюк ҳурматига сазовор бўлди. Унинг оламдан ўтганига уч ярим аср бўлса-да, гарчи ҳамма жойдаям халқ уни тушуниб етмаса-да, ammo унинг асарлари озми-кўпми адабиётдан хабардор ҳар бир ўзбекнинг хонадоида энг улуғ уринда турадир.

Темурийлар даврида ақонд, тафсир, тасаввуф каби илмлар би-

лап астойдил берилиб шуғулланган кўп одамлар бор. Булар «фан раҳбарлари»дан бири ёки иккинчисининг маслағини қабул қилиб, шу йилда сўз ёки иншо орқали фаолият кўрсатар эдилар. Ҳар бир адиб ўзига лойиқ фанда салоҳият кўрсатишга мажбур эса-да, аммо бошига шоирлик тожнини қўйдирганларнинг кўпи «улуми илоҳия» ридосини кийсалар ҳам, фақат бир неча кишигина мутахассис олим сифатида шуҳрат қозонган эдилар. Улар ушбулардир:

Мавлоно Осимий. Хивада туғилиб, узоқ давр Қоракулда машҳур Хужа Аҳрорнинг шогирди ва мусоҳиби эди. Хужа Убайдуллоҳ Аҳрор, Баҳоваддин Нақшбандий тариқатининг мудир ва энг муҳлис муршиди. Олим ва мутасаввуф сифати билан шу қадар буюк ҳурмат ва обрў қозонган эдики, уша вақтдаги хонлар бир-бирига рақобат қилгандек унинг ҳусн таважжухига ноил бўлишга интилар эдилар. Шу ҳолда ҳам у, гуё Муҳаммад пайғамбар тарафидан баён қилинган «Алфақр фаҳри» (камбағаллик менинг фаҳрим) сузига фавқулодда риоя этиб, Қоракул яқинида ўз қули билан қуш ҳайдаб, камбағалдай яшар эди. Хужа Аҳрор валий 895 (1489) йилда Қумагирон кентига борган пайтда вафот этди. Унинг эътиқодига оид «Тухфаи Аҳрор» номли китоби кўп кишилар тарафидан ҳозиргача уқилмоқда ва қабрини зиёрат қилиш учун Самарқандга ҳар тарафдан кишилар келадилар.

Мавлоно Фасиҳиддин. Мирзо Ҳусайн Бойқаро саройи доирасида яшаган бу зот Мир Алишернинг айрича ҳурматига сазовор эди. Унинг «Ақоид»дан бошқа тупламлар ҳақидаги шарҳи Урта Осиё мадрасаларида ҳозир ҳам ўқитилади. Вафоти 919 (1513) йилдир.

Мулло Абдуғафур. Жомийнинг шогирди бўлган бу зот шуҳрати унчалик баланд эмас, аммо ўзининг шарҳи билан гузал тақдирланиб, ҳуқуқ олими сифати билан шуҳрат топмишдир. Вафоти 916 (1510) йил. Муҳаммад пайғамбарнинг таржимаи ҳолини ёзган Фуроҳли мавлоно Муайин ҳам машҳур уламолардан ва исломнинг муҳим ходимларидан саналади. Мавлоно Камолиддин Ҳусайн Қуръон тафсирига оид кўпгина асарлари ва адаб-ахлоққа доир мустақил битиклари билан машҳурдир.

Мавлоно Муҳаммад Ғози (ёки Қози) ўзининг «Силсилаи орифон» асари билан машҳур. Тарих илмидан Шарафиддин (Яздий — С. А.) Темур ҳолатини тасвирловчи «Зафарнома»си, Абдураззоқ сермазмун «Темур сулоласи тарихи» номли асарлари билан донг таратган.

Кейинги вақтларда Шарқнинг ун икки динидан баҳс этган «Дабистон» ёзилди. Уламодан У. Джонс буни Шарқнинг энг шарафли ибрати ва энг олий асарларидан ҳисоблайди. Риёзиёт, ҳисоб, одат (правоведение) фанлари ҳам эътиборсиз қолмади. Ниҳоят ҳайратланарли бу даврга оид бизга маълум бўлмаган яна қанча маънавийёт ва фикриёт асарлари мавжуд.

Биз бу ўринда адабиёт тарихи ҳақида муфассал маълумот бермоқчи эмасмиз. Шу боис бирмунча сарф, наҳв ва фикҳ олимлари ҳақида сукут сақлаб, фақат баъзиларининг номини зикр этиб ўтишни лозим кўрдик. Шу даврда яратилган бир неча сарф-наҳв

китоблари ислом дунёсидаги ёшлар қўлида ҳозиргача дастуриламал тутилмоқда ва Ўрта Осиё мусулмонларининг эътиқод ва ибодатга оид купгина хусусиятлари шу вақтларда ёзилган фиқҳ ва услуб китобларига замин бўлмоқда. Осиё ва умумжаҳон мусулмонлари қошида энг нозик санъат ва энг олий мукаммал маънумот саналган, ҳозирда ёлғиз номларигина қолган нимаики бор бўлса, уларнинг орасида Хирот ва Самарқанд ҳукуматлари вақтида тараққий этган нарсалардир. Шулар орасида аввало хаттотликни кўрсатиш мумкин.

Султон Али (Машҳадий — С. А.) бу санъатда камол тоиди ва Амир Алишернинг асарларини кучириб ёзадиган пайтда шу усулни қўллади. Хаттотлик билан бирга мусаввирлик санъати ҳам катта ўрин тутди. Бу санъатда Беҳзод ва Шоҳмузаффар шўхрат топдилар. Гарчи теурийлар сунний мазҳабиға ихлосманд эса-да, ўзларининг китобларини турли рангдаги тасвирлар билан безамоққа, биоларни ҳар хил расмлар билан зийнатламоққа интидилар, сувбўёқ билан ишланган бу расмларда ранг-баранг нақшлар ва жонсиз нарсаларнинг суратлари эмас, балки машҳур хонлар, аскарлар, ҳатто авлиёларнинг тасвирлари ҳам бор эди.

Ислом Осиёсининг ҳозирги аҳолидан хабардор кишилар учун теурийлар даврида раққослар бўлгани тағин ҳам таажжублидир. Бобурнинг баёниға қараганда, уша замонда раққосларнинг биринчиси саидлардан (пайғамбар наслидан) Баҳр исмлиқ бир киши бўлиб, раққослик санъатида гоят мохир экан. Унинг шахсан ўзи бир неча раққосларни ижод этган. Агар ҳозирги бир мусулмон бошиға катта салла ураган бировнинг рақс этаётганини кўрса, қанчалиқ даҳшатға тушар эди.

Замонлар шу даражада ўзгариб, теурийларнинг инқирозидан сўнг Ўрта Осиё ҳам олиймақом маданиятдан ва ҳақиқий нафосатға берилишдан айрилиб, ниҳоятда жаҳолат ва ваҳшатға тушдики, у бундан сира ҳам озод бўла олмас. Маданият даври сўниб, унинг ҳукмронлик ҳаёти ҳам заифликка юз тутди. Вақти билан ҳукмдорлар Ислом Осиёсининг энг муҳим қитъаларида бир неча асрлар мобайнида нуфузини ўтказган Бухоро ва Самарқанд жаҳон тарихи саҳифасида уз вазифаларини йўқотдилар. Гоят гузал ўтган замоннинг нақадар гузали бўлган Мовароуннаҳр давлати бундан эътиборан қашшоқ Бухоро хонлиги тарзида таназулга юз тутди.

ЎЗБЕКЛАР ВА ШАЙБОНИЙ МУҲАММАДХОН **Ҳижрийнинг 906—916 йиллари (1500—1510)**

Турк халқининг қадимдан қолган бир одати бор: агар ҳукмдорлардан биттаси мамлакатни яхши идора қилса ёхуд мамлакатға янги бир усул ва тартиб киритиб, ўзига хос хизмат кўрсатса, унинг номини мангу қолдиришға интилади. Шу тариқа у бир тарафдан ўзининг ҳукмдорини қавм бошлиғи ўрниға қўяди-да, бу билан баробар ҳукуматнинг ривож йўлиға ва умумжаҳон тарихиға киришини гузал бир суратда ифода қилади.

Масалан, биз бу ҳолни салжуқийларнинг катта қувват ва шиддат билан ғарбий Осиёга кириб борганида ва кейин қадимги Шарқ (Византия) императорлиги ўрнида ўзлари ҳукумат таъсис этган туркларда кўрамиз. Улар ўзларини биринчи ислоҳотчи, қонунчи бўлган подшоҳлари Усмон номига нисбат бериб усмонли деб атамоқдалар. Худди шу ҳол Кук Урданинг шарқида, Волга билан Орол денгизи орасида яшовчи турк-муғул қабилаларида ҳам мавжуд; улар Жўжи сулоласидан туққизинчи ҳукмдор бўлган Ўзбекхон исмига нисбат бериб, ўзларига бир сиёсий қўшма ном — ўзбек номи қабул қилганлар. (Ўзбекнинг ҳарфан маъноси «шахсан» ўзига мустақил ҳужайин», эркин демакдир. Шоён диққатга сазоворки, бу сўз муҳим маъноли унвон исми бўлиб, эски можорларда (венгерларда) ҳам учрайди. Шу мазмунда 1150-йилларга оид ҳужжатларда ҳам бу ибора мавжуд — А. В.) Абулғози ўзининг «Ша-жараи турк» асарида улар ҳақида шундоқ нақл қилади: «У (Ўзбекхон — С. А.) ҳар кимни хизматига қараб ҳурмат ва тақдир этар эди. У ўзининг халқини ислом динига киргазди ва у орқали кўп одамлар ислом динига мушарраф бўдилар. Шу боис Жўжи халқи ўзига ўзбек исмини қабул этди ва бу ном унга охири замонгача қолажакдир. Ҳаммер ҳақли равишда айтганидек; Ўзбекхон ўз халқининг маҳдийсигина эмас, балки қипчоқ тахтига зийнат берган тўрт улуғ ҳукмдорнинг (кейинги учтаси — Боту, Барка, Тухтамиш) учинчисидир. Араб сайёҳи Ибн Баттута тарафидан зикр этилган ҳамда теурийлар ҳокимияти вақтида зоҳир бўлган бу ном Ўзбекхоннинг ўз даврида ҳам, ундан кейинги йилларда, яъни унинг насллари ҳукмронлик қилган пайтларда ҳам бир муҳим вазифани бажармади. Фақат 150 йилдан сўнг, кучли Олтин Ўрда давлати тўрт қисмга бўлиниб, Русияни татар ҳокимияти ҳукми остидан халос этган Иван Васильевичнинг кураши оқибатида юқори Волгада Жўжи авлодининг ҳукмронлиги тугатилди. Шундан сўнг биз ўзбекларнинг ҳокими Абулхайрхоннинг Сарой ҳокимиятига итоат қилишдан бош тортганини, хонлик олий ҳуқуқидан фойдаланувчи шаҳзодалар ҳам тобелар орасида бўлганини кўрамиз.

Шимолдаги христиан дунёси ислом ҳукумати устига қилган тажовуз вақтида Абулхайрхон ўзининг чодирлари ва кўчманчи халқи билан аста-аста Шарқий саҳро вилоятлари ичига чекинишга мажбур бўлди. Кук Урданинг сўнгги хони Кичик Муҳаммад идораси вақтида у хийла аҳамият касб этиб, шу даражага етдики, теурийлардан Абусаид, Муҳаммад Жўжи, Ҳусайн Бойқаро, юқорида баён қилинганидек, ундан ҳимоя сўрадилар. Кичик Муҳаммаднинг инқирозидан сўнг Қипчоқда Жўжи тахти бутунлай емирлиди.

Ўзбеклар ғарбдаги Сарой ва жанубдаги Мовароуннаҳрда, ривожланган ислом маданиятидан узоқда яшар эди. Улар утروق ҳаётга аввалдан кўникиб, теурийларнинг юксак маданиятга интилишлари туфайли нозиклашиб, эски туркларча жанговарлиги сустлашиб қолган қардошларига нисбатан Турон лашкарига хос қаттиққўлликни ўзларида кўпроқ сақлаган эдилар. Ислом дини

булар орасида номига таркалган эди, ўзбек халқининг ўзи каби турмуш тарзи ҳам турк-муғул халқининг қоришиб кетган урф-одатларидан иборат эди. Аму ва Сирдарё буйларидаги турклар тадрижан тил ва адабиёт бирлиги ва Эрон ҳаётининг нозик жиҳатлари билан таниш бўлган бир пайтда ўзбеклар ҳануз кўп ва от териларига сорилган ҳолда гуяндорлик билан машғул эди. Маънавий ҳаётларида эса, миллий авлиёлари саналган сохта кароматчи дарвеш Хужа Аҳмад Яссавийни ўзларига шир этар даражадагина тараққий этган эдилар, холос.

Ўзбеклар донмий утроқ яшай бошлаганларидан кейингина ўзларининг аввалги қуполликларини ташладилар. Илк бор чигатой номи билан Мовароуннаҳрнинг маданиятли, утроқ туркий халқ, ўзбек номи билан эса шимол-ғарбдаги маданиятсиз саҳро аҳолиси аталар эди. Бу муносабат кейинчалик бутунлай ёки янги замонга қадар аксинча англашиладиган бўлди; яъни, ўзбек аввалги чигатой ўрнини олди, қирғиз ёки қозоқ деб маданиятсиз туркларни атай бошладилар.

Абулхайрхон ўзи яшаб турган давр аҳволини жуда яхши билар эди. У Марказий Осиёнинг уша вақтдаги аҳвол-шароитини эътиборга олгани ва имконияти йўқлигини билгани учун истило фикрига берилмади, аксинча, бир-бирларининг қонига ботиб, жанжаллашиб ётган Темур авлодларига баъзан-баъзан ёрдам бериш билан қаноатланди. У фақат Абусаид фойдаси учун қарашмади. Манучеҳр мирзо ва Султон Ҳусайн Бойқарони қувватлади. Абулхайрхоннинг ўзбеклари доимо кўп ўлжалар билан қайтар эдилар. Унинг қирқ йилга яқин ҳукм сурган ҳокимияти саҳро хонлигининг энг шонли даври ҳисобланади.

Туркманларда бир мақол бор: «Саҳро қавми ғоят тез тарқалиб кетади, аммо ишончларнинг бахти ундан ҳам тез тарқалади». Абулхайрхоннинг шавкат-шони душман ва ҳасадчиларнинг унга суиқасдларини тайёрлади. Қушинидаги саҳро хонлари унга қарши бирлашдилар. Ҳатто юқорида тилга олинган Бурга Султон каби ўзининг яқинлари ҳам буларга қушилдилар. «Отаннинг юртига душман ҳужум қилса, сен ҳам уларга қушилиб бирга тала» деган татар мақолига мувофиқ улар ҳаммаси бирликда унга қарши ҳужум қилдилар. Шу боис у кучсизланди. Унинг вафотидан кейин кўп нуфузли оила аъзолари саҳронинг ҳар тарафига тарқалиб кетдилар. Ўзидан кейин қолган ўн бир углидан ёлғиз бешинчи угли — Шайх Ҳайдар Султонгина ўз урнида қойим эди, аммо унинг ҳам қуруқ исмидан ўзга нарсаси йўқ эди. Шу учунми, унинг нуфуз ва ҳокимияти ҳам қисқа бўлди. Ўзбеклар ўзларининг эътибор ва ишончларини Абулхайрнинг набираси шаҳзода Муҳаммад Шайбонийга қаратган эдилар, уни Шоҳбахт деб атардилар. Бу зот ўзининг ёшлигига қарамасдан истиқбол учун энг порлоқ умидлар туғдирган эди.

Шайбоний, биз уни шу ном билан атаймиз, отаси Будоқ Султон билан онаси Қўзибегимдан ёшлигида етим қолиб, укаси билан бирга отасининг содиқ хизматкори Қорачабекнинг ҳимоясида

яшади. Қорачабек бу шаҳзодага камоли садоқат билан хизмат қилди. Шайх Ҳайдарнинг вафотидан сунг Қорачабек хийла улгайган бу етим шаҳзодаларни олиб Абулхайр оиласининг душманларидан Сирдарёнинг қуйи тарафларига қочиб кетишга мажбур бўлди.

Шайбоний бу ердан қайтиб келгач, улуг бобоси урдусининг турли тарафларга тарқалиб кетган кишиларини муқаддас қон қасосини олиш баҳонасида атрофига туплади. Кераклигича тайёргарликдан сунг, сулоланинг йўқолган шон-шавкатини қайтармоққа аҳд этди. Хусусан, Абулхайрхонга олчоқларча хиёнат қилган ва айни пайтда Сирдарёнинг юқори оқими томонидаги бир ўрмон этагида яшаётган Бурга Султондан қасос олиш қасдига тушди.

Шайбоний куч туплаб, тайёргарлик кургунча Бурга Султон билан ривкорона тарзда дуст тутинди. Тайёргарлик охирига етгач, инсондан-да қасоскорроқ, сахрога ҳақиқий бир даҳшат солувчи узоқ киш кечаларидан бирида, содиқ уч баҳодири билан душмани Бурганинг саройига ҳужум қилди. Унинг оила аъзолари ва қариндошларидан куп кишини қатл этди. Қочган Бурга Султон ҳам улимдан қутулиб кета олмади, Шайбоний уни топтириб, қатл эттирди. Мазкур муваффақиятли ҳужумдан кейин ёш шаҳзода хийла кучайган ўзбек суворийларига бошлиқ бўлди. Уларнинг паноҳида зўр жангларда қатнашиш учун имконият топди.

Марказда аҳвол шу тарзда кечгач, эндиликда темурийлар билан туқнашмасликнинг иложи йўқ эди. Бу даврда Самарқанд тахтининг эгаси Абусаиднинг ўғли Султон Аҳмад эди. Мамлакатнинг шимолий чегараси ноиб эса Қушлиқхон ўғли Мажид тархон эди.

Шайбоний ундан ўз хизматига олишни илтимос қилди, Мажид тархон розилик берди, ойлик ҳам белгилади. Лекин Мажид, ўзбек бошлиқларининг елкасига чиқиб олиш таҳликасини ҳис этгандан кейин, хавфдан қутулиш учун уларни Бухоро ҳокими Абдулали тархонга юборди. Бухоронинг мутлақ ҳокими Абдулали тархон саройи зийнат ва ҳашамат жиҳатдан ўзи тобе ҳукмдорнинг саройидан кам эмасди. У ўзбекларни яхши қабул этди ва муғуллар шимолий-шарқдан ҳужум қилганда, улардан фойдаланди.

Туркистоннинг шимолий вилоятларидаги имтиёзли ҳокимлар (тобелар) исён кутарган пайтда, Абулхайрнинг ворисларидан исённи бостириш учун фойдаланилди. Лекин ўзбек шаҳзодалари бу ерни ўзларининг она-Ваганларидек ҳис этганлари учунми ёки туплаган кучлари таъсири биланми, хуллас, ҳар қандай қуролли хизмат учун туланган оддий маошга қаноатсизлик қила бошладилар. Шу боис Ўтрор, Соврон, Сиғноқ шаҳарларини уларга бериб, рози қилиш лозим курилди. Кейинчалик ғоятда кенгайиб кетган Шайбоний мамлакати шу тарзда таъсис этилди.

Ўзбек шаҳзодаларга уларнинг купгина тарафдорлари ва ботирлик ҳаракатларини сеувчи сахро фарзандлари -- орқа томондан ёрдам этгани майдонга чиқиб келаётган шайбонийлар билан инқирозга учраётган темурийлар уртасидаги тинч муносабатнинг узоқ давом этмаслиги табиий ҳол эди. Туқнашувнинг сабаби тез

топилди. Султон Аҳмаднинг тириклик вақтидаёқ Шайбоний келажакни уйлаган ва ноиб Мажид тархонга қарашли Сирдарёни жабр курган сифатида тортиб олган, эндиликда аввалгидай маошга хизмат қилишдан воз кечган шундан буён Темур сулоласининг қурқинчли душманига айланган эди. Ёш кучманчи хонларнинг ғоятда кучайган жанговар аскарлик руҳи уларнинг узаро низою жанглари учун кифоя эди, бундан ташқари, шу замонда Мовароуннахрнинг ниҳоятда чувалашиб кетган сиёсий ҳаёти, бекларнинг бошбошдоқликлари каби ҳолатлар Шайбонийнинг мамлакатни истило эшитишга сабаб бўлди.

У 905 (1500) йилда биринчи марта Самарқандга тажовуз қилди. «Шайбонийнома» муаллифининг баёнига қараганда, Шайбонийнинг биродари Султон Маҳмуд Бойсунқур Мирзо замонида ҳам Жиззах атрофига ҳужум қилиб, катта талофат билан чекиншига мажбур бўлган. Хабарсиз ҳужум бошлагани учун Шайбоний биродарига танбеҳ берган ва мағлублик интиқомини олиш учун минг йигити билан дархол Сирдарёни кечиб ўтган. Аммо унинг бу юриши аскарлар хиёнати туфайли муваффақиятсиз чиққан. Шайбоний мажбуран орқага қайтган.

Шайх Мансур Шайбонийнинг пири эди. У пирининг: «Ўртасидан эмас, четларидан бошламоқ лозим» деган рамзий сузларига мувофиқ мамлакатларни истило қилиш фикрига тушди. Аввало у атрофдаги турк бекларига мурожаатнома юбориб, уларни темурийлар ҳокимиятини бутунлай тугатишга даъват этди. Бунга айна фурсат келганини англатди.

Темурийлар ҳокимиятнинг таянчлари нечоғли чириган, асоси бушашганига қарамай, Самарқанд ҳукмдорига содиқ турклар ҳамон кўп эди. Шайбоний ҳар ҳолда аввало буларни тамоман ўз тарафига жалб қилишни лозим кўрди ва бунга эришди. Булар орасида энг муҳимлари — Кучим Султон, Суюнчхўжа Султон, Ҳамза Султон ва Маҳди Султонлар эди. Ана шундан кейин у узининг аввалги ниятини амалга ошириб, кучли тайёрланган қушин билан Самарқанд устига юрди.

Бобур бу ердан Андижонга қайтиб кетгач, давлат бошида қолган Султон Али номигагина ҳоким эди. Улуғ боболари 400 йилдан буён Самарқандда Шайхулисломлик қилиб келаётган қози калон Хожа Абулмакорим (асл номи Хужа Яҳё) ҳақиқий ҳоким эди. Лекин уларнинг ҳар иккови ҳам раҳбарлик ишларига уқувсиз эди, мамлакатга таҳдид солаётган хавфни даф этишга қодир эмасди. Ун кунлик қамалдан кейин Шайхзода эшигидан чиқиб қилинган ҳужум муваффақиятли қайтарилгач, Шайбоний Чорраҳа дарвозасидан кириб, Боғи навга бориб етди ва душман лашкарини ҳам уз изнига солди.

Уруш кун урталарида бошланди. Шайбоний ўлимга тик боқиб, урушда шахсан ўзи иштирок этди. Бутун тун бўйи ҳар икки томондан қирилиш давом этди. Эртаси Шайбонийга хизмат қилган Абдулалӣ тархоннинг ўгли Боқи тархон Самарқандга ёрдамга келди, унинг Дабусия истеҳкоми ёнида қароргоҳ қургани ҳақида ха-

бар олинди. Ўзбеклар шу муносабат билан Самарқандни қамалдан бўшатиб, тез суръатда Бухорога чекиндилар. Ўзининг бутун ёрдамчи аскарларидан айрилиб қолган Бухоро учун ўзбекларга шартсиз таслим бўлишдан ўзга чора йўқ эди. Шайбоний Бухорони ўзининг бош қароргоҳи қилди. Онаси билан оиласини шу ердаги саройга жойлаштиргач, лашқари билан Қоракул устига юрди. Чунки бу ер биринчи марта забт этилгач, Бобой Султон раислигида қолдирилган муҳофаза қисмлари шиддат билан ағдариб ташланган эди. Шу боис уни янгидан забт этишга эҳтиёж бор эди. Ҳолбуки, ўзбек ҳарбий қонунининг бутун шиддати билан исёнкорларга жазо берилганидаг кейингина Самарқандни қайта қамал қилиш мумкин эди.

Самарқанд янгидан қамалга олинди. Шаҳардагилар туққиз ой қаттиқ қаршилик кўрсатди. Агар амаллараст Хужа Абулмакорим билан хон Султон Али орасидаги ихтилоф очиқдан-очиқ душманликка ўтмаса, эҳтимол, мустаҳкам бу қалъани эгаллаш муддати яна бироз орқага сурилиши мумкин эди. Бу зиддиятли аҳволдан яхшигина воқиф бўлган Шайбоний Самарқанд ҳукмдори Султон Алига: «Хожа васийлигида яшашдан ҳали ҳам тўймадингми, Абулхайр хонадонидан инояти раббония билан туғилмиш юлдузни табриклар, ҳаётингни у билан дўстлик йўлида излашга ҳалиям вақт етмадими?» мазмунида мактуб ёзди. Шайбоний ўзининг бу дўстлик таклифи яхши ниятда ёзилганини кўрсатмоқ учун Султон Алининг онасини ўзига хотинликка суради. Султон Алининг онаси бунга розилик берди. Бу ишлар шу даражада махфий қилиндики, бир жума куни Шайбоний Муҳаммадхон қамалдаги Самарқанд шаҳрига бир тарафдан кириб келди. Бундан мутлақо хабарсиз Хужа Абулмакорим шаҳарнинг иккинчи тарафидаги масжидда ўтирарди. Бу воқеа 906 (1500) йилда содир бўлди.

Шошиб колган Самарқанд аҳолиси ўз тақдирига тан берди. Ўзбек хони билан Султон Аҳмаднинг тул хотини Зухра бегим ўртасида никоҳ ўқитилди. Лекин Бобурнинг ҳикоясига кўра, унга оддий оқсочлардек муомала қилинган. Шундан сўнг Султон Али тезда вафот этди. Унинг улими мажбурий суратда бўлганлиги хусусида гаплар бор. Дарвоқе, бу ваҳший ва йиртқич саҳро халқининг ҳокимияти Самарқанд ва унинг атрофидаги эллар учун жуда малол келди. Шу боис самарқандликлар ҳар турли йўллар билан бу маҳкумлик занжиридан қутулиш чорасини излай бошладилар ва ниҳоят, олижаноб Бобур мирзони ўз боболарининг пойтахтини озод қилишга даъват этдилар.

Юқоридагилардан англашилган ва ўз сулоласи манфаатига гоят содиқ Бобур бу даврда ўзининг бир неча садақатли тарафдорлари билан Зарафшоннинг юқори жойларида қушин тўпламоқда ва Хожа Абулмакорим ҳам унинг ёнида эди. 906 (1500) йилнинг куз фаслида, қоронғи бир кечада хўқандликлар Самарқанд дарвозаларига яқинлашуви билан халқ уларга қўл узатди. Шайбоний Самарқандни қанчалик осон олган бўлса, шунча енгил бой берди. Чунки ўзбекларнинг аксариси Қоракул чулидаги қароргоҳда эди-

лар. Шу боис бирликда ҳаракат қилишга сира имкон йўқ эди.

Биринчи жангда 400 тача аскардан айрилгач, эртаси куни ўз аҳволини фалокат билан тугадини сезган Шайбоний тез қутулиш учун барча чора-тадбирларни кўриб, Бухорога чекинишдан бошқа чора топмади.

Бобур Самарқандни янгидан ишғол қилди. Лекин унинг бу ердаги ҳокимияти баҳоргача, яъни ҳормай-толмай турган ўзбек хонининг етарлик даражада аскар тўплаб, янгидан ҳужум бошлаш давригача етди. Онгсиз, шиддатли ҳужумлар ва шу пайтда ҳар икки тараф намойиш қилган ҳамда ҳайратга соладиган қаҳрамонликлар тула умумий урушлар Бухоро — Самарқанд орасида, Сарапул ёнида содир бўлди. Бутун ғайратлари зое кетиб, Бобур бу урушда енгилди. Кўп қийинчиликлар билан Самарқанд қалъасига мажбурий қочиб кириб, омонсиз таҳдиддан қутулди.

Бобур бу ҳарбдаги фалокатнинг асосий сабабини ёрдамчи муғул аскарларининг хиёнатларида курса-да, бундан бошқа сабаблар борлиги ҳам инкор қилинмаслиги лозим. Ҳиндистон кейинчалик муғул (Бобурийлар — С. А.) мамлакатини барпо этган Бобур ва саркардаларининг мана шу буюк жангда кўрсатган матонат ва қаҳрамонликлари ҳар жиҳатдан тақдирга лойиқ, албатта. Аммо Бобур лашкарининг сони, «Шайбонийнома» муаллифининг ривоятига кўра, 40 мингга етса-да, Мовароуннаҳрда ва Андижонда тинч ҳаёт кечирган аскарларнинг жанговар ва шафқатсиз ўзбекларнинг тажовузига қарши туришлари учун имконият йўқ эди.

Бу урушда Бобур катта зиён кўрди. Зобитлари орасидан уч Иброҳим (Иброҳим тархон, Иброҳим Сори, Иброҳим Жоний) ҳалок бўдилар. Ҳар қанча мунаввар фикрли эса-да, кейинчалик ҳам хурофотга ишонишдан халос бўла олмаган Бобур учун бу машъум воқеа бир фол сифатида ҳар вақт кўз олдида турарди. У муҳорабани аввалги ғайрати билан ҳар қанча давом эттириш учун Самарқандда тайёргарлик курса-да, Мовароуннаҳрда теурийлар ҳокимиятининг бундан кейин қайтариб бўлмаслик фикрига афсуслана қаноат ҳосил қилишга мажбур эди.

Шайбоний ўзининг ғалабасидан фойдаланиб, рақибларини тезкорлик билан таъқиб эта бошлади ва Самарқандни қаттиқ қамал қилди. Турт ой чўзилган бу қамал Темур пойтахти тарихидаги энг оғир дамлардан эди. Қамал қилувчилар гузал пойтахт атрофидаги бойлик ва неъматлардан ўзлари хоҳлаганча фойдаландилар. Аммо қамалдаги чигатойликлар эса, озиқ-овқат етишмаслигидан мусулмонлар қошида фавқулодда ёмон саналган от ва эшак гўштлари, ҳатто усимлик илдизларини тановул қилишга мажбур бўдилар, отларига эса пайраҳа бердилар. Бунинг устига тартибсизлик ва итотсизликлар қўшилди. Ниҳоят, Бобур бум-буш қалъа ичида ўзининг ёлғиз қолганини кўриб, минг турли таҳлика ва қўрқувлар орасида, ҳечқурса ўз ҳаётини сақлаб қолиш қасдида, бир кечада Шайхзода дарвозасидан чиқиб, қалъани тарк этди. Катта опаси Хонзода бегим эса асир тушди. Шайбоний уни никоҳига олди.

Самарқанд ва у билан бирга темурийлар ҳокимияти шу тарзда инқирозга учради. Интиқом хисси жўш урган ўзбеклар шаҳарда бор нарсанинг ҳаммасини талон-тарож қилдилар. Аҳолиси голибларнинг жазосидан қўрқиб, қочиб қутулиш йўлига тушдилар. Булар орасида Шайбонийнинг жуда хавfli душмани, муваққат оқсоқол Хўжа Яҳё ҳам бор эди. У ўзини тапитмаслик учун мусулмонлар назарида жуда ёмон курилган бир ишни қилди. Соқолини қириб ташлади. Лекин бу билан қутила олмади. Танилиб, тутилди ва Шайбоний ҳузурига келтирилди. Шайбоний нега бунчалик фано бир ишга ботинганини сўраганида, Хўжа Яҳё: «Худо ёндирган шамни сўндирмоқ учун уни пуфлаган одам ўзининг соқолини ёндирадир» қабилда форсча Сир шеър билан жавоб берди. Лекин худонинг шами, яъни Шайбоний, унинг бундай самимийлигига аҳамият бермади. Жамоат талаблари билан юргани учун Хўжа Яҳё бошини жаллодга таслим этишга мажбур бўлди.

Шайбоний аввалги сулола тарафдорларига ғоятда қаттиққўл ва марҳаматсиз муомала қилиб, одамларни хавф ва даҳшатга солди. Бунинг ёрдамида Уратепа атрофида ўзига қарши хавф ва ташвиш орттираётган биродари билан битим тузгандан кейин, қўл остидаги озгина лашкар билан Амударёни кечиб ўтиб, ҳаракат бошлашга имкон топди. Ўзбек фотиҳининг қаноати ва камтарлиги, сабру қаҳрамонлик даражаси жуда таажжубли эди.

Самарқанд тахтини эгаллаши биланоқ Шайбонийни Хуросон яйловлари жалб эта бошлади. Лекин у ерда, Ҳирот тахтида кучли ва шавкатли Мирзо Ҳусайн Бойқаро ўтирарди. Шайбоний унинг ҳолидан хабардор эди. Шу боис у Бойқарога тўғридан-тўғри душманлик ҳаракатини бошлашдан тортиниб, Хуросоннинг Мирзо Ҳусайн ҳокимиятига тобе, лекин заиф жойларига тажовуз бошлади. Буларнинг биринчиси Балх эди, унда шаҳзода Бадиуззамон Мирзо Ҳусайнга қарши исён байроғини кутарган эди. Иккинчиси Султон Аҳмаднинг собиқ вазири Хисравшоҳ мулкига қарашли ерлар эди, Шайбоний ўз ҳомийсининг ўғилларини инкор этиш йўли билан четлаштирганидан кейин, Ҳисор, Хатлон, Қундуз, Бадахшонни ўз мамлакатига қўшди.

Шайбоний Мирзо Ҳусайн Бойқаро билан урушга киришишдан олдин юртининг орқа томонларини таҳликадан асраш, яъни Бобурнинг мўғул қариндошлари Хоника Султон ва Олача Султонлар билан жанг қилиб, уларни енгишни лозим кўрди. Сирдарёнинг ўнг соҳилида, Шоҳрухия ва Тошкент атрофларида уларнинг мўғул ва қалмоқлардан иборат хийла кўп лашкарлари мавжуд эди. Қисман ҳасад, қисман ўзларининг омадсиз қардошлари Бобурнинг ўчини олиш учун улар ҳар турли йўллар билан ўзбекларга зарар келтирар эдилар.

Буларга қарши биринчи юриш Самарқандни забт этилган йилиёқ бошланди. Ниҳоятда совуқ қиш куни Шайбоний пўстинларга ўралган бир қўшин билан шимолга қараб юриш қилди. Биродарлари Султон Маҳмуд, Темур Султон билан биргаликда эса жасур ўзбеклардан иборат олти минг кишилик бир илғор (авангард)

тузилса ҳам, аммо қаттиқ совуқ, эҳтимол, булардан ҳам жанговар мўғуллар уларнинг ҳаракатига моне бўлгани учун, ҳеч нарсага эриша олмадилар ва буз саҳроларда Шайбонийнинг қалбидаги ваҳший урушқоқлик ҳарорати суниб, орқага, Самарқандга қайтди, Мўғуллар уни Уратепагача таъқиб этдилар. Гарчи бу шаҳар бултур ёзда қайта забт этилиб, Хоника Султон билан битим тузилсада, ҳақиқатда бу сулҳ эмас, балки тadbир эди. Чунки Шайбоний Хисравшоҳ мулкига бостириб киргандек, мўғуллар яна Шайбонийга қарши душманлик ҳаракатини бошладилар. Бу гал улар чегарадаги жойларга эмас, балки Шайбонийнинг Ҳуканддаги ноиб Танбал Султон ерига ҳам ҳужум қилдилар.

Танбал эса Шайбонийдан ёрдам кутишга ҳақли эди. Чунки у, биринчидан, узининг фитнаси билан Бобурнинг тахти йўқолишига сабабчи бўлган бир киши эди, иккинчидан, ўзбек ҳужумига қарши турадиган кучга эга эмасди. Шайбонийнинг ҳозирги хориждаги тажовузларидан воз кечиб, бутун куч-қувватини Турон ичидаги ўз душманларига қарши қўйиш учун бошқа сабаблар ҳам йўқ эмасди. Шайбоний ўз табиатига кўра жасур ва шуҳратпараст эди, Агарда Сирдарё билан Ғуби чули орасида яшовчи мўғул ва қалмоқларга суянган Хоника билан теурийлар бир иттифоқ тузсалар, ўзбекларнинг бутун режа ва мақсадларини барбод этишлари аниқ эди. Шайбоний буни жуда яхши англагани учун 911 (1505) йилда узининг бутун ҳарбий қудрати билан аввало Шоҳрухия устига юриш бошлаб, уни қамал қилишни амр этди. Сунгра Сирдарё бўйига юриб, Ахсига қадар борди, ундан ўн беш мил масофада мўғулларнинг бирлашган ва жангга ҳозир лашкари турарди. «Шайбонийнома» муаллифи хар икки тараф лашкарининг ўзига хос айрим белгиларини ҳамда ўзбекларнинг ғалабаси билан тураган бу қонли жангларнинг энг каттасини гоят жонли ва мароқли бир суратда тасвирлайди.

Хоника биродари билан асир тушди ва Шайбоний ҳузурига келтирилди. Улар, ҳеч шубҳасиз, улим кутганлари ҳолда, Шайбоний омонлик ато этди ва улуғ олижаноблик кўрсатди, ҳатто баъзи бир нарсаларни ҳикоя қилиб, фалокатга учраганликлари учун тасалли берди. Уларнинг ўзларига ҳам, яқинларига ҳам, мулкларига ҳам тегмаслик хусусида сузлаб, уларни тинчлантирди. Шайбоний буларнинг оналари қумондонлик қилган Шоҳрухия қалъасининг таслим бўлишини талаб этди. Узининг болаларига шафқат ва олижанобона муомала кўрсатилганини эшитиб, бу аёлнинг қалби юмшади, қалъани ўз ихтиёри билан топширди ва бунинг эвазига сулҳга эришди.

Шайбоний орқа тарафдаги мухолифлардан қутулганидан кейин, энди ҳужум назарини Амударёнинг чап соҳилидаги рақиблари устига қаратди. Лекин бу уринда аҳвол бир оз узгарди. Ҳисор, Қундуз, Хатлон, Бадахшон ҳокими Хисравшоҳ билан Султон Ҳусайн Мирзо қўл остидаги беклар эркинликни қўлга киритиш учун ҳар қанча уринишларига қарамай, улар орасидаги низолар шиддатли давом этсада, умумий бир таҳликанинг пайдо бўлишини

пайқаб, Шайбонийга қарши турмоқ учун иттифоқ туздилар ва бирлашдилар. Лекин бу иттифоқчилар узларининг барча тадбирларини амалда қўлласалар-да, ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмадилар.

Шайбоний аввало Хисравшоҳга уруш очган эди. Лекин Танбалхон ўз валинеъмагига қарши исён кутаргани учун Шайбоний янги урушдан ўзини тўхтатган эди. Шу боис Шайбоний ўз мамлакатининг шимоли-ғарбий chegarасига янги куч юборишга мажбур бўлди. Исён куфрони неъмат Танбалхон учун етти биродар, ва сингиллари билан бирликда ҳаётларидан айрилиш билан тугади.

Шайбоний бундан кейин тезлик билан Амударёнинг сўл соҳилига ўтди. Унинг бу ҳаракатидан сўнг мухолифларининг бирлашган лашкарлари дарҳол Хатлонга чекиндилар. Бу даврда Бобур Хатлонда энг кўп танилган бир одам эди. Шу пайтда Шайбонийнинг биродари Султон Маҳмуд Қундузнини олди ва шу ерда касалликдан вафот этди. Айни замонда Султон Ҳусайн Мирзонинг энг содиқ тарафдорларидан Хоразм ҳокими Чин Суфига қарши Шайбоний ҳаракат бошлади. Лашкарнинг илғорига Шайбонийнинг ўзи қўмондан эди. Ҳировул ва қоровул ўрнида ўн тўрт кунлик ёш рафиқасининг бағридан айрилиб, уруш майдонига отилган шаҳзода Убайдулло раҳбарлигидаги лашкар борар эди.

Черикнинг Амударёдан кечиб ўтиши каттиқ қиш вақтига тўғри келди. Шайбоний қўшини, орадан кўп ўтмай, Чин Суфи урдусининг энг муҳим аскарари ҳисобланган туркманлар қаршисида жойлашдилар. Тарафларнинг кучлари деярли бир-бирига тенг эди. Шунинг учунми, ҳозирги Хиёга билан Ҳазорасп орасидаги Хоразм қалъасини қамал қилиш узоқ давом этди. Қалъадагилар таърифга сизмайдиغان даражада фавқуллодда бир қаршилиқ кўрсатдилар. Чин Суфининг четдан ёрдам олиш умидини сўндириш учун Шайбоний аввало Хисравшоҳни йўқ қилишни лозим кўрди. Амударёнинг юқори томонида жуда кучли саналган Хисравшоҳ Шайбоний қўшини зарбига дош беролмай, мағлубиятга учради. Қочиб бораётган пайтда тутилди ва ўзининг содиқ 700 нафарни билан ўлдирилди. Унинг боши кесилиб, Чин Суфига юборилди. Чин Суфи бу пайтда оч аскарлари ҳимоясида харобалар орасида кезмоқда эди. Лекин бу «туҳфа» қаҳрамон Чин Суфини даҳшатга сола олмади. У душманнинг барча ҳужумларига олти ой камоли ғайрат билан қаршилиқ кўрсатди. Ниҳоят, Ичан қалъа забт этилгач, Чин Суфи шу қалъанинг харобалари орасида ўз одамларининг ўқларидан ҳаёт билан видолашди.

Самарқанд олингандан сўнгра кечган беш йил ичидаги ана шу кейинги муваффақият туфайли бутун Турон Шайбоний қўл остига ўтди. Унинг урушлар натижасида балққан порлоқ юлдузини Шарқда Андижон, шимолда Шоҳрухия билан Тошкент, жанубда Ҳисор, Бадахшон, Балх ва ғарбда Хоразм табрик этди. Самарқандни босиб олиш арафасида қўй териларига чувралган ўзбеклар энди Мовароуннаҳрнинг бойлик ва фароғатига кўмилдилар

Абулхайр ворисларининг шавкат ва қудрати ҳақидаги хабарлар узоқ мамлакатларга ёйилди.

Шайбонийнинг Султон Ҳусайн Мирзога қарши асосли ҳаракати ана шундан кейин бошланди. Бинобарин, ўзбеклар билан те-мурийлар орасидаги қатъий кураш пайти етишган эди. Шунга қура, ҳар икки тараф ҳам кураш майдонига ўзларининг бутун кучлари билан чиққанликлари ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ-дир. Шайбоний ўзининг жанговар ҳаракатлари билан Амударё ва Сирдарё улкаларидаги барча жангчи унсурларни ўз байроғи остига тушлаш билан кифояланмади, балки энг машҳур тариқат аҳллари ҳам унинг фойдаси учун фаолият кўрсатдилар. Амударё қитъасидаги эрон қавми анчадан буён ўз аҳамиятини йўқотгани учун ҳар турли турк қабилалари талон-тарожга олиб борувчи бу янги Темур атрофига камоли завқ ва ҳаяжон билан йиғилган эди-лар.

Султон Ҳусайн Мирзога келганда, у мамлакатни таҳликага ту-ширмоқ эҳтимоли бўлган хавфни эътиборга олиб, ўғилларига ва қариндошларига фармон юбориб, ўз аскарлари билан тахт атро-фига тулланишга ва мамлакатга бостириб келган ўзбек қўшинига қарши ҳаракат қилишга амр этди. Шу сабабли Ҳиротнинг шимол тарафида Афғонистон, Сейистон, Хуросон, Форс ва Журжон халқ-ларидан иборат анчагина кучли лашкар тулади. Буларнинг бир-гина камчилиги — урталарида бирлик ва иттифоқ йўқлигида эди. Темурийлар узаро майда жанжаллар ва ихтилофлар билан ура-лашган вақт — 911 (1505) йилда Шайбоний Қирқа ёнида Амударё-ни кечиб, Маймана яқинида уларнинг илғорини тамомила мағлуб ва шароканда этди. Шу пайтда Султон Ҳусайн Мирзо вафот қилди. Ўз сулоласининг инқирозини кўрмасдан аввал ўлиши у учун қан-чалик бахтиёрлик бўлса, доимо бир-бири билан низо ва гавгода яшаган ўғиллари учун унинг вафоти шунчалик бахтсизлик эди. Улар иттифоқ ва обрунинг энг сунгги куланкасида Султон Ҳусайн Мирзо билан бирга гўрга кирдилар. Бинобарин, бундан кейинги муваффақият умиди йўққа чиқди.

Султон Ҳусайннинг вориси Бадиуззамон қавм-қариндошларини маслаҳат мажлисига тулади. Уша пайтда Кобул ҳокими бўлган Бобур Мирзо ҳам ўз вазири Жаҳонгир билан маслаҳатда қатнаш-ди. Аммо ўртада самимийлик йўқлигидан бу иттифоқдан фойда чиқмади. Бу даврда Мурғобнинг ўнг соҳилига етиб келган Шай-боний эришажак муваффақиятларига жуда ишонарди. Шу сабабли тез Бадиуззамонга вакил юбориб, ўз ихтиёри билан таслим бўли-шини талаб қилди ва марҳум Султон Ҳусайн Мирзонинг ҳатто улуг бобоси Абулхайрга ҳам ҳурмат кўрсатганини эслатди.

Мағрур темурий — Бадиуззамон Шайбонийнинг вакилига ҳақо-ратомуз жавоб берди. Бунинг учун ўзбеклар қўшини дарҳол Марв-дан ҳаракат қилиб, Марвичак шаҳарчасига келди ва темурийлар лашкарини жангга чорлади. Ўзбеклар ўрдусида ҳар ким олға ин-тилди: Темур Султон, Абдуллахон, Маҳмуд Султон каби қаҳрамон жангчилар илғор сафида эдилар. Темурийлардан фақат қари гене-

рал Зуннун шижоат кўрсатиб, ўзи ҳужум бошлади, аммо жуда тез енгилиб, ҳалок бўлди. Темурийлар лашкари ичида умумий бир хавф-ҳаяжон бошланишига шу кифоя қилди. Шундан сўнг, Саид Абдулла Мирзо Машҳадга қочиб қутулди, Абдулбоқи ва амир Муҳаммад Бурундуқ Сабзаворга, Бадиуззамон ва Музаффар Ҳусайн эса Ҳиротга қочдилар. Лекин орқаларидан ўзбек аскарлари таъқиб этиб келгани учун улар Ҳиротда бир неча соатгина турдилар. Шавкатли Султон Ҳусайн Мирзонинг вориси Бадиуззамон ўз оиласини, бойликларини ташлаб кетишга мажбур бўлди. 913 (24 май, 1507) йилда Ҳирот ихтиёрий равишда дарвозаларини ўзбек аскарларига очди. Шайбоний шаҳарга кирди. У энг қадимги фотиҳларга нисбатан катта бир олижаноблик кўрсатиб, ўша даврда фан ва санъат маркази Ҳиротни яғмо ва ғорат ҳаваскори ўзбекларнинг таҳқир этишига йўл бермади, фақат юз минг танга тавон тўлатиш билан кифояланди. (Бобурнинг хабарига кўра, шаҳар талон-тарож қилинган, жуда кўп зиёлилар жабр чеккан — С. А.)

Шайбонийнинг ўзи шаҳар ташқарисиди урнашди ва қочиб кетган Бадиуззамоннинг оиласи бу ерга келтирилди. У шу пайт Музаффар Ҳусайн Мирзонинг хотинини кўриб, фавқулодда бир суратда севиб қолди. Еши эллик саккизда экани ҳолда унга майл ва муҳаббати шу даражада кучли бўлдики, уни фикридан қайтаришга уринишлар, аёл бировнинг шаръий хотини экани хусусидаги гаплар ҳам таъсир қилмади. Ниҳоят Шайбоний уни никоҳига олди. Олтин, кумуш, қимматли тошлар, дурлар, маржон ва олмослардан иборат хазина ҳам шу ерга, унинг қароргоҳига олиб келинди. Шайбоний Бадиуззамоннинг оиласига номускорона ҳурмат билан муомала қилди. Ўзбеклардан қўрқиб, Бадгиз тоғларига қочган одамлар ҳам кўп ўтмасдан ўз жойларига қайтиб, аввалги ҳаётларини бошладилар.

Шайбоний Сарапул жанги билан Мовароуннаҳр тахтини олган бўлса, Марвичак уруши билан бутун Хуросонни ўз тасарруфига киритди. Қочиб қутулган темурийлар қаршилик кўрсата бошладилар. Аммо гарбий Хуросондаги қадимги мўғул аскарлари сингари ўзбеклар ҳам тезлик билан уларга етиб олардилар ва исён кўтарган қалъаларни қайтадан забт қилардилар. Машҳаддаги Абулмуҳсин Мирзо Марвичак фалокатидан хабар олгач, Ироқда бир оз аскар тўплаган эди. Лекин ўзбеклар Шайбонийнинг угли Муҳаммад Темур Султон ҳамда жияни Убайдуллоҳон қўмондонлиги остида, Жом ноҳияси яқинида тўсатдан темурийлар устига ҳужум қилдилар. Бу пайт уларнинг зобитлари қароргоҳда туни билан айш ва ишрат билан машғул эдилар. Биринчи тўқнашувдаёқ Абулмуҳсин Мирзо ўзининг тарафдорлари билан талафот кўрди. Аскарлари эса тумтарақай қочиб қолдилар.

Хуросоннинг гарбий чегарасидаги Сабзаворда ҳам уруш омади ўзбекларга ёр бўлди. Илк бор урушда қўмондонлик қилган Ибн Ҳусайн Мирзо темурий аскарларнинг қолдиғи билан Сабзаворга чекинган эди. Ўзбеклар шаҳарни забт этдилар. Абулмуҳсин гарчи қочиб қутулса-да, Абулбоқи ва Бурундуқ шаҳзодалар мудофаа

вақтида талафот чекдилар. Темурийлардан ун икки шаҳзода узбеклар қиличидан ҳалок этилса-да, Шайбоний бу билан қоникмади. Ҳиротни забт этгандан кейин уғилларини Хуросонда қолдириб, ўзи Амударёнинг нариги тарафига кетди. Уни Бухорода тантанали қарши олдилар. Лекин унинг мақсади Бухорога келиш эмас, балки ундан утиб кетиш эди. Унинг асл нияти сафардалиқ даврида исён кутарган муғул Юнуснинг уғли Маҳмуд хонни тобе этиш эди, шунинг учун у Сирдарёнинг шимол вилоятига йул олди.

Шайбоний бу ерда тинчлик урнатгач, истило ишини тамомлаш учун яна Хуросонга қайтди. 914 (1508) йилда Журжон вилояти ҳам унга ўтди. Темур авлодининг барча мамлакатларини деярли ўз тасарруфига олди. Шундан кейин уларни бошқаришни мукофот юзасидан ўзининг энг яхши ҳарбийларига тақсимлаб берди. Ҳирот — Жонвафо бойга, Марв — Кубиз Найманга, Балх — хоразмлик Султоншоҳга, Ҳисор атрофи билан баробар Маҳдий ва Ҳамза Султонларга, Қундуз — Аҳмад Султонга, Тошкент — Суюнчи Хўжа хонга, Аҳси — Жонибекка, Андижон — Маҳмуд шоҳ Султонга, Хоразм — Қушчи Купакка, Туркистон — Кучкунчи хонга берилди. Бухоро ва Қорақул ноиблиги Шайбонийнинг укаси Султон Маҳмудга, у вафот қилса, тўнғич уғли ва тахтининг вориси бўлгучи Муҳаммад Темур Султонга тақдим этилди. Бутун мамлакатнинг жавоҳири Самарқанд билан Кеш ва Миёнқал, Аёлти билан бирликда ушбу Маҳмуд Темурнинг салтанатига берилди.

Чингиз билан Темурга тақлидан Шайбоний ўзига олий бош қумондонлик мансабинини олди. Илгари чулларда сарсон бўлган бу одам қурол кучи билан бир неча улкаларнинг ҳукмдори даражасига етди. Жаҳонгирлик йўлида қурол кучи билан у янада илгари босишга ўзида қувват борлигини ҳис этмоқда эди. Эҳтимолки, яқин замонда у каби шуҳратпараст, у сингари ғайратли қаҳрамон ҳамда мамлакатининг чегарасини ғарбга кенгайтириш учун бор кучи билан ғайрат этувчи, Шайбонийдек мамлакатнинг ҳудудини шарққа томон кенгайтиришга интилувчи бошқа бир зот уруш майдонига чўқмаса, ким билади дейсиз, Шайбоний Темур каби янги бир ғаройиб хилқат сифатида кўринар эдими?

Бу янги жанговар шахс ўзининг зоҳидлиги ва тақводорлиги боис Эрон турклари қошида муҳтарам ҳисобланган Шайх Суфи оиласининг фарзанди Шоҳ Исмоил эди (тарихда сафавийлар деб аталади — С. А.). Шайх Суфи ардабиллик бўлиб, мақбараси эронийлар орасида ҳозир ҳам жуда муборак тугилади. Энди 14 ёшга тулган ва ўз тарафидаги сиёсатда душманларини мағлуб қилган Шоҳ Исмоил дин зиёсининг дабдабаси соясида ўз оиласининг оддийгина жойнамозини бутун Эроннинг олий тахтига айлантиришга муяссар бўлди.

Исмоил насл жиҳатидан туркдир. Гарчи маддоҳлари унинг диний шуҳратини оширмоқ учун Суфи наслининг еттинчи имом бўлган Мусодан бошланишини гапирсалар ҳам, Ҳазар денгизининг ғарбида яшовчи етти турк қабилалари одатан уни илоҳ даражасида ҳурмат қилар эдилар.

Исмоил ҳарбий муваффақияти соясида Эрон билан Арабистоннинг катта қисмида ҳокимият ўрнатди. Хусусан, унинг энг зур хизмати ва шуҳратини орттирган нарса шуки, ота-боболари анъанаси бўйича ҳаракат қилиб, мазҳабини қаттиқ суратда ҳимоя этди ва тарғибот воситасида туртинчи халифа ҳазрат Али авлодига ҳурматини миллий ибодат даражасига кутарди. Ислом динининг узидек эски бўлган шиа мазҳабининг сулуқлари ислом дунёсининг бошқа тарафларига назаран ҳар вақт Эрон халқлари орасида кулроқ тарқалган. Шиалик Сом қавмидан чиққан фотиҳлар (араблар) тарафидан ҳар вақт мағлуб ва мазлум Эрон авлодларининг ҳиссиёт-майллариининг жароҳатланишига сабаб бўлмоқда эди.

Юқорида зикр этилган Бойсунқур Мирзо каби шиалар ёхуд арабларнинг Бухоронинг забти вақтида Шарик бин Шайх ал Маҳдийнинг ғалаёнидан англашилган каби яширин равишда шиалик баъзан Фрот дарёсининг нариги тарафида ва Мовароуннаҳрда бўлса-да, унинг ҳақиқий маркази ҳар доим Эрон эканлигидан суннийларнинг энг катта нафратлари унга қаратилган эди.

Бу мазҳаб яширин тутилган вақтда, рақиблари эътироз ва истеҳзо билан қаноатланар эдилар. Суфилар уни ўзларининг байроқларига ёзиб, майдонга чиқишлари биланоқ сунний хонларнинг зарарига ҳаракат эта бошладилар. Кейин суннийларнинг ғазabi ниҳоятда кучайди ва ҳар икки тараф баравар даражада диний ўзларининг дунёвий мақсадлари йулида баҳона қилдилар. Бу мазҳаб душманлигининг патижаси Осиёнинг ғарбида Узун Ҳасан билан Истамбул фотиҳи ўртасидаги урушлар вақтида кўринди, урушнинг кучайишига сабаб бўлди; шу пайтларда Эрон туркларининг: «Ё, Али!» деган товушлари эшитилар эди.

Аммо Шарқда бу мазҳаб душманлиги бирмунча муддат кул остида чуғдай кумилиб ётди ва маданий ҳаётда нозик бир суратда майдонга чиқди. Султон Ҳусайн Мирзонинг бу вақтдаги сарой аҳволидан англашиладики, Ҳирот ва Мовароуннаҳрнинг эронли сунний араблари Эрон маданият ва маорифининг ёлғиз шиаларга махсус бўлмаганини исбот қилади. Бир оз кейин Хуросонда теурийлар билан дўстлик муносабатини ўрнатган Узун Ҳасан даврида бу масала Ўрта Осиёда, хусусан, Бухорода юқори даражада аҳамият касб этди. Бунинг сабабларидан бири — Абусаиднинг, суннийларнинг ҳақ йулида қурбон бўлиши ҳисобланади.

Шиалик Эронда кенг тарқалиши баробарида Ўрта Осиё халқларининг бу ғайри эътиқодга нафрати орта борди. Султон Ҳусайн Мирзонинг ҳаётлик вақтида ҳам Ҳирот, Бухоро, Самарқанд уламоси шиаларга аблаҳлик ва номуссизлик тамғасини босиб, муслмон бўлмаганлари учун, деб уларнинг умумий равишда қул қилиб сотилишига имкон бердилар ва улар билан никоҳни макруҳ деб ёълон қилдилар.

Шайбоний Муҳаммадхон ўзининг Хуросондаги муваффақиятларидан сўнг, истило йулида Ироқ чегарасига яқинлашиб келган пайтларда, сунний ва шиа мазҳаблари орасидаги муносабат ана шу ҳолда эди. Шоҳ Исмоил билан икки орада туқнашув чиқиши

тайбий эди. Турклар: «Қилични қинидан чиқарган одамга ундан фойдаланиш учун сабаб излашга эҳтиёж қолмас» дерлар. Шайбоний шунга биноан ҳаракат қилиши мумкин эди. Лекин у қаҳрамон сўфига қарши жангни муқаддас дин руҳи билан жоплантириб, янада қаттиқроқ ҳаяжон ҳосил қилиш учун авлодининг бир воизи сифатида юзланди ва 914 (1508) санада уларга ушбу мазмунда мактуб ёзди: «Эй, Эрон ҳукмдори! Менга етмиш маълумотга қараганда, сен залолат йулига эргашиб, шайтон игвосига берилиб, шиа мазҳабини тарқатмоқда экансан. Сенга танбеҳ бериб айтаманки, бу ғайри шаръий мазҳабдан воз кечиб, аҳли суннат жамоасига қайтгил. Йўқса, ёққан исёнинг олови ўзингни куйдирар. Сен хато йўлдасан. Шайтон касофатидан абадий қутулиш учун бу залолатингдан воз кечиб, ҳақ йўлига қайт. Агар менинг бу сўзларим сенинг тарафингдан эътиборга олинмаса, балки ҳисобсиз кўп лашкарим билан Ироққа кирарман ва ўткир қиличимни қўлимга олиб, сенинг Исфаҳон саройингни ҳарни қадар, унинг гумбазли бурчлари ғоят юксак бўлсалар-да, ер билан яксон этарман. Менинг жазом Ироқ аҳли учун қиёматгача унутилмас даражада шиддатли булур».

Шоҳ Исмоил бу мактубни жавобсиз қолдирган шекилли, Шайбоний буни унинг заифлигига йўйиб, қўл остидаги кенг мамлакатни янада кенгайтириш пайига тушди. Хуросоннинг жанубидаги шафқатсиз ўзбек ўрдуси Кандаҳорнинг нариги тарафига кечиб ўтдилар. Улар шу тариқа Кирмон устига ҳужумга ҳозирлик курашганларида Шоҳ Исмоил ҳужумни тўхтатиш қасди билан Шайбонийга вакил жўнатди. Шайбоний яна дўқ-пўписа билан жавоб берди. Сўфига кашкул ва ҳасса юбориб, қўйидаги мактубни ёзди: «Бу ҳадяларни қабул эт, улар сенинг отангдан қолган мерос аломатларидир. Аммо менга келганда, мен ўзимнинг машҳур улуғ бобом Чингиздан мерос қилич билан ҳокимият олдим. Агар сен ўзингнинг тилапчилиқ унвонингдан рози бўлмасанг, уз муомалангдан, ўзингдан упкала».

Мирхонднинг ривоятига қараганда, Шоҳ Исмоил бунга қарши «Хўп, агар мен дарвеш бўлсам, улуғ Имом Ризонинг қабрини зиёрат қилиш учун Машҳадга бориш фикридаман, сен билан ўша ерда учрашамиз», деган. Шоҳ Исмоил уруш сафарига тамом тайёр эди. Шайбоний эса, тик қоялар орасида жойлашган фирузкўҳи қабиласининг исёни сабабли жанубга ҳаракат қилишни тўхтатишга мажбур бўлди. Уларни жазоламоқ билан овора пайтида Шоҳ Исмоилнинг кучли бир қўшин билан Машҳад томон бориши ҳақида хабар олинди. Бунинг устига, яна Сирдарёда қирғизларга қарши курашаётган угли Мухаммад Темурнинг Мўюнсиз Ҳасаннинг ҳужумига йўлиқиб, даҳшатли бир суратда енгилгани ҳақида Мовароуннаҳрдан фавқулодда таассуфли ва қайгули иккинчи бир хабар тегди. Шу тариқа Шайбонийнинг кучли қўлига, ўткир кўзига айни замонда уч тарафдан зарба сезилди. Бундан ташқари, узоқ сафар машаққатлари билан унинг лашкари чарчаган ва бўшашиб қолган эди. Шайбонийнинг ўзи ҳам Марвда, Амударёнинг нариги

томонига кетиш ёки душманни чулнинг ёқасида кутмоқ ҳақида қатъий бир қарорга кела олмади. Ҳолбуки, бу пайтда Шоҳ Исмоил Домгон, Сабзавор, Нишопурнинг соқчи аскарлари бўлган ўзбекларни қувиб, фавқулодда суръат билан Машҳадга яқинлашмоқда ва даҳшатли қушин гуруҳлари билан тажовузни давом эттирмоқда эди.

Шундай аҳволда Шайбоний ҳеч бир жойдан ёрдам олишга умид қила олмас, бинобарин, унинг учун ягона чора — вақти етиб ёрдам келса, қамалдан қутулиш умиди билан Марв қалъаси деворлари ичида ўзини ҳимоя этишдан иборат эди.

Шайбоний Марвга кириб олса, вақтдан ютишини билган Шоҳ Исмоил ҳийлага ўтди. У Шайбонийга қуйидаги мазмунда мактуб ёзди: «Сен мени Озарбойжонда зиёрат этишга ваъда берган эдинг. Лекин сузнингда турмадинг. Шахсан мен ўзим Хуросонга келдим. Шу боис сен мени қабул қилишни истамайсан, мусофирнинг олдида дарвозаларингни ёпдинг. Англишилдики, ҳозир сен бунда яширишиб қолишни истайсан. Эрон ва Озарбойжондаги маълум воқеалар мени ҳам қайтишга мажбур этадилар, шу сабабли мен бу ердан аскаримни олиб кетаман ва кўришмоғимизни тақдирга хавола этишга қарор қилдим.

Суз ортида иш ҳам бажарилди. Ҳийлакор Эрон ҳукмдорининг аскарлари қайта бошланиш билан чарчаган ва оз миқдордаги ўзбек аскарлари шахсан Шайбонийнинг қўмондонлиги остида чекинувчи аскарнинг орқа тарафидан ҳужум қилиб, уларни Мурғобнинг нариги тарафига қадар таъқиб этдилар. Шу пайт орқаларидаги кўприкнинг бузилганини кўриб, ўзларининг ҳийла қўрбони бўлганларини англадилар. 17 мингга қадар эроний ўзбекларни бир давра ичига ўраб олганларидан кейин даҳшатли суратда қонли бир уруш бошланиб, Шайбонийнинг ҳалокати билан тугади. Душманлари эътироф этишича, ўзбеклар ҳалокатининг муқаррар эканини кўриб, ҳақиқий қаҳрамонлик билан қарши турдилар. Ўзбекларнинг ярим миқдори ҳалокат топгач, Шайбоний бир неча содиқ ва қаҳрамон тарафдорлари билан эронийларнинг тигиз сафларини бузиб чиқадиган жангни авж нуқтасига кўтармоқ учун ўзининг сарой доирасига кетишга ҳаракат қилди. Аммо тезда тутилди ва бутун тарафдорлари билан қатл этилди. Унинг кўп жойдан яраланган гавдаси ушбу хароба ичида ўлдирилганлар орасидан топилди.

Шайбоний қаҳрамонларча ҳалок бўлган вақтда 61 ёшда эди. Шоҳ Исмоил унинг бош чаногини олтин билан қоплатиб, коса ўрнида фойдаланди. Иккинчи бир ривоятга кўра, гўё уни Истамбулга, Султон Боязидга юборган эмиш. Чунки Мовароуннаҳр ҳукмдори билан Султон Боязид ўртасида ҳарбий иттифоқ бор эди. Шайбонийнинг ун қўли гавдасидан олиниб, тубандаги мазмунда масҳарали бир хат билан ўзбекларнинг тарафдорига, Мозандарон ҳокимига юборилган экан. Хатда шу сузлар ёзилган: «Сен ҳар вақт Шайбонийнинг тарафини олишни истар эдинг. Фақат унинг тириклигида бу сенга насиб этмади. Шу истагинг амалга ошсин деб Шоҳ Исмоил ҳозир сенга шу ҳомийнинг қўлини берди». Буни

Эрон тарихчилари нақл қиладилар. Урта Осиё тарихчиларининг айтишларига қараганда, унинг майити ўзи тарафидан Самарқандда 916 (1510) йилда бино қилинган гузал бир мадраса ичида дафн этилгандир. Бинобарин, унинг вафоти тарихи ҳам, мақбараси ҳам бир шаҳид зиёратгоҳи сифатида омма тарафидан эъзозланмоқда.

Шайбоний Муҳаммад ҳақиқатда узгача бир зот эди. Хусусан, тарихий жиҳатдан машҳур Мовароуннахрнинг сиёсий жиҳатдан яҳамиятсиз бир мулки — Бухоро хонлигидаги инқилоб нуқтаси айнан унинг даврида бошлангани Шайбоний шахсини ҳурматга лойиқ этади.

Шайбонийнинг ҳаёт тарихида эътиборга молик уч муҳим нуқта бор. У аввало, Урта осиеликларнинг ички кучларига таяниб юришлар қилган ва оқибатда чегараси Амударё доирасидан жуда узоққа чўзилган бир мамлакатни барпо этган буюк соҳибқиронларнинг охиргиси эди. Бундан кейинги жанговар йулбошчилар, маҳорат ва ҳирслари қанчалик катта бўлса-да, бу борадаги бахт-омадга эришолмадилар. Ичдан кучайган Эрон ғарбдаги Бухоро ва Самарқанд эллари учун енгилмас, юксак ва метин бир девор ҳолига келди. Иккинчидан, бундан кейин Урта ва Ғарбий Осиёда қабилалар уруши қатъий тугади. Ўзбеклар Турон яйловидан жанубий ғарбга тушган қавмларнинг энг сўнгги қабиласи бўдилар. Учинчидан, илк Аму ва Сир дарёларининг нариги тарафидаги мусулмонлар билан Ғарбий Осиёдаги дин қардошлари ўртасида жуда яқин бўлмаса-да, доимий бир алоқа бор эди. Темурийларнинг инқироzi ва ҳалокатлари билан бу алоқа тамом сўнди. Хусусан, сафавийларнинг шиаликни қувватлашлари сабабли алоқа узилиши янада чуқурлашди, бу айирмачилик ва мазҳабчилик билан ислом вужудига қозиқ қоқдилар.

Шайбонийнинг кўчманчи кавмлари билан бу улканинг шимол тарафига юриши, бунда тамомила маълум диний-ижтимоий узгариш қилинган (шиалик тарқалиши) вақтларга тўғри келгани учун Мовароуннаҳр янада тезроқ мустақил бўлиб олди: жуда қадим замонлардаги каби Мовароуннахрнинг сув худуди Турон билан Эрон орасида асосий бир чегара ҳолини олди.

Шайбонийнинг шахси хусусида шуларни айтиш мумкин: у, ҳар ҳолда ўзининг эронлик душманлари тарафидан тасвир этилганидек, нимани хоҳласа, шуни бажариб юрувчи ваҳший бир кимса эмас эди. Масалан, у замонинг руҳоний уламоларига катта ҳурмат, ҳатто болаларча итоат қилиб, барча уруш сафарларида ўзи билан баробар кичкина гузал кутубхонасини олиб юрар, Темур каби бу ҳам Дамашқ ва Ҳалаб уламоси билан диний мунозараларга қатнашган. Қуръоннинг баъзи бир оятлари ҳақида Ҳиротнинг пешқадам тафсирчилари бўлган Қози Ихтиёр ва Муҳаммад Юсуфга эътироз билдирган эди. Бобур Шайбонийнинг маъносиз ва лаззатсиз шеърлар ёзганини, уларни минбардан ўқишга амр этганини истеҳзо билан баён қилади. Аслида эса, бу уруш одами маориф ва маданият ҳақида ўз даврининг руҳидан тўла хабардор ва замонасидаги тенгдош шоирларнинг аксариятидан ортиқ даражада

қалам соҳиби булган. Чунки унинг шеърлари, душманлари фикрининг тескариси улароқ, буюк бир иқтидор ва гузал табиатга молик эканини, у ҳам туркий, ҳам форсий, ҳам арабий тиллардан асосли суратда воқиф эканини кўрсатмоқда. Султон Ҳусайн Мирзонинг вафотидан кейин бир сиқим донга муҳтож қолган купгина уламо-лар Шайбонийдан ҳимоят кўрдилар. У уламоларни хизматга олиб, муносиб вазифалар берди. Бухоро, Самарқанд, Тошкентда масжид-лар, мадрасалар солишга амр этди. Ҳатто ҳарбий юришларда ҳам ўз атрофида бир неча уламо булган ва булар унга ҳурмат ва садоқат кўзи билан қарашган. Гарчи ўзбек номи ўзининг пайдо бў-лиш вақтида ва кейинчалик, хатто ҳозир ҳам эронийлар назарида биқиқлик, ваҳшийлик билан бир маънода қўлланилса-да, бу гаплар бир томонлама ва Шайбонийга нисбатан нотўғридир. Чунки у маориф жиҳатидан олдинги Темур шаҳзодаларининг аксаридан паст эмас эди...

МУНДАРИЖА

Истиқбол йул курсаткичларидан бири	3
Арабларнинг ҳужуми, исломни қабул қилиш. Ҳижрийнинг 46—96 йиллари (666—714)	9
Муғуллар истилоси. Ҳижрийнинг 615—624 йиллари (1218—1226)	17
Амир Темур. Ҳижрийнинг 736—807 йиллари (1333—1405)	30
Темурнинг шахси, саройи ва тураржойи	47
Темурийлар 807 (1405)—906 (1500)	57
Ўзбеклар ва Шайбоний Муҳаммадхон. Ҳижрийнинг 906—916 йиллари (1500 — 1510)	75

Литературно-художественное издание
СИРОДЖИДДИН АХМАД (составитель)
БУХАРА ИЛИ ИСТОРИЯ МАВАРОУННАХРА

Отрывки из книги

Художник **Х. Худайбердыев**

Ташкент. Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма

На узбекском языке

Адабий-бадий нашр

СИРОЖИДДИН АҲМАД (нашрга тайёрловчи)
БУХОРО ЕХУД МОВАРОУННАҲР ТАРИХИ

Китобдан парчалар

Муҳаррир *С. Тоҳирова*
Расмлар муҳаррири *Л. Кива*
Техник муҳаррир *Э. Саидов*
Мусахҳиҳлар: *Ш. Собирова, М. Насриддинова*

ИБ № 4898

Босмахонага 16. 11. 90 да берилди. Босишга 12. 12. 90 да рухсат этилди. Бичими 60×90^{1/16} Босмахона қоғози № 2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма тебеси 6,0. Шартли бУЭқ—оттиски. 6,25. Нашр тобоғи 6,1. Жами 200000 нусха. 1054 рақамли буюртма. Баҳоси 2 с. 221—90 рақамли шартнома.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 760129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР матбуот Давлат комитетининг 1-босмахораси. Тошкент — 700002. Зарқай-
нар кўчаси, 9.

Вамбери, Ҳерман.

Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Китобдан парчалар /Тупл.: С. Аҳмад/.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.— 96 б.

Ватанамизнинг табияти, унинг бой тарихи, сержило маданияти ва адабиёти дунёнинг турли мамлакатларида яшаган алломаларни қизиқтириб келган. Улар баъзан улуғвор, баъзан фожиали воқеаларга тўла бу тарих ҳақида, ўтмишда яшаган буюк аجدларимиз, жумладан, Амир-Темур тўғрисида қўлаб рисолалар, бадний асарлар ёзиб қолдиришган. Мажор олими Ҳерман Вамберининг ушбу китоби бу асарлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Қатағон йиллари ушбу китоб ноҳақ қораланиб, унинг нашри таъқиқланганди.

Китоб айрим қисқартиришлар билан чоп этиляпти.

Ҳозирги кунда китобнинг тўла матни нашрга тайёрланаяпти. Нашриёт яқин йиллар ичида унинг изоҳлар билан бойитилган тўла нашрини китобхонларга тақдим этишни режалаштириб қўйган.

Вамбери, Герман. Бухара или история Мавароуннахра. Отрывки из книги.

ББК 63.3 (2У)

2c

